

ЖУМАЕВ ШЕРАЛИ

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ РАМЗИЙЛИККА
ОИД БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**



52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
БАДИИЙ ГРАФИКА ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

ЖУМАЕВ ШЕРАЛИ

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ РАМЗИЙЛИККА
ОИД
БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

САМАРҚАНД -2015

Муаллиф:

Сам.ДУ “Муסיқа,бадий графика ва меҳнат таълими”
факультети “Бадий графика ва уни ўқитиш методикаси”
кафедраси ўқитувчиси **ЖУМАЕВ ШЕРАЛИ ЎТКИРОВИЧ**

Такризчилар:

Ҳ. Ҳ. Жўраев - Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура
қурилиш институти доценти, санъатшунослик номзоди:

Б.И.Муранов – Самарқанд давлат унверситети касбий таълимни ўқитиш
методикаси кафедраси мудири педагогика фанлари номзоди, доцент.

Аннотация

Ушбу методик қўлланмада касб-хунар коллежларидаги наққошлик санъати дарсларида ўқувчиларнинг рамзийликка оид билимларини ривожлантириш методикаси хақида баён этилган. Наққошлик санъатини ўтиш жараёнида зарур бўлган саволномалар, таянч тушунчалар, тестлар, кўргазма қуроллар, фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати берилган.

Методик қўлланма касб-хунар коллежлари ўқувчилари, санъатшунослар, меъморлар, усталар, магистрантлар, аспирантлар, мактаб ва касб-хунар коллежи ўқувчилари, саёҳатчилар ҳамда маънавий меросларга қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

Профессор **С.С. Булатов** тахрири остида.

Ушбу методик қўлланма Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ўқув-услубий кенгашининг 2015 йил 13-июн № 8-сон мажлис мажлис қарори билан нашга тавсия этилган.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар маънавий, маърифий, мафкуравий, касбий жиҳатдан мутлақо янги замон кишисини шакллантиришни талаб этади. Ҳозирги замон ёшларини миллий, шарқона, тархий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий руҳда тарбиялаш ҳам ижобий инсоний фазилатларга эга бўлган касб соҳибларини тайёрлаш муаммоси давлат миқёсидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда Республика ҳукуматининг қатор ҳужжатлари ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари талаблари асосида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маъданият, қадрият, миллий санъат намуналаридан, ота-боболар томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий субъектига айланиб, 1992 йил БМТга, 1993 йили ЮНЕСКОга аъзо бўлди. Ҳозирги пайтда Республикада юздан ортиқ хорижий мамлакат элчихоналарида, қатор халқаро ташкилотлар, йирик жаҳон банклари ва фирмалар ваколатхоналарида фаолият кўрсатмоқда.

Буюк ватандошимиз - Имом Ал Бухорий, Хаким ат Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Имом Мотурудий, Бурхониддин Марғинонийларнинг номлари қайта тикланмоқда. Ўтмишнинг буюк мутафаккирлари, – Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Хоразимий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва мусаввирлари: Камоллидин Беҳзод, Муҳаммад Мурод Самарқандий ва бошқаларнинг номлари ғурур билан тилга олинмоқда. Уларнинг шарафига ёдгорликлар мажмуалари қурилиб, китоблар чоп этилиб, фаолиятлари кенг тарғиб этилмоқда.

Ана шундай миллий уйғониш даврида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов мустақиллик билан боғлиқ барча ижтимоий сиёсий ва иқтисодий масалалар қаторида инсон айниқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатига, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор беради. Зотан, такомил маънавий-маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди.

“Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ, - деб Президент И.Каримов – аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий – маърифий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни, миллий ўзликни англашни ўсишдан, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналарини, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда янги маънавий-ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига таъсир этиб, ижобий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштиради. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари тасвирий ва амалий санъат тизимида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришиши маънавий, тарихий қадриятлар ҳамда халқ педагогикаси анъаналарини қайта тиклаш ва уларни замонавий педагогик технологиялар асосида ривожлантиришга йўл очиб беради. Айниқса, асрий анъаналарга эга бўлган халқ амалий санъатига

Ўқувчиларни жалб этиш – катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан диққатга сазовордир. Шу жиҳатдан, ҳам ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда педагогика фани ўз олдига янги вазифалар юклади. Зеро, бошқа соҳалар билан ҳамоҳанг тарзда илм ва санъат соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар даври кечмоқда. Бу ўзгаришлар ёш авлодда нафақат назарий билимларни эгаллаш, балки, уларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий аҳамиятга молик бўлган бу тадбирларни амалга оширишда кўп йиллар давомида миллий бойлик бўлиб келган халқларимизнинг маданий ва маиший ҳаётга кенг тадбиқ этилган гўзал хунарлардан бири наққошлик санъатини янада чуқурроқ ўргатиш муаммоси ҳам ҳозирги кунда жуда катта педагогик аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон мамлакати мустақил бўлгач, маънавий мерос ва азалий қадриятларни тиклашга катта эътибор берилди бошланди. Шу қаторда миллий меъморчилик ишларида ҳам кўпгина бунёдкорлик ишлари олиб борилди, буюк аждодларнинг муқаддас қадамжолари тикланди, маҳобатли меъморчилик обидалари бунёд этилди. Бу жараёнда асрий анъаналарни тиклаш ва қайта дунё юзини кўришига катта эътибор қаратилди. Меъморлар томонидан миллий меъморчилик обидаларидаги фалсафий рамзларини ўрганишга ҳам янгича ёндашила бошланди. Шарқ меъморчилик санъатида Марказий Осиё меъморчилик ўзининг жозибаси ва сирли фалсафий безаклари ҳамда рамзий маънони билдирувчи нақшлари билан ажралиб туради. Халқларнинг миллий анъаналаридан бири бўлган наққошлик санъатида қайта тикланиши, янгитдан бунёд этилиши, таълим тизимида ўрганиш зарурятини юзага келтирмоқда. Ранг-баранг ўсимликсимон, геометрик нақшлар, уларнинг ўзаро жойлашишида чуқур мазмун сингдирилган. Тасвирланган нақшларда рамзийлик устивордир. Ота-боболар қадимий обидаларни нафис нақшлар билан безар эканлар, завқ олиш билан бир қаторда улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини, тилаklarини

куйлаганлар. Наққошлар ота-боболар руҳиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиб, уйларни ажойиб нақш нигорлар билан бойитганлар. Нақшланган уйда кишилар хотиржам, руҳий осойишталик оғушида бўлиши, узоқ умр кўришини донишманд боболар асрлар давомида ҳаётий тажрибалар асосида ҳам аён қилганлар.

Кекса усталаримиз айтишича, қадимда наққошлик санъати шунчалик ривожланган эканки, улар чизган ёки бўяган нақшлари орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олар эканлар. Наққошлик санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир унсури ва рангларининг рамзий алифбосини билмоқ керак бўлган.

Наққошлик санъатида рамзийликнинг алоҳида хусусияти, фаолиятлар махсули ҳисобланади. Касб-ҳунар коллежларида талабаларнинг наққошлик дарсларида рамзийликка оид билимларини ривожлантиришда қатор услубий муаммолар мавжуд:

- Наққошлик санъати дарслари жараёнида ўқувчиларнинг рамзийликка оид билимларини ривожлантириш методикаси илмий жиҳатдан атрофлича ўрганилмаган;

- Касб-ҳунар коллежларидаги наққошлик санъати дарсларида ўқувчиларнинг рамзийликка оид билимларини ривожлантириш методикасини бир бутун яхлит ҳолатда ишлаб чиқилмаганлиги, бугунги кун ижтимоий педагогик талаблар асосида мақсадли изланишлар ўтказишни тақозо этади;

Ўқувчиларида рамзийликка билимларини ривожлантиришнинг назарий асослари.

Ўзбекистон халқларининг тарихи, кадриятлари, илм-фан, маданият дурдоналарини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳимдир. Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики,- деган эди Президентимиз И.А.Каримов: “Биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимизни негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз томирларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак”. Шу мақсадда республикаимиз ҳукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг асосли ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, кадриятларимиз, миллий санъат намуналаридан, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Шу маънода Республикаимиз ҳукумати томонидан халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 1997 йили "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур" қабул қилинди. Унда "Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсатини, умуминсоний кадриятлар, халқнинг тарихий тажрибаси, маданият ва фан борасидаги кўп асрлик анъаналар, жамиятнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизилади" дейилган .

Мамлакатимиз Президенти И. Каримов Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиядаги маърузасида Ўзбекистоннинг келгуси асрга нималарни олиб ўтиши ва нималардан воз кечиши лозимлиги ҳақида гапира туриб, ҳаётимизнинг яхшилаш йўллари, янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечимига диққат қилишимиз лозим? - деган масалаларга ечим топишга интилади ва бунинг учун Республика ҳаётига, ўтмишига назар ташлаб таҳлил қилади.

Юртбошимиз XXI асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун - моҳиятини, устувор 6 та йўналишлардан иборатлигини таъкидлайди.

Шу устувор йўналишларидан бири кадрлар масаласидир. Ҳар бир вазифанинг охири барибир кадрларга бориб тақалаверади, муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги яъни ўрнимизга ким келишига ёки қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Ўзбек халқ амалий безак санъати қадимийлиги ва бой маданияти билан бутун дунёга машхурдир. Мамлакатимизнинг ер усти ва тупроқ остидаги қисми улкан бир тарихий музейдир. Асрлар давомида орттирилган маданий ва маънавий бойликлар, хусусан, ўзбек миллий халқ амалий безак санъатининг ривожланган турларидан: ганчкорлик, наққошлик, заргарлик, каштачилик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кулолчилик, пичоқчилик, кигиз босиш, саватчилик, бўйрачилик кабиларни ўргатиш, ўрганиш технологияси, усталарнинг хақиқий номлари, ўзига хос мактаблари, яратган услублари ўтган даврларда аста-секин йўқолиб кетиш хавфи остида қолди.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кутарилишида шу она юрт туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс эканлиги улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу кўхна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали ҳануз ўзининг кўрки тароватини сақлаб келаётган осори атиқалар қадим-қадимдан ўлка деҳқончилик ва

хунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакат худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Аждодлар тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимий тошёзувлар ва битиклар, қўлёзмалар халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойликдир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ота-боболарнинг асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажрибаси. Диний, ахлоқий, илмий адабий қарашларни ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси худудида яратилган. “Авесто” деб аталган бебоҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликларнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, ҳозирги давргача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўхна ўлкада, бугун ушбу тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради.

Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз.

Бугунги кунда мустақил мамалакатимизда халкимизнинг асрлар давомида яратган ижодий меҳнати натижаси бўлмиш амалий безак санъатини кўз қорачиғидек асраш, қадрлаш, улардан амалий фойдаланиш, ёшлар эстетик

дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш учун кенг имкониятлар очилди. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби жаҳонга машхур олим, шоир ва мусаввирларнинг бетакрор маданият дурдоналари, халқ усталари яратган нодир асарлар руҳида ёшларни тарбиялаш, устачилик ва хунармандчилик сирларини уларга меърос қолдиришга чақирганлар.

Хива шаҳридаги тарихий архитектура ёдгорликлари ичида энг ҳашаматли ва чиройлилиги билан ажралиб турадиган Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидир. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси Хива шаҳрининг ўртасига жойлашган. У гумбазининг банландлиги (25 м) сабабли шаҳардан 5-6 чақирим наридан кўриниб туради. Мақбаранинг ҳозирги кўринишидаги гумбази Муҳаммад Раҳимхон I даврида қурилиб, унинг ўғли Оллоқулихон даврида чиройли кошинлар билан безатилган. Шунинг учун ҳам кўпчилик олимлар бу мақбарани Хива хонларининг Кўнғирот сулоласи хилхонаси деб аташади.

Мақбарадаги қоплама безаклар мукамаллиги билангина эмас, балки нақшларнинг моҳирона ишланганлиги ва хона ичида беками-кўстлиги билан ҳам бебаҳодир. Кошин карвичлар квадрат шаклида (27x27 см) бўлиб, бирисидаги нақш иккинчисида худди шундай жойлашган усулда такрорланмайди. Улардаги нақш чизиклари бир-бири билан аниқ боғланиб кетади ва умумий безак лавҳаларни ташкил қилади.

Кошинлардаги гуллар аксари оқ,кўк ва зангори бўлиб, бу рангларнинг танланиши ҳам бежиз эмас. Чунки, қадимдан оқ ранг тозалик, ёруғлик, бахт ва омад рамзи, кўк ранг мовий осмон, ёмон кундан асраш, зангори-олий эътиқод рамзини билдирган. Нақшларда ҳам олам-олам маънолар яширинган. Масалан, катта гумбазли хонага киришдаги кошинларнинг пастги қаторида кема тасвири туширилган (1-расм). Бу бир афсона билан боғлиқ бўлиб, у шундай: Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом қумнинг баланд бир қирида ухлаганда

туш кўради. Тушида отаси – “шу ётган жойингда бир қалъа қургил, унинг тузилиши менинг кемамга ўхшасин”.- дейди. Шунда Сом отасига – “кема шаклида бўлган шаҳар кемадек чайқалиб турмайдими?”, - деб сўрайди. Отаси унга, - “ундан хавотир олма, ўртага бир лангар ташлаймиз”, - дейди.

Халқ орасида мана шу Паҳлавон Маҳмуд мақбараси Хива шаҳрининг лангари дейилади. Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ рассоми, эски музей илмий ходими Абдулла Болтаевнинг “Хива ва Хоразм тарихига доир материаллар” деб номланган дафтарлари мавжуд. Шулардан 37-сонли дафтарда юқоридаги афсона ва лангар ҳақида ҳам ёзиб қолдирган. Нақшларнинг катта кўпчилиги ҳар хил ўлчамдаги айланалар ичига ясалган, ёки нақшларнинг ўзи айлана-айлана бўлиб кетган. Чунки айланага кўзи тушган ёвуз ниятли киши ниятидан қайтади, деб ҳисобланган.


Кошинларнинг яна бирида қуш сурати тасвирланган, бу булбул бўлиб, садоқат рамзини, яъни Оллоқулихоннинг отасига ва Паҳлавон Маҳмудга садоқатини билдиради.

Абдулла Болтаевнинг ёзишича Оллоқулихон ўзига Хивадаги энг ҳашаматли сарой – Тошҳовлини қурдириб, унга кошинлар билан безак беришдан аввал, отасининг ётган жойи Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини кошинлар билан безаттирган. Оллоқулихоннинг отасига ҳурмати шу даражада бўлганки, ўзига тайёрлатган қабри отаси ётган жойнинг оёғи учида ва пастда қурилишини буюрган.

Умуман, бу анъана аввалдан келаётганини сезиш қийин эмас. Паҳлавон Маҳмуд оёғи учида Абулғози ва Анушхонлар (VII-аср қабртошлари), улардан кейин эса Муҳаммад Раҳимхон I қабри жойлашган. Паҳлавон Маҳмуд қабрининг узунаси Шарқдан Ғарбга томон қилиб ер устида қурилган. Чунки Хоразмда барча қабрлар шундай қурилади. Бунинг сабаби қабр ер устидалиги, ер ости сувининг еса жуда яқинлигидан. Шарқ ғарблигининг маъноси, ўликнинг бошини ғарб томонга қўйиб, юзини жанубга, яъни, Маккага қаратиш учундир. Бошини ғарбга қўйиш қуёш

ботганини, киши ҳаёти тугаганини билдиради. Хоразмда қадимдан бир одат бор, болани ухлаши учун ётқизганда бошини фақат жануб ёки шарқ томонга қўйиш тавсия қилинади. Кун ботарга ва шимолга бош қўйиш бутунлай таъқиқланади. Кунботар томонга фақат ўлик бош қўяди, Қибла-Жанубга эса оёқ узатиш мумкин эмас, у томонда Макка бор дейилади.

Диний деб талқин қилинган бу ақида аслида илмий бўлиб, ер шарининг айланиши ва унинг одам танасига таъсири ҳақидадир. Агар киши шарқ томонга бош қўйиб ётса, танасида қон айланиши енгиллашади, чунки ер айланиши унга ёрдам беради. Шунинг натижасида юрак дам олади. Жанубга бош қўйиш эса ер магнит майдонида мослашишни билдиради. Қадимда фан билан дин бирга қўшиб олиб борилгани сабабли, бу билимлар тезликда оммага оғзаки ҳолда етиб борган. Оғзаки бўлгани учун ҳам кўп илмий асосланган нарсалар ҳозирги давргача етиб келмаган.



1-расм.

Хива шаҳрининг биргина Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги ўйма нақшли эшикларнинг 5 тасида, кошинларнинг 10 та жойида, 6 та мармар тошда, 3 та металл буюмда араб, форс ва туркий тиллардаги ёзувлар бўлиб, улар тарихимизни ўрганишда муҳим манбалардир.

Буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темур хунар ва илм эгалари, йирик мутахассис олимлар ёрдамига таяниб, математика, геометрия, меъморлик,

астрономия, адабиёт, тилшунослик, тарих, мусиқа, тасвирий санъат, хаттотлик каби соҳаларни ривожлантиришга катта аҳамият берди. Амир Темур ва темурийлар даврида халқ хунармандчилиги, қолаверса, маданияти юксак даражада ривож топди. Темурнинг амри билан турли мамлакатлардан усталар, меъморлар олиб келиниб, бетакрор бинолар қурилди ва боғу роғлар барпо этилди. Ушбу бетакрор биноларни нақшу нигорларда турли рамзий нақшлар яъни қушлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, буюмлар, инсон қиёфалари ранглар орқали акс эттирилган. Уларда бир дунё фалсафий фикрлар баён этилган.

Машҳур рассом М.И.Ремпель Марказий Осиёдаги тарихий тараққиётнинг, меъморчилик обидаларини, нақшларнинг композицияларини, услубларини батафсил ўрганиб, йирик тарихий асарлар ёзди. Унинг “Архитектурный орнамент Узбекистана” номли асарида Ўзбекистон худудидаги меъморий обидаларни безатишда (улар ичида кўплаб ганч ўймакорлиги намуналари бор) қўлланилган нақшинкор безакларнинг композицион тузилишлари, мазмуни чуқур таҳлил этилган. Унинг андозалари бугунги кунда ҳам ганч ўймакорлиги намуналарини яратиш бўйича андоза вазифасини ўтамоқда.

Ёшларни ҳалол меҳнат қилишга, уларни турли касб-хунар сирларини мукамал эгаллашга ўргатиб борилиши халқ тараққиёти тарихида, ҳар хил даврларда мутафаккир олимлар, назариётчи ва амалиётчилар томонидан тадқиқ этилиб, фикр ва мулохазаларни ўз асарларида баён этганлар.

Халқ амалий безак санъатининг тарихи, йўналишлари, соҳаларни ўрганишда педагог олим С.С.Булатовнинг илмий фаолияти ибратлидир. Кийинги йилларда олимнинг халқ амалий безак санъатининг турли соҳаларга бағишланган йирик асарлари нашр этирилди.

Профессор С.С.Булатов ўзининг “Ўзбек халқ амалий безак санъати” номли ўқув методик қўлланмасида ушбу санъатнинг кенг тарқалган турлари, улар ҳақидаги илмий ва тарихий маълумотлар ҳақида амалий иш усулларини

баён этган ҳамда бу санъат турларини ўрганиш ва ўргатишга доир назарий-методик йўл-йўриқлар берилган.

Муаллифнинг олиб борган кузатишлари ва тадқиқотлари асосида ганчкорлик, наққошлик, заргарлик, каштачилик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кулолчилик, пичоқчилик, кигиз босиш, саватчилик, бўйрачилик каби халқ амалий санъат турларининг тарихи, иш жараёнлари ва услублари, жихозлар, асбоб-ускуналар, хом-ашёлар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш ранг-баранг тасвирий лавҳалар мисолида тадқиқ этилади.

Бу санъат турларини ўрганиш юзасидан машғулотларни ташкил этишга доир илмий методик тавсиялар, дастурлар берилган ҳамда халқ амалий санъати воситасида ўқувчиларни бадиий эстетик тарбиялашнинг назарий ва амалий вазифалари баён этилади.

Наққошлик бўлимида нақш рамзий унсурлар жадвали берилган. Жадвалда қуш, қуёш ва бошқалар рамзий ифодаланган.

С.С.Булатов ва Ў.Мансуровларнинг “Миллий меъморчиликда амалий санъат фалсафаси” номли монографияси амалий санъат фалсафаси соҳаси бўйича дастлабки монография бўлиб, амалий санъат турларида ишлатиладиган безаклардаги рамзийлик алифбоси илмий асослаб ишлаб чиқилган. Айниқса, Шердор мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси безаклари улар томонидан хар томонлама асослаб берилган.

С.С.Булатов ва Н.Толиповларнинг “Гўзаллик фалсафаси” номли монографиясида маънавий хазинаси бўлмиш ўзбек халқ амалий безак санъатидаги безаклар, шакл, ранг ва чизиқларни ўқишнинг рамзий алифбоси, бу безакларни ўқиш йўллари ҳамда ранглар орқали мантикий ва фалсафий фикрлашнинг сир-асрорлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Нақш композицияси бўйича дастлабки китоблардан бири Ниғмонов Баҳромжон Абдувосиқ Хожи ўғлининг “Нақш композициялар тузиш” номли методик қўлланмаси ҳам талаба ва ўқувчилар учун зарур манбадир. Ушбу

китобда композиция қонун-қоидалари, стилизация композициялардан жуда кўп намуналар берилган.

Қ.Қосимовнинг “Наққошлик” номли қўлланмасида наққошлик тўғараги ишини ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам берилади. Китобда методик тавсиялар ва иллюстрация материаллари ўқувчиларга наққошлик санъатининг жозибасини аниқлаш ва улардан ана шу санъат сирларини ўрганишга қизиқиш уйғотиш имконини беради.

Муаллифнинг ушбу китобида дастлабки рамзий нақш элементларининг биринчи бор таърифларини берган. Уларни рамзий ифодаланиши ҳақида дастлабки қизиқарли маълумотлар берган. Лекин бу рамзий нақш унсурларининг дастлабки тасвирий ифодаси эди.

А.Ҳаққуловнинг “Таъмир санъати” номли китобида ғоят муҳим мавзу тарихий –маданий ёдгорликларни қадрлаш ва уларни келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб бериш масаласи кўтарилади.

Китоб, асосан муаллифнинг таъмир соҳасида узок йиллар давомида олиб борган кузатишлари заминида туғилган мақолалардан тузилган. Бу мақолаларда Самарқанднинг қадимий ёдгорликларини тарихда тутган ўрни, таъмир санъатининг мураккаб муаммолари ҳақида қизиқарли ҳикоялар қилинади. Бундан ташқари, мазкур тўпламда ўқувчи учун ибратли ва бевосита ёдгорликлар тақдири билан боғлиқ бўлган ривоятлар ҳам келтирилган.

Амалий безак санъати – безак санъати; ижтимоий ва шахсий турмушда амалий аҳамиятга эга бўлган буюмлар тайёрлаш ва кундалик турмуш ашёлари (асбоб-анжомлар, мебель, мато, меҳнат қуроллари, кийим – кечаклар, тақинчоқ, ўйинчоқлар ва бошқалар) ни бадиий ишлаш билан боғлиқ ижодий меҳнат соҳаларни ўз ичига олади.

Шунингдек, таҳлиллардан шу нарса маълум бўлдики, касб-хунар коллежларининг наққошлик дарсларида ўқувчиларда рамзилликка оид

билимларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлигидан далолат беради.

Рамзий нақшларнинг ўзига хос томонлари.

Ҳар бир нақшда ўзига хос маъно бор. Ҳатто ибтидоий давр одамларининг қоя тошларга чизган расмлари ҳам муайян маънони англатган. Уларнинг аксариятида ёввойи ҳайвонларни овлаш, қўлга ўргатиш жараёнлари тасвирланган. Ўрта Осиёда ислом дини жорий этилгунига қадар монументал тасвирий санъат юксак ривож топган. Бунга Афросиёб, Варахша, Болаликтепа каби обидалардаги паннолар гувоҳ бўла олади. Уларда элчиларнинг совға-салом билан ташриф буюришаётгани, меҳмондорчилик қизиган пайт, ов жараёни каби хилма-хил мавзулар ўзининг аниқ ифодасини топган. Ислом дини жорий этилгандан сўнг тасвирий санъат ўрнини, асосон, орнаментал, яъни ўсимликсимон, геометрик нақшлар эгаллаган, уларнинг ҳам рамзий маъноси бўлган. Ранг-баранг ўсимликсимон ва геометрик нақшлар ўзаро композицион боғланиб, ғоявий маъно жиҳатидан сержило, сермазмун яхлит паннони ташкил этган. Қуйида бир неча турдаги нақшларнинг рамзий маънолари устида фикр юритилади.

Қадимда одамлар қуёш, ой, юлдуз, сув ва оловга сиғинишган. Жумладан, Хоразмда беморга кечқурун томга қўйилган қатикни, Ҳиндистонда эса касалга кумуш идишдаги сувга ой аксини тушириб ичиришган. Қадимги мисрликлар қуёшдан куч олиш учун қўлларини қуёшга қаратиб кўтаришган. Юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, Массagetлар шоҳи Тўмарис “массagetлар ҳукмронлиги қуёши билан қасам ичаман”, дер экан.

Бинобарин қадим замонларда одамлар табиатдан, сайёралар кучидан мадад кутишган, уларга сиғинишган, уларга атаб ибодатхоналар қуришган.

Х аср тарихчиси Маъсудийнинг ёзишича, ибодатхоналар рамзий шакл ва рангларга эга бўлган. Чунончи, Собийлар ибодатхонаси айлана шаклида; Сатурн – қора тошдан олти қиррали тарзда ишланиб, унга қўрғошиндан бут қўйилган; Юпитер – яшил рангли пирамида; Марс – қизил тошдан узунчоқ тўртбурчак шаклида; Қуёш сариқ тошдан квадрат шаклида ишланган бўлиб, унга тилла бут қўйилган; Венера – квадрат ичига ҳаво ранг тошдан учбурчак тарзида ишланган бўлиб, у оқ бутга эга; Меркурий – узунчоқ тўртбурчак ичига кўк рангли тошдан учбурчак шаклида ишланган; Ой – кумуш ранг саккиз бурчак тарзида ишланган ва унга кумуш бут қўйилган.

Олти қиррали нақш – Сатурн, пирамида тарзидаги нақш – Юпитер, узунчоқ тўртбурчак шаклидаги нақш – марс, квадратсимон нақш – Қуёш, квадрат ичида ўрнатилган учбурчак нақш – Венера, узунчоқ тўртбурчак ичига ўрнатилган нақш – Меркурий, саккиз бурчакли нақш – Ой рамзини ифодалаган экан.

Узоқ ўтмишда ҳар бир халқда квадрат шакли – дунёнинг тўрт томони, осмон сарой, қуёш фарзанди, абадийлик, ёруғлик маъноларини билдирган. Ҳинд ва эрон халқлари дostonларида тасвирланишича, Вишвакармон ўғли Вивасманга тўрт томони бир хил осмон сарой қуради. Бу ярқираган саройда на қариш, на бахтсизлик, на очлик, на ташналик ва на бирон кўнгилсизлик бўлан эмиш.

Хоразмдаги иморатлар пештоқига қадимда айлана шаклида нақшлар ўйилган. Нақл қилишларича, ёвуз ниятли одамнинг бундай нақшга кўзи тушса ниятидан қайтар эмиш. Айрим халқларда эса айлана нақш – вафодорлик, квадрат – дўстлик, ярим айлана – бахт рамзини англатган. Ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг кўпгина қишлоқларида илгари «Наврўз» байрами куни уй деворларига айлана нақшлар чизишган. Бундай нақшлар қуёшга бағишланган байрамни нишонлашни ифодалаган. Юқоридаги далиллар халқ бадийи безагида ўрин олган айлана, квадрат, тўғри тўртбурчак, учбурчак нақшлари табиат омиллари рамзи бўлиб, улар

вафодорлик, бахт, умр, инсонийлик белгилари рамзини англаганлигидан далолат беради.

Салиб шаклидаги нақш Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан буён мавжуд. Олтинтепадаги бронза даврига оид салиб шаклидаги тамғалар, X – XI асрларга оид Афросиёб деворий паннолари фикрлар далилидир. Салиб шаклидаги нақшни халқлар турли даврларда табиатнинг пайдо бўлиши тушунчаси, қуёш рамзи, ўлиш ва тирилиш ҳамда диний ақидалар белгиси, деб билишган.

Чечен – ингушларда эса меҳмон кетишдан олдин мезбон эшигига дўстлик рамзи сифатида салиб нақшли ўз тамғасини ўйиб кетар экан. Мўғулларда мураккаблаштирилган салиб тасвири “ўн минг йиллик бахт” маъносини англаган. Ўтовга киравериш пештоқидаги нақш “ҳеч қачон бу уйнинг чироғи ўчмасин”, деган маънони англаган.

Ромб шаклидаги нақшни Ўрта Осиё орнаментал тасвирий санъатида кўп учратиш мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, ромб илк тош давридан бошлабоқ аёл, яъни она ер белгиси ҳисобланган. Аёл – насл, ер эса ҳосил беради. Ернинг ҳосилдор бўлиши учун деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилаларда турли маросим ўтказилган. Жумладан, Янги Гвинея, Жануби-шарқий Осиё, Африка, Австралиянинг деҳқончилик билан машғул қабилаларида экиш олтидан экин экиладиган далада ҳар ҳил маросим ўтказилиб, бундай маросимларда серфарзанд ва эгизак тукқан аёлларга алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун ромб серфарзандлик, серҳосиллик рамзи сифатида эъзозланган.

Археологлар Олтинтепадан топган ҳайкалчада тараққий этган бронза даврига оид бўлиб, уларнинг пастки қисми учбурчак шаклидаги контур билан белгиланган. Учбурчаклар ички нуктада, майда чизикча, узун кўндаланг тўғри чизиклар билан тўлдирилган. Мутахассислар мазкур учбурчакларни маъбуданинг қатъий қабул қилинган инографик тасвири, деб таъкидлашади.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, устуннинг кўзаги қисми Яқин Шарқда наслийлик рамзи ҳисобланган. Устуннинг кўзаги қисмини ва танасини гул ва ислимийлар билан тўлдириб ўймакорлик қилиш юқорида айтиб ўтилган урф-одат, яъни устунни гул билан безаш асосида юзага келган бўлиши мумкин. Бинобарин, X аср шоири Кисай Марвазий айтганидек,

Гул жаннатдан ҳадя бир неъмат эрур,
Кишилар кўнглига гулдан ёдгор нур.

Ислом динида дарахт шохчалари нақши саодат дарахти, маъносини англаган.

Қадимда Помир тоғидаги қишлоқларда наврўз байрами куни хонадон эркаги саҳарда сариқ тол шохчасини олиб хона тўсинларига илиши расм бўлган. Бу эса табиат уйғониши ва баҳор кирганининг рамзи эди.

Хуллас хона шифти ва деворларига чизилган ўсимликсимон нақш, гул ва лолалар расми баҳор, хонадонга бахт, сиҳат-саломатлик ҳамда хонадонда ҳамма вақт муҳаббат ҳукм суриши орзусини тараннум этган.

Халқ амалий-бадий санъати ва меъморчилигидаги гул ҳамда ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда мевалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, I асрга оид бир идишда фил зулфи ва қулоқлари ўрнига барг ва новдалари билан бир бошдан узум нақши бўртма қилиб туширилган. Шунингдек VI – VII асрларга оид Мунчоқтепадан топилган хона деворларида одам боши билан бир бош узум тасвири кўзга ташланади. Анор эса I-V асрларга оид осурий деворларида ҳамда I-III асрларга оид анор ушлаб турган ҳосилдорлик Худоси Анатиха ҳайкалчасида ўз ифодасини топган. Халқ уй-жой меъморчилигида ҳам аноргул нақши мавжуд. Шуни эслатиб ўтиш керакки, олма-муҳаббат, анор, узум-эзгулик, тўқчилик тўкин-сочинлик рамзи ҳисобланган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, табиат уйғониши-баҳор, муҳаббат-гул билан белгиланган, кузда эса бу гул сершарбат мевага айланган, яъни тўқчилик, барака бахшида қилган. Демак, гул, ўсимлик, мева нақшларининг

меъморчилик бадий безагида кенг ишлатилиши хонадонларнинг бахтли ҳаёт, муҳаббат, мўл-кўлчиликка бўлган орзу-умидлари рамзи сифатида гавдаланади.

Мўғул халқ орнаментал безагида тасвирланган табиат манзараларида, ҳайвонлар ҳам, рамзий белгиларни ифодалаган. Жумладан, булут, чакмоқ, олов, сув, фазо, макон-ғолиблик, уйғониш, бепоёнлик; от-заковат, тафаккур; балиқ-хушёрлик; сичқон-уй ҳайвонларининг кўпайиши рамзи бўлган. Ўрта Осиёнинг узок тоғ қишлоқларида қадим даврларда янги йил арафасида уй деворларига майда моллар тўдасининг тасвири чизилар экан. Бундай расмлар хонадонни янги йилда чорва моллари кўпайишига бўлган орзусини ифодалаган.

Сурхондарё ёғоч ўймаколигида устун устига ўрнатилган бошаллар ўхшатма кўчқор шохи, бурама шаклларида учрайди. Бундай шакллар қадимий Панжакент ёғоч ўймакорлигида, Варахша обидаларида ҳам мавжуд. Мазкур бошаллар асосан томдан тушаётган оғирлик кучини баробар тақсимлашга ёрдам беради. Юнонларнинг қадимий ободаларида ўсимликсимон нақш устун капителаритдан ўрин олган бўлиб, у қаҳрамонлик, мардлик рамзини ифодалаган. Ўрта Осиёдаги ёввойи эчки, кўчқор шохига ўхшаш бошаллар ҳам рамзий тушунчаларга эга бўлган. Жумладан, олимларнинг таъкидлашича, ибтидоий жамоада овланган ҳайвон гўшти тайёрлаш учун оловхонага топширилиб териси ва шохи ов қатнашчилари орасида тақсимланар экан. Демак, ёввойи эчки шохи жасур, довюрак, чакқон мерганга тақдим қилинадиган нишона бўлган. Балки Сосоний шохлари бош кийимида ёввойи эчки шохи тасвирланганлиги боиси шундадир. Дарвоқе, тоғлардаги уйлар хонасининг киравериш пештоғига, устунига хонадонни бало-қазолордан сақлаш мақсадида ёввойи эчки ёки кўчқор ўрнатишган.

Бинобарин, уйларидаги устун бошасининг ёввойи эчки, кўчқор шохига ўхшашлиги замирида қадим замонлардан сақланиб қолган юқоридаги каби

ишонч ётардики, у кишининг жасурликка мардликка, покизаликка даъват этувчи белги рамзи сифатида халқ бадий безагида, ифодасини топган.

Айрим холларда ранг ҳам рамзий маъно касб этган. Жумладан, мўғилларда кўк ранг- мовий осмонни, адабийликни; оқ-тозаликни, сариқ-бойликни, муқаддасликни; қизил-хурсандчилик ва ғалаба рамзини ифодалаган.

Ушбу саҳифалардаги расмлар меъморчиликдаги турли нақшлардан, хусусан ўсимлик ва гулларни акс этирувчи нақшлардан кенг фойдаланганлигини яққол кўрсатилган.

Мазкур далиллар қадим замонларда ибодатхоналар безагида ишлатиладиган рангларнинг ҳам рамзий маъноси бўлганлигидан дололат беради. Кўк ранг мовий осмонни билдирганлигидан мовий рангдаги гумбазлар осмонга ўхшатишган. Шу билан бирга айрим жойларда кўк ранг хонадонни «ёмон кўз»дан асрайдиган белги сифатида иморат дарвозаси устки қисмининг икки томонига кўк рангли нақшин сопол идиш ёки унинг синигини икки парчаси сувоққа ёпиштириб қўйилган.

Қадимда одамлар яшаётган масканларига, девору тошларга ов жараёнларини, жангу-жадаллар, базмлар, тантанали маросимларни акс эттирганлар. Афросиёб, Варахша, Болаликтепа ва бошқа обидалар қолдиқлари шундан дололат беради. Кейинчалик ислом динининг ривожланишида тирик мавжудотни акс эттиришни тақиқлаб қўйди. Шунинг учун тасвирий санъат ўрнини ўсимликсимон, геометрик нақшли безаклар санъати эгаллади.

Наққошлик санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир унсури ва рангларининг рамзий алифбосини билмоқ керак бўлган.

Хўш, наққошликда рамз нима?- у арабча «ишора қилмоқ» сўзидан олинган, табиатни, воқеяликни ҳаётдаги қувонч ва ташвишларни, дўст ва душманни, яхшиликни ва ёмонликни нақш элементлари, жонли чизиклар, ранглар орқали тасвирлашдир.

Биоларни ва буюмларни безашда қадимда одамлар нақшларнинг таъсирчанлигини кучайтириш учун улуғ алломалар ва халқ ҳикматларини панд-насихатларини, фалсафий фикрларни араб ёзувида шундай тасвирлаганларки, унинг ҳам нақш, яъни безак сифатида, ҳамда шиор ўрнида ишлатилган.

Араб хатида ёзилган чиройли, безакли ёзув Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) дуоларидан бири бўлиб, у қуйидаги мазмунга эгадир: “Э очувчи зот, оч, буларга эшиклардан энг яхши эшикни”. Бу ёзувнинг чап ва ўнг паски қисмида ҳаттотнинг шахсий муҳри ҳамда ким томонидан битилганлигини қайд этилган. (2- расм)



2-расм. (Ушбу ёзув афғонистонлик хаттот Азириддин Вакилий Фуфалзоий Дуроний томонидан ёзилган).

Рамзий маънода ёзилган Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.) дуолари бўлиб, унинг маъносини англаб олиш учун биринчи араб ёзувини ўқишни, иккинчиси бу дуонинг мазмунини, учинчидан, берилаётган шаклнинг мазмунини билиш талаб қилинади. Шундагина хаттотнинг етказмоқчи бўлган фалсафий фикрини билиш мумкин.

Тасвир етгита эшкаклик кема сувда сузиб бораётгани тасвирланган, ҳамда сувда пайғамбаримиз Расулуллоҳ (с.а.в)нинг дуолари берилган.

Шакл билан дуони қўшиб ўқиса, бу тасвирнинг асосий фалсафий мазмуни очилади.

Ўқилса, инсонлар бу фоний дунёда ҳаёт бамисоли бир кемада сузиб борадилар. Бу синов дунёсида инсонларга шундай ҳаёт йўлини берганки, бу фоний дунёда ҳамма синовидан яхши ўтиб олишни насиб айласин, деган маънони англатади.

Тўлқинсимон сув эса хаёлан тасвирланганлиги ҳаётни нотекислиги, хас йўли равон бўлмаслигидир.

Хозирги кунда манбаларда рамзийлик ҳақида ва нақшли безакларни ўқиш алифбоси қиёмига етказиб тузилмаганлиги, “Рамзийлик луғати” ҳамда “Рамзлар энциклопедияси” Ўзбекистонда тузилмаганлиги кўпгина кийинчиликлар туғдирмоқда.

Ўзбекистонда ушбу муаммони ҳал қилиш учун нақшларни ўқишнинг дастлабки алифбоси тузилди. Уларни гуруҳларга ажратиб; рамзий маъноларини қуйидаги бўлимларга бўлиб чиқилди: (1-жадвал)

1. Геометрик нақш унсурларининг рамзий маънолари;
2. Ислимий нақш унсурларининг рамзий маънолари;
3. Қуш ва ҳайвонларнинг рамзий маънолари;
4. Буюмларнинг рамзий маънолари;
5. Рангларнинг рамзий маънолари;

1-жадвал.


Геометрик нақш унсурларининг рамзий маънолари

№	Рамзлар	Мазмуни
1	Нуқта	Ҳаётнинг бошланиши, тангрининг ягоналиги, ҳаётнинг тугаганлиги ва бошқалар
2	Тўғри чизик	Ҳаётдаги тўғри йўл, ҳаётнинг равонлиги
3	Тўлқин чизик	Ҳаётнинг нотекислиги, ойнанинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғулиги

4	Олти қиррали юлдуз	Ҳаётнинг бошланиши ва охири
5	Тик турган ҳолатидаги тенг томонли учбурчак	Ҳаётнинг бошланиши
6	Тескари турган ҳолатида тенг томонли учбурчак	Ҳаётнинг охири
7	Тенг ёнли учбурчак	Яхлит бўлинган бўлак, айрилик, олам
8	Тўғри тўртбурчак	Дунёнинг тўрт томони, осмон саройи
9	Ромб	Ишонч, аёл, яъни она ер, серфарзандлик
10	Айлана	Олам, бахт, куёш, инсонларни ёвуз ниятдан қайтариш рамзи, мукамаллик, абадийлик, яъни олам доимийдир, лекин инсонлар умри ўткинчидир
11	Беш қиррали юлдуз	Ҳаётнинг қисқалигини, беш кунлик дунё, исломнинг беш устуни
12	Ярим айлана	Бахт
13	Квадрат	Дунёнинг, оламнинг чексизлиги, куёш фарзанди, абадийлик, ёруғлик, мустаҳкамлик, борлик, ер-сув, олов ва ҳаводан иборат эканлиги, мукамаллик, тенглик, гўзаллик.
14	Саккиз қиррали юлдуз	Мустаҳкамлик, «Икки дунёнинг обод бўлсин» дегани
15	Бешбурчак	Табиат

Беш қиррали юлдуз - ҳаётнинг қисқалиги, беш кунлик дунё. Исломнинг беш асоси: [26.16-17,б]. «Севимли пайғамбаримиз бундай буюрганлар: Муслмонлик беш нарса устига қурилгандир.

Нуқта – яратувчи



3-расм. Кластер усулида нуктанинг рамзий маънолари

Ислимий нақш элементларининг рамзий маънолари

№	Рамзи	Маъноси
1	Чиннигул	Хаёт рамзи
2	Узум	Тўкин-сочинчилик
3	Куртак	Тўқчилик, баҳор, уйғониш, наврўз
4	Боғлам	Бахт боғланиши
5	Барг	Баҳорги уйғониш
6	Қалампир	Ҳар хил ёмонликлардан ва ёмон кўзлардан асраш
7	Зирк гули (гулсафсар)	Осойишталик ва умр узоқлик
8	Анор	Эзгулик, тўқчилик
9	Ойгул	Бахт, иқбол, гўзаллик
10	Жингалак	Тўкин-сочинчилик, бойлик
11	Олма	Муҳаббат
12	Новда	Бойлик, фаровонлик
13	Япроқ	Баҳорги уйғониш, Наврўз
14	Атиргул	Гўзаллик рамзи
15	Исириқ	Ёмон кўздан асраш
16	Лола	Баҳор белгиси
17	Шобарг	Баҳорги уйғониш рамзи
18	Тўлқинсимон гул пояси	Бойлик ва фаровонлик рамзи

Гул – гўзаллик, муҳаббат, яхшилик, ҳиммат ифодаси. Гул – жаннатдан олинган ажойиб неъматдир. Хаётимизни гулсиз тасаввур этиб бўлмайди. Гулни аёл, яъни хаёт гулига ва нақш атамаси ўрнида ҳам ишлатилади.

Қалампир – ҳар хил ёмонликлардан асраш, аччиқ таъм. Эркак кишиларни дўпписида ҳам ўз аксини топган. Қалампирнинг бир қанчасини шода қилиб устун тепасига ёки эшик тепасига илиб қўйилади. Бунинг сабаби, ёмон кўздан асраш мақсадида. (2-жадвал)

Анор – эзгулик, тўқчилик, тўкин-сочинлик ва етуклик. қадимдан уйларни безаганда серҳосил анор дарахтини намонда тасвирлашган. Бу тасвир хонани безаб жуда кўркемлик берган, инсонлар руҳини кўтарган. Наққошлар серҳосил анор дарахти тасвири орқали инсонлар хонадонидида ҳар доим тўқчилик бўлсин, улар ўйлаган ниятларга етишсин деб тилак

қилганлар, яъни инсонларга яхши ният қилганлар. Шунинг учун ҳам халқимиз «яхши ният, ёрти мол» деб бежиз айтмаганлар.

Бодом – бахт иқбол рамзи. У табиатдан стиллаштириб тасвирланган ислимий нақш тури. У заргарлик буюмлари, нақш буюмлари, дўпилар, матолар, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик ва бошқа халқ амалий безак санъати турларида кенг ишлатилади. Қадимда ота-боболаримиз бу нақш элементини жуда кўп ишлатиб келганлар.

Печак ислими - қадимдан уйларни буюмларни печак ислими нақш билан безаб келган. Бу нақш оддий ҳошия нақш тури бўлиб, тузилиши жиҳатидан новда йўл давомида тўлқинсимон бир томонга ўсиб, барг ва гул чиқариб, ўсиб боради. Бу нақш орқали наққошлар инсон ҳаётини шу нақшга ўхшатади, бир хил емаслигини кўрсатади . Яъни, ҳаётнинг баъзи кунлари хурсандчилик билан ўтса, бошқа қийинчиликлардан иборат қисқача айтганда, ҳаёт қувонч ва ташвишдан иборатдир.

Халқимиз «Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу» деган мажозий фикр илгари сурилган. ҳадиси шарифда ҳаётда инсонлар баъзи нарсаларга ожизлик қилади. Бунинг давоси сабр қилишдир. Етишмовчиликнинг давоси шукр қилиш керак дейилган. Яна, бу печак ислимийнинг тўлқинсимон ўсишини инсон ҳаётига таққослаб, агар инсон яшаш давомида атрофида турли офатлар айланиб юради, инсонлар агар шу офатлардан эсон-омон кутилса, қарилик манзилига етиб боради, дейилади.

Гуллар ва гулдонлар тасвиридаги маънолар

Гуллар ва гулдонлар тасвири ислом санъатидаги энг оммавий мавзулардан бўлиб, меъморий безак, миниатюра, гилам, ёғоч ва ганч ўймакорлиги нақшларида кўп учрайди. Ўрта ва Яқин Шарқ санъатида кенг тарқалган бу мавзу илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Бир қарашда оддий туюлган бу тасвир ҳар бир даврда маълум аҳамият касб этиб, мураккаб дунё қарашларни ўзида ифода қилган.

Одамлар қадим пайтлардаёқ табиат ҳодисалари ва турли ҳил нарсалардан ҳайратлангач, уларни илоҳийлаштирганлар. Нарсаларнинг сирли куч – қудратига ишонч уларни безатишга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, дон, суюқлик солинган идиш замин тимсоли бўлиб, қут-барақа, ҳосилдорлик каби хусусиятларни мужассамлаштирган. Замин тимсоли ҳаёт бахшида этувчи аёлга қиёс қилинган. Натижада идиш аёл қоматининг эътиборли белгиларини англатадиган турли хил тасвир-фифалар – антропоморфик хусусиятлар мужассам этган ҳолда ясалган. Ўрта Шарқ халқлари анъаналарига кўра, кўза хусусан аёл тимсолини ифода этган. Зардуштийликдаги тасаввурга кўра дунё манзараси уч қисмдан (сув, ер, осмон) иборат, идишда ўсиб турдан ўсимлик тасвири оламнинг тузилишини англатувчи аҳамият касб этиб улкан кўл – Воурукашани мужассам этади, бу тириклик (идиш, сувни ифодалаш) ва уруғларидан ер юзидаги бутун дарахтлар вужудга келувчи – Ҳаому дарахтининг (ўсимликлар ифодаси) рамзидир. Буддизмда эса гулдон ёки унда ўсаётган ниҳол тасвири мутлақо бошқа маъно касб этади. Идишда ўсаётган “Орзу дарахти” ёки Бодҳи дарахти Жанубий – Шарқий Осиё тасвирий санъатидан энг кўп тарқалган мавзулардан бири. Будда афсоналарига кўра, Худолар Нилуфар гулидан туғилишади, гул эса сув – ер (идиш – сув тарзида) тагидан ўсиб чиқади. Будда онгининг очилиши бутун дунёда фақат Будҳи дарахти тагида рўй беради, бу унинг ҳаётидаги доимий ўзига хос белги ҳисобланади.

Нилуфар гули тасвири туширилган идиш ҳозирги пайтда ҳам Ҳиндистон ва Цейлонда бўладиган маросимларда кўп ҳолларда илоҳа рамзи сифатида қўлланилади.

Гул солинган идиш тасвири ҳам Ўзбекистоннинг қадимги санъатида тез-тез учрайди. Хоразмдаги деворий суратларда (эрамизнинг III асри) учбарг нақши ва дастали кўзача тасвири сақланиб қолган, Панжакентдаги деворий суратларда эса анорнинг мевали новдаси солинган гулдонлар тасвири учрайди, кейинги антик ва илк ўрта асрлар санъатига

мансуб оташкада (оловга сиғиниш хонаси) деворларида ҳам дастаси тик ишланган кўзача ичида мевали анор новдаси тасвир этилганлигини кўриш мумкин. Чағаниённинг ўрта аср (VII – VIII аср боши) га мансуб хил хонаси қазилмасидан топилган шокила зирак кўзача шаклини эслатади, ундан гўё чиллак тарзида ўсиб чиққан новдалар уч барг билан тугалланади. Исломнинг кириб келиши ва бутпарастликнинг таъқиб этилиши билан санъатда кенг ёйилган нақш услубида гуллар тасвири жуда муҳим рол ўйнайди. Бу жараён ислом маданиятида боғ тимсоли мавжуд олам манзарасидан иборат жаннатни ифодалаб, илоҳий бунёдкорлик, дунё гўзаллигини ифода этувчи манба сифатида қаралганлиги санъат ва шеърятда асосий мавзуга айланганлиги билан боғлиқ. Нақш тилидаги рамзийлик айниқса сўфизм фалсафаси натижасида мураккаблашиб борди. Сўфизмнинг мистик нуқтаи-назаридан гуллар тасвири ҳаётийликдан узоқлаштирилиб, мавҳумлаштирилди ва диний – фалсафий рамзларга айланди. Сўфизмда гуллар солинган идиш тасвири Ислом таълимотидаги асосий ғоялардан бири – дунёнинг, табиатнинг кенг кўламда ранг-баранглигини (кўзача, гулдастада ранг – баранг гуллар орқали рамзийлаштирилган) бирлаштириш, коинотни Оллоҳда кўриш, якка – ягоналикни тан олиш, яратганнинг жамолини нафис гулларда кўришни ифодалайди. Бу тасвир айна пайтда Парвардигор яратган осмон гўзаллигини мадҳ этишга чорлайди ва дунё гўзал эканлигига ишора қилади.

XV –XVI асрларга келиб гулдон – идишларда гуллаётган ниҳол ёки гулдасталарнинг тасвирлари янгича аҳамият касб эта бошлади, яъни кўп қиррали ҳосиятлари талқин қилинди. Кейинчалик унинг тасвири гиламлар, сўзаналар, деворий суратлар, қўлёзма китоблар, газмол, ганч ўймакорлиги ва ҳоказоларда етакчи композицион нақш сифатида ўрин эгаллади. Идиш ва ундан ўсиб чиқаётган ниҳол тасвири маҳобатли меъморчиликда ҳам кенг тарқалди. У кўзача сифатидаги устунда ҳам (дарахт рамзи) ўз ифодасини топди. Шундай қилиб, гуллаётган ниҳол мавзуси (идишдаги гулдаста) жуда оммавийлашиб, мусулмон мамлакатлари санъатида етакчи мавқени эгаллади.

Шунингдек, Ўрта асрларга мансуб Шарқ миниатюраларида бир хил мавзули комозициялар, яъни, гулдаста солинган идишлар тасвири кўп кўлланилган. Бунга мисол қилиб оқ лолагул, атиргул, гулсафсар ёки наргис гулдасталарини келтириш мумкин. Бир оилага мансуб бўлган гуллар дастасидан фойдаланишдан мақсад шуки, у ранго–ранг оилага мансуб гулларни ҳар маромдаги аҳамиятини (гуллаб турган новда турли оилага мансуб гуллар билан биргаликда бўлиши мумкин), таъкидлайди, яратганнинг ижодидаги ранго-ранг гўзалликни ўзида мужассам этгандай бўлади.

Бир оилага мансуб гуллар дастаси бевосита тасвирланган сахнадаги маълум ҳолат билан боғлиқ. Ҳар бир ҳолатда гулдаста сахнада кўзланган мақсаднинг ички моҳиятини ифода этади. Уларнинг бир нечасини кўздан кечирайлик.

Низомийнинг “Хамса” дostonларига ишланган Ҳирот мактабига доир “Фарҳод Ширин олдида” сахнаси киши диққатини тортади (Лондондаги, Британия музейида сақланади. 6810 рақамли). Шириннинг ҳузурига тоғни тешиб, ариқ ўтказмоқчи бўлган паҳловон Фарҳодни келтиришади. Фарҳод эшик ёнида, дарпарда орқасида эса Шириннинг тасвирланиши ўша давр расм-русумларига монанддир. Фарҳод Ширинни кўрмаса-да, ёқимли овозидан сармаст, чап кўлини юқорига кўтарган ошиқ ҳолда тасвир этилган. Бу ҳатти-ҳаракатларда ўспирин йигитнинг олиймақом Ширинга бўлган ҳурмати, чексиз муҳаббати, нозик ҳис тўйғулари ўз ифодасини топади. Қабул маросими хонасидаги ҳовузча ёнида лолагул ва наргис гулдастаси солинган иккита гулдон турибди. Лола дастаси йигитнинг олижаноблиги ва тўйғулари рамзи (“унинг икки юз тили бўлсада, доим сукут сақлайди”), уларнинг кўнгли оқлиги, йигит нияти поклигига ишора бўлса, иккинчи гулдаста – Наргиз эса билим рамзи. Ўрта Шарқ шеърлятида бу гул номи кўз ёки кўз қорачиғи муқобили сифатида ишлатилади (“нарғиз кўзли”, “йиғлоқи нарғиз”). Бу ерда нарғиз тасвири муҳаббатга ошно бўлган Фарҳоднинг англаб етишини ифода этувчи рамзий тимсолга айланган.

Низомийнинг “Хамса” асарига чизилган табриз мактабига мансуб “Хисравга тож кийдириш” сахнасида (Лондон, Британия музейи, OV 2365 B 60) очик айвон, баланд тахтда ўтирган Хисрав, ҳовлидаги ҳовуз ёнидаги уч кўзачада япроқлари худди ханжардек ўткир, катта – катта сиёхранг сафсаргуллар тасвирланган. Бундай жойлаштириш уч бурчакли композицияни ташкил этади.

Гулсафсар – нафис гул, у ислом маданияти нуқтаи – назаридан рамзий маънога ҳам эга. Унинг юқорига томон ўсган уч япроғи уларга қарама қарши ўсган япроғлар билан уйғунлашиб “қарама-қарши томонлар бирлиги”ни англатади. Сафсаргул шаклининг ўзи ер ҳукмдорининг табиатдаги икки хиллигини бир томондан уни юксак маънавиятли илҳомлантириши, иккинчи томондан ёмон ҳаёлларга берилишини билдиради.

Амир Хисрав Деҳлавийнинг “Девон”и кўчирмаларидаги “Ҳаёт кувончлари ва кўз ёшлар” миниатюрасини (XVIII аср Ғарбий Эрон, Ўз. Рес. Шарқшунослик илмий текшириш институти, № 1005) атиргул гулдастаси безаб турибди. Шеърӣ мисраларда ҳаётни англаш, ёруғулик, шодлик ва эзгулик ва ёвузлик ёнма-ён бўлиши ифодаланган. Миниатюранинг табиийлиги шундаки, унда бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил композицион сахналар тасвирланган. Юқоридаги табиат манзараси фонида қатл маросими тасвирланган бўлиб, сахнада қўллари орқасига боғланган, тиз чўккан йигит бошида узун пичоғини шайлаб турган жаллод говдалантирилган. Йигит бошланг, ғамгин, эгнидаги эса мотамсаро кўк рангда. Тахтда ўтирган ҳукмдор қатлини ижро этишга ишора қилмоқда. Атрофдаги одамлар бўлаётган воқеани кузатиб турибди.

Миниатюранинг пастки қисмида бир неча созанда рақсга тушаётган кизга жўр бўлишмоқда, унинг санъатидан завқ олиб ўтирган мўйловли эркакнинг қадаҳига соқий кўзачадан май қуймоқда. базм қилаётганлар йиғилган чаманзорнинг бир четини безаб турган йирик-йирик атиргуллар солинган гулдон шеърӣ сатрларнинг ички маъносини беришга ва бутун

тасвиридаги умумийликни бузиб турган манзараларга уйғунлик бағишлашга хизмат қилади.

Мусаввир танлаган атиргул тасвири ислом эстетикасидан келиб чиқиб, қарама-қариши маъно бериш руҳида бажарилган у турли хил рамзий хусусиятларга эга “Шоҳ Нуъматуллоҳ” тасвирларида бу гул мажозий маъно касб этиб, инсон табиатидаги икки хилликни ифодалайди. “Туноҳқор қалбинг – бу тикондир, руҳинг эса атиргул”. Бир томондан атиргулнинг қирмизи ранги, иккинчи томондан атиргул-тинчлик, осийишталик рамзи. Атиргулда ҳам тикон, ҳам қийғос очилган гулни кўра олиш – бу, дунёнинг барча қирралари билан кўриш на қадам, интилишдир. Рассом танлаган расм композицияси ва атиргул гулини тасвирлашга берилиш – ушбу миниатюрада ҳикоя қилинган сюжетларнинг бир-бирини боғловчи усулдир.

Буюк мутаффакир Жалолиддин Румий ёзган эди:

Қарама-қаршиликлар жанги мангу ҳаёт шулдир.

Кейинги ўрта аср даврида гул ва гулдон тасвирлари ўзининг илк маъно-аҳамиятини йўқотиб, безак сифатида кенг тарқалди, кўп қиррали рамзийлиги эса борлиқнинг гўзаллиги ғоясига бурилди. Бундай талқин кўпроқ меъморий безакларда, хусусан, Фарғона, Тошкент, Бухоро ва бошқа жойлардаги кўзга кўринган уй-жойлардаги деворий нақшларда учрайди.

Бу мавзу замонавий рассом ижодида ҳам кенг оммалашиб бормоқда, чунончи, Шарқ санъатининг рамзийлик анъанаси доимий кадриятга айланди.

Қадим-қадимларда пайдо бўлган ҳаётбахш идишлар, гул ва гулдонлар тимсоли асрлардан асрларга кўчиб, турли хил қарашлар, тасаввурлар мулоқотига айланиб келмоқда, бугунги маданий қатламда янги мазмун касб этиб, бошқача маъноларга эга бўлмоқда.

3-жадвал Қуш ва ҳайвонларни рамзий маънолари


№	Рамз	Маъноси
1	Шер	Мардлик, жасорат, кучлилиқ, ҳокимлик
2	Тулқи	Маккорлик, айёрлик
3	Чумоли	Донолик, хокисорлик
4	Булбул	Садоқат
5	Хумо	Бахт қуши
6	Бойқуш	Бахтсизлик, вайроналик
7	Балиқ	хушёрлик, ҳалол луқма
8	Сичқон	Уй ҳайвонларининг кўпайиши рамзи
9	Эчки ва кўчқор	Жасурлик, мардлик, покизалиқ
10	Ҳотам	Сахийлик
11	Оқ кабутар	Тинчлик
12	Оҳу	Гўзаллик, ҳимоясизлик
13	Тухум	Бирлик
14	Дев	Маккор, ғазабқор, бузғунчи махлуқ бўлиб, эзгуликка қарши қурашувчи ёмонлик, ёвузлик рамзи
15	Илон	Зийраклик

Балиқ – ўзбек халқ амалий санъати турларида кенг тарқалган нақш элементи. Усталаримиз қадимдан буюмларни безашда ҳайвон, қуш ва бошқаларни ёки улар танаси қисмларининг «мол кўзи», «булбул кўзи», «қуш қаноти» каби шаклини чизиш, нақш ишлашни расм-русум қилганлар (3-жадвал). Балиқ хушёрлик, ҳалол луқма ва бошқа рамзий маъноларга эга. Кулоллар балиқ думини эслатувчи «Балиқ думи», балиқ тумшуғини эслатувчи «балиқ тумшук»лари каби нақшларни сопол идишларга тушурадилар. Кандакорлар мис буюмларга, пичоқсозлар эса пичоқ дастасини, асосан балиқ кўзини эслатувчи «Балиқ кўзи» нақши билан безайдилар: бунда пичоқ дастаси ёйилиб, унга оқ, кўк ёки қизил кўзлар қадаб атрофига жез ва мис халқачалар ўрнатилади. «Авесто»да ҳам сув тошқини ҳамда балиқ билан боғлиқ жуда кўп мисоллар учрайдики, улар ҳақида Марказий Осиё халқларининг кўплаб афсона ва диний эътиқодлари бор. Балиқ билан илонни ёнма-ён акс эттирилиши оилавий жуфтликни

англатади, чунки балиқ қутбарака, кўпайиш рамзи ҳисобланади. Баъзида ҳалол луқма, ҳалоллик, покизалик рамзида ишлатилган. Балиқда илоҳий фазилатлар бор деб билиб, сув тошқинини у билан боғлаганлар. Қорақалпоғистон ва Марказий Осиё минтақасининг қатор ҳовузларида муқаддас балиқлар сақланган. Чунончи, Султон бобо мозори (Султон Вайс) қошидаги ҳовузда сақланган зоғора балиқлар довруғи Наманган вилоятида мазор балиқ, Навоий вилояти Нурота шаҳридаги балиқлар Самарқанд вилояти Ургутдаги мазордаги ва бошқа жойлардаги балиқлар муқаддас саналади. Ҳозирда ҳам мазорларга ва бошқа муқаддас жойларга зиёрат қилгани келган одамлар балиқларга егуликлар беришади ва яхши ният қилиб танга ташлайдилар.

Семурғ – шарқ халқлари оғзаки поэтик ижодидаги афсонавий қуш образи; осмонда учиш, узоқ манзилни яқин қилиш ҳақидаги асрий орзу умидларнинг рамзий ифодаси.

Дастлаб, Эрон мифологиясида пайдо бўлди. «Авесто» да Сенемурғ шаклида ишлатилган. Семурғ ўзбек халқ эртак ва афсоналарида ижобий қаҳрамоннинг дўсти, ҳимоячиси, ҳамроҳи, уни «Етти зулмат ичи» дан олиб чиқувчи фантастик қуш сифатида гавдаланади. Туркий халқларда Семурғ, Хумо, Анқо, Давлут қуши, Бахт қуши, Марқумома, Кунтубулғон, Булбулигўё ва бошқа вариантлари бор. Масалан, Навоийнинг «Лисон ут- тайр» асари ва бошқалар. Семурғ ҳақидаги афсоналар асосида Ҳамид Олимжон «Паризод ва Бунёд» асарини ёзган. Уларда афсонавий образ шартли восита сифатида муаллифларга қадимги ўтмишдаги раниқ воқелик ҳақида фикр юритиш имконини беради. Семурғнинг Хумо варианты Ўзбекистон Давлат гербига асос қилиб олинган. Шунингдек, Тошкентдаги «Туркистон» саройи олдида унинг рамзий монументи ўрнатилган.



4-расм

Хумо – давлат куши. Бу тушунчанинг тарихий илдизлари «Авесто» даги Фар билан боғлиқ, у хумони англатади. Хварна Фар омад ва толе тимсоли бўлиб, кимнинг бошига қўнса ёки соя солса, унга бахт ва иқбол келтиради, ўша одам салтанат эгаси бўлади. Ҳар иккала куш ҳам бахт ва омад ато этиш вазифаси билан ажралиб туради .

Бу хил кушлар эртақларда ижтимоий-маиший маъно касб этиб, инсон саодати ва адолатли шоҳ ҳақидаги ҳаёлий ғояларнинг бадий тажассуми, яхши ният, орзу-истакларнинг ўзига хос бадий талқинига айланган.

Хумо куши қадимдан машҳур бўлганлигини археологик топилмалар ҳам тасдиқлаб турибди. Чунончи, Варахшадаги қазилмалардан бирида топилган ярми куш, ярми аёл шаклидаги тасвир шу жиҳатдан эътиборни тортади. Қанотли ва куш оёқли аёл суратидан аён бўладики, бунда Семурғ сув илоҳийси Анахита билан боғлиқ ҳолда тасвирланган. Бу топилма ибтидоий дунёқараш, тасаввурлар заминида ташкил топган санъат асаридир. Фарғонадан топилган XI асрга оид мис патнис ҳамда Самарқанддан топилган носқовокдаги расмда эса Хумо ҳақида халқ тасаввури аниқ ва ёрқин ифодасини топган. Тасвирда куш Қуёшга қўниб тургани, пастроқда эса от минган йигит тасвирланган. Ана шу шакллар бир

бутун мантикий узвийликда олиб қаралганда, Куёшга қўнган Хумо от минган кишига соя ташлаб турибди. Бу эса афсонавий Хумо қуши билан боғлиқ орзуларнинг қадимги санъат асарида ифодаланган тимсолий кўринишларидир.

Хумо – афсонавий қуш бўлиб, бахту-иқбол рамзи ҳисобланади. Шунинг учун хумо тасвирини қадимдан амалий санъатнинг турлари, ганчкорлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилик ва кулолчилик каби турларида ҳамда меъморий безакларида рамзий ҳамда тумор сифатида фойдаланиб келганлар. (4-расм).

Хумо тасвири Ўзбекистон Давлат гербида бахт тимсолида ҳам олинган. Халқимиз орасида шундай гап борки, «Бу қуш кимнинг бошига соя солса, бахти чопиб у тожу тахт эгаси бўлади» дейдилар.

Бадий адабиётларда ҳам хумо қуши қадимдан рамзий маънода ишлатиб келинган. Масалан, Алишер Навоий ҳам «Лисон ут-тайр»да қушлар ҳақидаги халқ хаёлотини анъаналарига асосланади. Достонда айнан Хумо тимсоли ҳам яратилган.

Шоир уни «Соҳибфар», яъни «Фар эгаси» деб таърифлаган. «Фар» сўзи «Гўзаллик», «ҳуснижамол», «Чирой» бинобарин «Нур», «Равшанлик», «Ёруғлик» маъноларини ҳам билдиради. Подшолар нур таратиб ўтиришига ишора қилиниб, «Фар», «Шоҳлар ҳайбати» маъноларида ҳам келган. Демак, Хумойни шоир шоҳона шону-шавкат ҳомийси сифатида таърифлайди.

А.Навоийнинг «Лисон ут-тайр» да Хумонинг ўзи шундай дейди:

Ондадур иқболдин поям менинг –
Ким бедур тахту шараф соям менинг.
Зотима онча шараф берса Илоҳ --
Ким менинг соям гадони қилса шоҳ,
Мен яна шоҳ истамак яъники не!
Ўзни ранжур айламак яъники не!
Қилмоғим хушроқ ҳавойи жилвагоҳ,
Бермагим соямда шоҳларга паноҳ.

Хумо: «Иқбол менга шунчалик кулиб боққанки, мен хатто соям билан кишиларга шараф тахти ато эта оламан. Агар Илоҳ зотимга шунчалик шараф бағш этган бўлса, яъни соям хатто гадони шоҳ даражасига кўтарса, мен учун яна шоҳ истамоққа не ҳожат?! Ўзимни машаққатга чоғламоқнинг нима кераги бор?!

Ундан кўра соямдан шоҳларга паноҳ бериб, ҳавода учиб юрганим афзал эмасми?!»

Анқо – Аҳурамазда қудрати билан яратилган Семурғ таъсирида юзага келган бўлиб, ҳар иккиси бахт ато этувчи, ғайритабиий хусусиятга эга бўлган улуғвор қушлардир.

Анқо – бахт ва толе қуши. Унинг асосий белгилари кўзга кўринмаслик, танаси, қанотлари ва боши олтин, кумуш ҳамда қимматли тошлардан ясалган. Анқо деб аталиши ҳам ўзи йўқлигига, кўринмаслигига ишора.

Тасвирий халқ амалий санъатида меъморий безакларида, кўп учрайди. Афросиёбдан топилган қадимги Самарқанд ҳокими саройининг деворий безакларида тумшуғида яхшилик (хайр-эҳсон) уруғини тарқатаётган Анқо қуш тасвири бор. Анқо – афсонавий қуш. Қадимги шарқ халқлари афсона, эртак ва достонларида бош қаҳрамонга ҳомий, халқимиз орасида Анқо бахт, толе, давлат қуши, кимга сояси тушса ўша бахтли бўлади деган фикр мавжуд. Тахчил, камёб нарсалар ҳақидаги «Анқонинг уруғи» деган ибора шундан олинган. Ривоят, эртак ва чўпчакларда Анқо Семурғга, Хумога ҳам ўхшатилади.

Рамзий нақш элементларини ўргатиш орқали ўқувчиларни мантиқий фикрлашини ривожлантириш.

Қадимдан халқимиз кулолчилик буюмларини турли-туман безаклар билан ишлаган. Кўплаб археологик қазилмалар фикрларнинг далили бўла олади. Айниқса, Хоразмдаги Қўй қирилган қалъа (милоддан аввалги III). Термиздаги Қоратепа (II - VI асрлар), Маврдаги Гавр қалъа (VIII аср) каби қадимий турар жой харобаларидан топилган идиш парчалари бунга ёрқин мисол бўла олади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона каби йирик шаҳарларда археологик қазилмаларда жуда чиройли безалган кўза, лаган, коса, каби кулолчилик буюмлари топилмоқда. Айниқса, Афросиёб харобаларида топилган X-XI асрларга оид идишлар кишини лол қолдиради. Лаганларда жуда чиройли қилиб ишланган безаклар араб алифбоси усулида ёзилган битиклар бўлиб, "Сабршодлик калити", "Содиқ дўст бахт эмасми", "Барака манбаи илмдир", "Олийҳимматлик калити илмдир" каби ҳикматли ва сермазмун гаплар келтирилган. Бундай безакли идишлар хона тоқчасини безаш билан бир қаторда ўзига хос шиор вазифасини ҳам ўтаган. Ўша даврларда халқ донишмандлари ўз фикрларини тарғиб қилишда бундай усуллардан ҳам фойдаланишган. Кулолларимиз оммани эзгуликка ундовчи, илмнинг кадр-қимматини акс эттирувчи шиорларни омма орасида ёйишга мувоффақ бўлганлар.

Тошкентда археологик қазилмалар натижада қадимда ишланган коса топилган бўлиб, косанинг ички қисмида ислимий нақш заминида ҳумо қуши бадий образи тасвирланган. Бу билан кулол санъаткор ўз фалсафий фикрини бадий образ орқали фоний дунёда инсонларга тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларига эришишларини ифодалаган.

Лаган насиба рамзи бўлиб, у доира шаклида бўлгани учун оламни билдиради. Яъни, инсон бу фоний дунёда хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин ўз

насибаси (ризқи) билан туғилади, ҳеч бир одам бошқа бир инсоннинг ризқини тортиб ололмайди.

Кулоллар лаганнинг безагида балиқ тасвирини ишлаганлар. Балиқ хушёрлик рамзи бўлиб бу безак орқали: Инсонлар бу дунёда хушёр бўлинг, ўз ризқларингизни топаётганингизда эҳтиёт бўлинг, ризқ икки хил бўлади, бири ҳалол, иккинчиси ҳаром. Сиз фоний дунёда ҳалол ризқингиз билан кун кечиринг, ҳаром ризқ оқибати ёмон бўлади, дейдилар.

Мисол тариқасида риштонлик уста кулол Ш.Юсупов ясаган лаган безаги фалсафий дунёсини нақш санъати тили орқали ўқиб кўрайлик ва ундан фалсафий фикрларини билиб оламиз". Лаган чети гир айланган ислимий ҳошияли нақш билан безалган бўлиб, ҳошия олти бўлакка бўлиниб, уч бўлаги тўқроқ рангида, тўрсимон нақшда безалган, қолган уч қисми оппоқ заминда ўсимлик нақши гажаклар чиқариб айланма эркин ҳаракатда ўсиб бориши тасвирланган. Бу инсоннинг худди яхши кунларини эслатади. Юқоридаги тўрсимон тўқ ҳаво ранг катта нукталар безаги эса инсоннинг оғир кунларини эслатади. Бу билан ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади. Яъни, инсонни фоний дунёда мусофирдек ҳаёти қувонч ва ташвишлардан иборатдир, деган фалсафий фикрни беради.

Лаганнинг марказий қисмида дарахт ва унинг атрофлари ислимий нақшлар билан бажарилган. Доира ичида шакли худди фоний дунёни, дарахт эса инсоннинг ҳаётини, атрофдаги ислимий нақшлар табиатни, ундаги гуллар табиатнинг гўзаллигини тасвирлайди.

Бу безак орқали кулол уста инсон фоний дунёга келади, кўкаради, ўсади, улғаяди, ҳаёт қувончи, ташвишларини, аччиқ ва чучугини татиб кўради. Баъзи одамлар ўзидан бирор яхши нарса қолдирмайди, демоқчи. Бу билан инсонни бирон дарахтга, яъни яхшисини мевали, ёмонини мевасиз дарахтга ўхшатилади. Яъни мевали дарахт ўзини ширин-шакар меваси билан инсонларга фойда келтиради.

Лаган марказидаги дарахт ёнида икки хил, яъни асимметрик ислимий нақш тасвирланган. Дарахтнинг чап томонидаги нақш инсоннинг имкониятидир. Бу билан кулол фоний дунёдаги инсонларнинг хоҳиши ва имконияти бўлади, лекин улар ҳеч қачон бирдан бўлмайди, деган фалсафий фикрни айтади.


Лаганни осмон ранг колоритда олиниси, худди фоний дунёда инсонларни ёмон кундан асраш рамзий маъносида олинган.

Лаган марказидаги дарахт пастдан юқорига ўсиб унган ва фоний дунёдан кўз юмади. Буни дарахтнинг учи доиранинг четига бориб тақалганлиги кўрсатиб турибди. Умар Хайём таъбири билан айтганда, фоний дунё шундан иборатки, инсон умри қисқа бўлиб, бамисоли карвонсаройдир, унинг бир эшигидан инсонлар кириб турсалар, иккинчи эшигидан инсонлар чиқиб турадилар, деган чуқур фалсафий фикр берилади.

Хулоса қилиб айтганда, кулолчилик буюмлари амалда овқат ёки мева кўйиш учун ишлатилибгина қолмасдан, балки инсонларни тарбиялайди, ҳам руҳий озуқа, фалсафий фикр беради ҳамда инсонларни даволайди. Ота-боболар қолдирган амалий санъат намуналарини давом эттириб, чуқурроқ илмий ўрганилса. Уларнинг тарбиявий, фалсафий, руҳий ва шифобахш қирраларини халқга етказилса, айниқса, ёшлар ўргатилса. Уларнинг маънавий дунёсини шакллантиришга хизмат қилса, мақсадга мувофиқ бўлади.



лаган 5-расм.



Лаган ва коса 6-расм



лаганча 7-расм

Бу лаганчага (X—XI асрлар] эса араб ёзувининг куфий турида «олийҳимматликни калити илмдир», деб ёзилган.

Афросиёбдан топилган лаганчага (X—XI асрлар) араб ёзувининг насх турида «илм олишнинг аввали аччиқ ниҳояси шириндир», деб ёзилган.

Қадимдан халқ кулолчилик буюмларини турли-туман безаклар билан ишлаганлар. Кўплаб археологик қазилмалар фикрлар далили бўла олади. Чунончи, Сирдарё вилоятидаги Култепа эски шахри қазилмалари вақтида Корахонийлар даврига мансуб ашёлар яъни сопол қадах, коса, кўза, хум, тоғора ва бошқа кўпгина сирланган идишлар топилган. Шулар ичида ўзига хос сирланган, сатҳи ясси, чеккалари парракли – кунгирали қилиб безатилган XII асрга хос идиш топилган. Кулолнинг ясаган ликопчаси тўртта парракчаси бутун, иккитаси шикастланган парракчалар 13 та бўлиб идиш таги нотекис, бир хил эмас, диаметри 15 см, таги айланаси 10 см, баландлиги 1,5 см. У яшил рангда сирланган бўлиб ора томонида қисман фақат парракларига сир берилган. Озроқ қабариқ тагида сир томчилари ва доғлари бор. Ликопчани парраклари ва ўрта қисмлари безатилган.

Ушбу ликопчадаги безакларни бадий тахлил қилиб, уларда яширинган рамзий маъноларни ўрганилади.

Ликопчани умумий кўриниши гул кўринишига эга бўлиб, олам гўзаллигини, инсонни сурати ва сийрати гўзал бўлсин деган рамзий маънога эга. Ликопчанинг четини тўлқинсимон чизиғи, инсонни хаёти нотекислигидан иборат эканлигини билдиради. У фақат эзгулик йўлида юриши кераклиги ҳамда кун, тун ва кундуздан иборат эканлиги ҳақида кўп хикматлар борлигини билдиради. Инсон умри ўткинчи эканлигини комиллик даражасига интилиши лозим дейилади. Йиллар, асрлар давомида инсонлар бу фоний дунёда ўз амаллари билан меҳмон бўлиб ўтаверадилар. Инсонларни хаёти бамисоли сувдай тез ўтиб кетаверади. Инсон хаётда нима учун яшаётганини англамоғи ҳамда фақат эзгулик йўлида юриши кераклиги ҳақидаги хикматни беради.. Ликопча марказида доира шаклида беагаи уйғун ҳолатда тасвирланган. Доира шаклидаги безакни марказида тўрт япрокли ироқи гул , ҳамда доирани тўртта томонида учта учбурчак шакллар тасвирланган. Доира четида учбурчакли қуёш нурлари акс этирилган.

Доира шакли оламни, ерни билдиради, тўрт япрокли ироқи гул чархпалакни билдиради. Иккинчи маъноси доирани тўртга бўлиб туриши яъни, 1 йил 365 кундан яъни тўртта фаслдан иборатлиги. Ҳар бир фасл уч ойдан иборатлигини ишора қилади. Доира четидаги учбурчакли қуёш ва нурлари акс этирилган. Нақш марказида уйғун ҳолатга кўра ишланган тўрт япрокли ироқи гул чархпалакнинг рамзий ифодаланишини сабаби шундаки, ер ҳам ,қуёш ҳам, умуман бутун борлиқ абадий ҳаракатда эканлиги уқтирилган.

Идишда иккита катта ҳалқа берилган бўлиб улар марказга қараб учбурчаклар кўринишида яъни қуёш нурга ўхшаш тасвирланган.


Бутун дунёдаги яъни коинотдаги барча сайёралар ер қуёш ва бошқалар билан ўзаро узвий боғиқлиги акс этирилган. Иккита катта

халқаларни учбурчак шаклидагисини кетма-кет берилиши коинотнинг чексизлигини билдиради.

Парракчалардаги тасвирлар талқинида мураккаблик бор. Уларнинг 4та бутун ва 2та шкастланганида нақш такрорланмайди. Тахмин қилиш мумкинки, бу асос йўқолган қисмларида ҳам сақланган, булар шунчаки нақшлар эмас, балки бирор бир рамзий маънога эга. Сақланиб қолган кунгираларда – безаклар қуёш майдони ва осмон жисмлари рамзлари безаклари бор. Уларнинг айримларида ўроқ ва ой, доира ва қуёш акси аниқ билиниб турибдики, нуқта белгилари сифатида қайд этилган чизиқ ва учбурчакли шакллар ўша даврда маълум бўлган етти сайёрани англатиши мумкин. Парракчалардаги бошқа белгилар нимани англатишини тахмин қилиш қийин.

Кулолчилик буюмлари амалда овқат ёки мева қўйиши учун ишлатилибгина қолмасдан, балки инсонларни тарбиялайди, рухий озуқа, фалсафий фикр беради, ҳамда инсонларни даволайди.

Мақсадимиз талаба ёшларимизни гўзалликларни хис қилиш ва улардан баҳраманд бўлишга, ҳамда ўз қўллари билан гўзалликларни яратишга ўргатишдир.



ликочча 8-расм.

Сирдарё вилоятидаги Култепа эски шахрида топилган ликопчани (XII асрга тегишли) устидан қуриниши. 1- ироқи гул, 2-ромб безак, 3-айлана ва аррасимон безак, 4- иккита катта доирасимон безаклар, 5- тўлқинсимон чизиқ 6- парракдаги номалум безаклар. (8-расм)

Зоминдан топилган ўрта асрлар муҳрли идиши 2000 йил Зомин туманидаги Жартепа қишлоғидан топилган қадимги кулолчилик печлари очилган жойда олиб борилган қазилмалар натижасида сирланган буюмларнинг бўлаклари топилди ва улар мутахассислар томонидан қайта

йиғилиб, аввалги ҳолатига келтирилди. Асос айланаси 23,5 см, баландлиги 6,5см бўлган бу идиш кўриниши XII асрнинг иккинчи ярмида кенг тарқалган идишларга ўхшамайди. Унинг ойнаси ўша даврлар анъанасига кўра, сирли нурлар ёрдамида саккиз қисмга бўлинган. Қолган тўрттаси “Нептуннинг уч айрили найзаси” кўринишидаги меҳр шаклидаги белги билан тўлдирилган. Айрининг пастки уч қисми араб ёзуви қоидасига амал қилинган ҳолда, ўнгдан чапга томон чизик тортиш орқали, тўрттинчиси эса аксинча, чапдан ўнга томон чизик тортиш билин ҳосил қилинган.

XII асрга мансуб сирланган идишларга муҳр сифат белгиларнинг ишланиши нафақат Уструшонда, балки республикадаги кўхна тарихий ёдгорликлар мавжуд бошқа вилоятларда ҳам учрамайди.

Косани безашга кулол яшил, сариқ аралаш яшил ва оч яшил фонди жигаррангнинг турли тусларидан фойдаланган. Муҳрнинг ўзига эса уста ўша даврга хос безаклар; яшил рангдаги кичик хол ва тўлқинсимон нақшлар, яъни ёмон кўзлардан асровчи белгиларни қўллаган. Бало-қазолардан асровчи рамз бўлган бу муҳр ҳали тайёр холга келмагандай туюлади.



9-расм.

Идишнинг марказий қисмида лой билан айлана берилиб, ичкарига томон бўртма ҳосил қилинган. Унинг атрофида кулолнинг идишни ясаш

чоғида ишлатган анжомларидан бирининг изи сақланиб қолган. Кўринишидан бу усулни уста идишларни пишириш учун печкага маълум тарзда жойлаштириб бўлганидан кейин уларни бир-биридан ажратиш учун қўлланган. Араблар келгунигача бўлган даврда ҳам уч айри Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида, жумладан, уструшон сопол буюмларида қўлланган. Е.М.Пещерев улар жуда ўхшаш, фақат чекка тишлари ён томонга чиққан белги сифатида тоғли тожиклар асбоб-анжомларида ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Шимолий Мўғилистон муҳрларини эслатувчи турган тангаларни ҳам уч айри безаб туради. Кейинчалик тангаларда уч айрининг мураккаб турлари пайдо бўлади ва улар Чол белгилари деб юритила бошланади. Орол бўйича уч айри тасвирланган муҳр ўрта асрларда мустақил давлат бўлган Амударёнинг шарқий дельтасида жойлашган Кердер Хусрав (VII аср бошлари)га қарашли ерларда зарб этилган тангаларда учрайди. Кейинчалик уч айри белгисини қўллаш бирмунча вақт тўхтаб қолди. Уч айрига ўхшаш белгилар (III ҳарфининг турли тарзларини эслатувчи) Рашидиддин, Маҳмуд Қошғарий, Абул Ғозий китобларида келтирилган шажаралар муҳрларида, шунингдек, ўрта асрларга оид қабртошларида ҳам учрайди. Зоминнинг Жартепасидан топилган ушбу топилма эса чизгининг мураккаблиги ва ясалган даврига кўра ўрта асрлар боши ва охирига мансуб муҳрларни ўзига хос ҳалқа сифатида боғлаб туради. “Муҳр”сўзи ҳалигача ўзининг аниқ таърифига эга эмас. Бу сўз асли мўғулча бўлиб, кейин туркий тилларга кўчган бўлса керак.

Мазкур идишда муҳр белгисининг бўлиши тасодифий эмас. Бу XII асрдан эътиборан шаҳарга кўчманчи қабилалар анъаналарининг кириб келиши, яъни ҳайвонлар ва уларнинг рамзлари билан боғлиқ усулнинг кенг тарқалиши билан боғлиқдир. Т.Хўжаев Уструшоннинг мўғуллашган аҳолиси бу ерда ўрта асрларда келиб қолган, улар авваллари “эхтимол Олтойда, Қозоғистон ёки Сибирда яшаган бўлиши мумкин” дейди. Айнан мана шу турк-мўғул қабилалари орасида муҳр жуда кенг тарқалган. Буни Уструшоннинг йирик

шаҳар маркази-Сабатга қиёсланувчи Келтепа қалъа-шаҳарчасидан топилган археологик ва антропологик материаллар ҳам тасдиқлайди. (9-расм)

Афтидан уста-кулол мазкур идишни ўз шажараси муҳри билан безатишни хоҳлаган харидор буюртмасига биноан ясаган. Негаки, бунга ўхшаш намуна топилгани ҳали фанда маълум эмас.

Сигиртепадан топилган ўйма нақшли қадах ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети (собиқ Тошкент давлат университети) қошидаги КАТЭ (Кеш археологик топографик экспедицияси) 1970 – йилларда Қашқадарё вилоятининг Қамаш тумани қадимги ёдгорликларини фаол ўрганди. Мазкур экспедиция қазиш ва тадқиқот ишларини ўрта асрларда йирик бўлган Олтинтепа харобаларида ҳам кенг кўламда олиб борди. Сигиртепанинг шимоли-шарқий қисмида дастлабки ўрта асрларда қурилган бино топилди. Унинг хоналаридан бири ушбу кўрғон ва унинг атрофидаги ҳовли учун ибодат қиладиган жой бўлиб хизмат қилган. Хонанинг жануби-ғарбий бурчагида олхўри шаклида эгилган унча катта бўлмаган очик нов бўлиб, унга хонанинг ғарбий девори тагидан олиб берувчи тарнов кўшилган. Тешик ва очик нов жуда қорайиб кетган. Унинг ёнидан ички юзасига ўйма нақш ишланган ингичка баланд оёқли қадахнинг қуйи қисми топилган.

Қадах кулолчилик чархида ясалган. Лойнинг сифати жуда яхши, унга пишиқ ишлов берилган. Ташқи томонига тўқ жигаррангда қалин аноб берилган. Қолган қисмининг асос айланаси 10 см, баландлиги 0,5 см. Ясалган вақти IV-V асрларга тўғри келади. Бу сана ёдгорлик материаллари, топилмалар мажмуи ва қадах шаклига ўхшаш ашёларга солиштириб аниқланган. Синиғи текис эмас. Қадах куйдирилмасдан олдин унга ўткир асбоб ёрдамида тасвир ўйиб туширилган. Ана шу тасвир эътиборни тортади. Тасвир чизикларининг чуқурлиги 1 мм, эни 1,3 – 1 мм.

Тасвирнинг юқори қисмида боши чапга қаратилган қуш гавдалантирилган. Унинг тагида чапга қараган жонивор (қўй ёки эчки)

тасвири туширилган. Уларнинг ўртасида новда ва тасвирнинг юқори ҳамда пастки қисмини бирлаштирувчи чизиқ бор. Чап томонида бошини пастга қилиб турган (унча катта бўлмаган бўртма) тасвири бор. Унинг тасвири биринчи қуш шаклини такрорлайди. Қуш ва жонивор тасвири бирмунча услублаштирилган. Юқоридаги қуш йиртқичқушдир (бу зоология ва паразитология ИТИ да аниқланган). Пастда тоғ қўйи тасвирланган. Қушнинг панжалари жонивор шохи ва тумшуғида тутиб турилган новданинг тагини ушлаган. Иккинчи кичикроқ қуш танасини думи ва унинг пастки қисмига ўхшайди. Тананинг тепасида бел баланд қисми юзасида иккинчи қанот ўйилган. Қушнинг боши шундай жойлаштирилганки, у парранданинг кўкраги, бўйни ва тумшуғини аниқ ажратиб туради.

Маълумки, кишилар ўз эътиборини аввало ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таниш бўлган образларига қаратадилар. Ҳар қандай образни эса аниқ бир тимсол билан белгилайдилар. Ўрта Осиёнинг жанубида катта бурама шоҳли Сибир тоғ эчкиси яшаган. Сардиния ва Корсикадан то шимоли – ғарбий Ҳиндистон ва Катта хингангача тоғ қуйи тарқалган кўриниши жиҳатдан бу ҳайвонлар ўхшаш бўлганлиги учун уларнинг образлари рамзлари ҳам ёки бир-бирига яқин бўлиши мумкин. Эронда қадимда қўй ва эчки бир-бирига яқин ҳайвон деб қаралганини деворларда сақланиб қолган тасвирларда ҳам тасдиқлайди. Ўрта Осиёда эчкига сиғиниш қадим илдизга эга. Хусусан, сополда (Анац) эчки билан дарахт ёнма-ён қўйиб тасвирланган.

Дарахт мавзуси дунёда кенг тарқалган рамзлардан бириди. Номозгоҳ II “ёдгорликларида” ҳам эчки ва дарахт тасвири топилган. Номозгоҳ III да дарахт- қуш.. дарахт-эчки каби жуфт тасвирлар учрайди. Амударё манбаларига кўра, аҳамонийлар даври санъатида эчки доимий мавзу бўлиб келган.

«Авесто» даги ривоятда Вертрагна шоҳли эчки образида намоён бўлади (яшт XIV, 23). Вертрагда қўйнинг бошига ўхшаш дубулға қўйиб юрган. Искандар Зулқарнайн тангаларида шоҳли қўй тасвирланган. Балки шунинг учун у «шоҳли Искандар» деб юритилгандир. Ўйма тошлар, туморларда эчки

ва дарахт тасвирлари учрайди. Эчки ва дарахт қадимги Шарқ санъатида ҳам кўп қўлланади. Одатда, эчки ёнида гуллаётган ёки мевали, лекин баргсиз дарахт, баъзан бута ёки ўсаётган оддий ўтлар тасвирланади. Бу сюжет адабиётда ҳам анча кенг тарқалган. Баъзи мутахассислар ўтхўр хайвонлар ва ўсимликлар ҳосилдорликнинг ифодаси, деган қарашни илгари суришади. Қадимги шарқ халқларидан бирининг мадҳиясида эчки замин етакчиси дейилган. Қадимги Юнонистонда эчки Артемида шарафига қурбон қилинадиган муқаддас жонивор бўлган. Кейинчалик эчки Дионис аломати бўлиб қолган. Сўнгра эса эчки туёқли ярим одам ёнида юрадиган йўлдошга айланган. Умуман, эчкига кўпайтирувчи куч сифатида қаралган. Ҳосилдорлик худоси, дарахт ва эчки орасидаги алоқадорлик ҳақидаги тушунча Хиндикушда яшайдиган турли диндаги аҳоли эътиқодида ҳам мавжуд. Олд ва Ўрта Осиёда тоғ эчкиси ва қўй билан боғлиқ эътиқод қадимий асосга эга ва улар ҳосилдорлик ҳамда жисмоний куч рамзи сифатида талқин этилади.

Анахитадан ташқари Авесто худоларининг барчаси жонивор ва қушларга айланиши мумкин. Улардан бири, зафар ва шоҳона улуғворлик худоси Хварена кўпинча тоғ қўйи сифатида тасвирланади (12, 36-бет). Мазкур рамз Атурпатда Шопур II даврида, яъни Эрон достони сосонийлар сулоласини муболага қилиб, улуғлаб кайёнийлар даражасигача кўтарган IV асрда вужудга келган. Айни ўша даврда Шопур II нинг котиби Харабуд «Хақ сўз» йилномасини битган. Унда қандай қилиб Қўй образидаги “Хварена Кайёнийлар бахти” (шоҳлар ҳукумати худоси) биринчи сосонийга йўлдош бўлгани ва унинг парфияликлар устидан ғалаба қозонишга олиб келганлиги ҳақида хабар берилади. Қўй уруш ва ғалаба худоси Вертрагна тимсоли ҳисобланади. Қўй шоҳона ҳукмронликнинг бевосита ифодаси ҳам бўлиши мумкин. Оташпарастлик – паҳлавий афсонасида Ардашер Ардаванинг суюкли канизаги билан қочиб кетганлиги ҳақида ҳикоя қилинади ва унда қўй ҳукмдорлик фарни сифатида тилга олинади. Аммо фарнинг сув билан алоқадор эканлиги аниқдир: “У сув остида яширинган...” Бахман-Яштда фарн Заратуштра ичаётган сув кўринишида – ҳар жойда ҳозир нозир

донолик рамзи сифатида зоҳир бўлади. Шунинг учун ҳам сув сақланадиган ва ичиладиган идишларнинг туткичларига қўйнинг бошига ўхшаш қисмчалар ёпиштирилган. Бу анъана кейинги давларда ҳам давом этган. Г.Снесаёв чилкалит деб номланган идишлар ҳақида сўз юритади. Уларнинг тубига «Қуръон» дан оятлар ёзиб қўйилган. Бундай идишларга куйилган сувлар ўзига хос, сирли қудратга эга бўлиб қоларди.

Ўрта Осиё Эронда қуш образи жуда кенг тарқалмаган бўлса-да, қуш мавзуси бу ўлкаларда ҳам қадимий илдизга эга, Масалан, ҳукмрон киборларнинг бош кийимлари қуш пати билан безатилган. Бу ҳақида Барахран II даврида зарб этилган тангалар ҳам гувоҳлик беради. Вертранга «Варанг» қушига айлана оларди, бу унинг афсонавий жиҳатларидан бири эди (яшт 14, 19). Бу рамз Вертрангна тасвирланган қушон тангалардан ҳам мавжуд. Унинг дубулғаси устига бургут ёки лочин тасвири туширилган. Йиртқич қуш рамзи харбий ғалаба, қудрат ва тўқинлик худоси ҳақида таъсаввурлар билан боғлиқ дейиш мумкин. «Авесто» да «Кафий фарн» қандай тасаввур этилиши ҳақида маълумот берилган. Яшт 19, 23 да айтилишига қараганда, Йима ўз бойлигини фарм ёрдамида химоя қилади ва натижада, унинг мамлакатида тўла маъмурчилик ўрнатилади. Аммо, кейинчалик у гуноҳ қилиб қуйиши натижасида Хварна – йиртқич қуш қиёфасида уни тарк этади: «У ёлғон сўзлар айта бошлагач, Хварна қуш қиёфасида ҳамманинг кўз ўнгида унинг олдида учиб кетади». «Хварна улуғвор Йимадан биринчи марта тескари ўгирилганида, Хварна Йимадан Варган қуши қиёфасида учиб кетади».

Осмон қудратининг рамзий ифодаси саналган йиртқич қуш образи ривоят ва афсоналарда ҳам, геральдикада ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган. Жониворга чанг солаётган йиритқич қуш мавзуси ўз илдизи балан самовий тасаввурларга бориб тарқалади. Йиртқич қушнинг жониворга шиддат билан чанг солиши тасвири шохлик салтанати қудратининг рамзий ифодаси бўлиб қолган Шундай қилиб, Сигиртепадан топилган ўйма нақшли қадах ибодат анъаналари билан боғлиқ бўлиб ундан қалъа аҳолисини анъанавий ибодат

жараёни пайтида сув, шарбат, ёғ ёки илохий ичимлик ёки мукаддас суюклик билан ювиб софлаш пайтида фойдаланилган деб ҳисоблаш мумкин. Қадимги аждодлар тасаввурига кўра, сув, хаво, ер, олов маъмурчилик рамзи ҳисобланган. Жанубий суғд ибодатхоналарига оид маълумотлар ҳам шундан далолат беради. Сигир-тепадан топилган қадах ҳам аждодлар урф-одатларидан дарак берувчи ашё сифатида қимматлидир.

Миллий дўппи безакларининг фалсафаси мустақил ўзбек давлати, бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг миллий тимсолларидан бири унинг анъанавий кийимлари ҳисобланади. Ҳозирда миллий кадриятлар тикланмоқда, янги бинолар миллий анъаналар асосида қурилиб, шаҳарлар кўркига кўрк қўшмоқда. Миллий либослар ҳам моддий ва маънавий ёдгорликларнинг бошқалари каби халқнинг ўзига хослигини акс эттиради ва этник белгиларини намоён этилади.

Ўзбек халқ амалий санъатининг энг кўп тарқалган ва оммалашган турларидан бири – дўппи ўзбек миллий кийим – бошларининг бири сифатида халқ ҳаёти, анъаналарига сингиб кетган.

Дўппи туркий сўз бўлиб, тепа деган маъносини билдиради. Уни Марказий Осиё, Эрон ва айрим ўрта Шарқ мамлакатларида, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шинжонда, Волга бўйи татарлари ва бошқаларда кўриш мумкин.

Ўзбекистонда Тошкент, Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур бўлиб, улар алоҳида ўзига хосдир. Унинг ироқи, чуст, гилам дўппи, чакма тўр, қизил гул, пилтадўзи, зардўппи, тўлдирма деб номланган хиллари бор.

Дўппидўзлик жуда қадимдан ривожланиб келаётган амалий санъат тури бўлиб, уни қадимий ҳайкалларда, ёдгорликларда, қўлёзмаларда, деворий рангасвирларда, Ўрта Осиёда (XV-XVI) яратилган китоб миниатюраларида, хаттоки халқ оғзаки ижоди намуналарида кўриш мумкин.

Дўппиларнинг эркаклар, аёллар (шу жумладан, ўғил болалар, қизчалар, эмизикли гўдаклар, қариялар) учун мўлжалланган турлари ҳам бор. Улар

туморларга бойлиги, попукли, товланиши, ипакдан шарсимон попуқ тўқилганлиги билан фарқ қилади.

Дўппиларда жуда кўп учрайдиган бодом элементи бўлиб, у қут – барака ва ҳаёт рамзи сифатида ишлатилиб келинган, яъни шу одамнинг уйдан ҳаёти давомида қут – барака кетмасин, деган маънони англатган.

Бундан ташқари, бодом кўпгина касалликларга даво экани ҳамда энг чиройли фасл баҳорнинг, янги фаслининг даракчиси экани учун ҳам рамз сифатида ишлатилган. Яна шунга ўхшаш элементлардан бири- калампир тасвири. Бу ҳар бир инсонни ёмон кўзлардан асрасин, деган маънони англатган. Шунинг учун уст кийимларда ҳам амалда ишлатиладиган буюмларда ҳам учрайди. Аждодлар янги туғилган гўдакларни, шунингдек, кўзи ёриган аёлларни ёмон кўзлардан асраш маъносида калампир шаклида тақинчоқлар, чунончи, туморли безакли туғноғичлар тақилган.

Амалий санъат турлари наққошлик, кулолчилик, каштачилик, санъат намуналарида илон тасвири кўп ишлатилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Илон ёмонликдан асровчи тимсол сифатида ишлатилган. Ўтмишда илонга сажда қилишган, илоннинг сеҳри, куч – қудратига ишонишган. Шунинг учун дўппиларда ҳам илон тасвири ишлатилган.

Дўппиларда яна ҳайвонлар – тоғ кийиги, чаён қоплонга ўхшаш тасвирлар ҳам берилади.

Хандасавий нақшлар ҳам оммавий бўлган. Тик, кўндаланг чизиқлар ва тўғри бурчаклар чатишуви комил уйғунлик деб қаралган. Тўлқинсимон ва сочма нақшлар оби ҳаёт тўлқинлари тимсолини акс эттириб, улар деҳқончиликда қут – барака рамзи бўлган.

Дўппиларнинг нақш композицияларида қатор ҳолларда араб ёзуви каштага уйғунлашиб кетган. Донно сўзлар, самимий тилаклар ва ҳаётий иборалар дўппи каштасининг мазмуни ва ифодавий нафосатини теранлаштирган. Бу нақш – ёзувлар бир вақтнинг ўзида кўзларни қувонтириш ҳамда халқни онгини ривожлантириш учун хизмат қилган. Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейида сақланаётган XX аср бошига

мансуб. Бухороча эркаклар дўпписида араб ёзувида оқ ип билан шундай сўзлар битилган: “Қулоқ, майли бошда қолсин, душман ер билан яқсон бўлсин”.

Дўппи ҳам амалий ва маънавий қимматга эга. Амалда дўппи кишиларнинг бошини офтобдан, шамолдан, иссиқдан, совуқдан асраган, одамнинг жисмоний камчилигини яширинган, бош оғриғидан асраган, яъни шамоллашнинг олдини олади.

Унинг маънавий қиммати эса аجدодларнинг ўлмас қадриятларини сингдириши, безаши, кишини кўркам кўрсатиб инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлигини кўрсатиб турганидир. Хатто ўша миллат вакилларини билдиради. Инсонларни ахлоқий тарбиялайди, турли ёмон кўзлардан асрайди.

Қадимда катта мажлисларда дўппиларига қараб, қайси шаҳардан ёки қишлоқдан келганлигини ва нечта киши қатнашаётганлигини аниқлашган.

Ўзбек дўпписи каштасида атиргул, гулсафсар, чиннигул, кўкнори, лола, гултожихўроз, олма гули, олча гули, чарос, бодом, қалампир, анор кабилар тасвирланади. Ўсимликсимон нақшлар орасида хўроз, булбул, тустовуқ, каби рангли қушлар рамзи элементлари ишланган. Улар гарчи шартли тасвирланса-да, уларни осонгина билиб олиш мумкин.

Дўппининг квадрат шаклида бўлиши одам бошига кийишда қулайлиги, чиройлилиги, рамзи бўлиб, дунёнинг тўрт томонини – осмон саройи, Қуёш фарзанди, абадийлик, ёруғликни билдиради.

Дўппининг тепа қисмида тўртга қиррасининг битта нуқтада бирикиши – Оллоҳнинг ягоналигини билдиради.

Дўппининг пастки қисми тўртбурчак, яъни кубба–шаклларнинг такрорланишидан ҳосил бўлган ислимий нақш, қалъани ўраб турган деворларни эслатади. Бу тўрт томондан ёмон кўзлардан ва офатлардан сақлаб турувчи қалъа деворидир. Ота – боболар қадимдан бошидаги дўпписи орқали кишилар боши ҳар доим омон бўлсин деб яхши ният қилганлар.

Хуллас дўппида мардлик, жасорат, ҳалоллик, поклик, каби, белгилар мужассам.

Чуст дўпписи тимсолидаги бундай рамзлар миллий туйғу устиворлигидан далолат. Дўппи тикишда катта ҳаётий тажриба, ақл – заковат, зеҳн – идрок, дид, мушоҳада юритиш, кузатувчанлик каби фазилатлар талаб қилинади. Турли безакларга бой дўппилар нафақат ўзбек халқ анъанавий миллий либосларидан бири, балки миллий колоритига йўғрилган замонавий бош- кийим сифатида ҳам яшаб қолади.

Амалий санъат асарларини бадий таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг рамзийликка оид билимларини ривожлантириш.

Аждодларнинг яратган нақшлари мазмунан қатламдор, турлича хиссий бўёқ, шакл, руҳ ва мантикий ҳамда фалсафий товланишларга эгадир.

Кўкалдош мадрасаси Ўзбекистоннинг маркази Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ушбу шаҳар IX-X асрларда Бинокент номи билан юритилган. Тошкент баланд деворлар билан ўралган бўлиб уларни мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида (XIV- XV асрларда) Тошкент шаҳри қайтадан тикланган. Тошкент йирик феодал шаҳарга айланган.

“XVI аср ўрталарида Хўжа Аҳрор мадрасаси ва масжиди жомеъдан жануби - ғарброқда Тошкент ҳокими Кўкалдош лақабли вазири Бароқхон, икки қаватли мадраса қурдирган. Ўзининг катталиги ва ташқи томонининг сиркор парчинлар ва ранг-баранг нақшлар билан безатилиши жиҳатидан ҳамда ложувард баланд гумбазлари билан бу мадраса ўша замондаги Самарқанд ва Бухоро мадрасаларидан қолишмас эди.

Мадраса пештоқи 10 ва 5 қиррали геометрик нақшлар билан безатилган. Икки томонида иккитадан квадрат шаклида ва меҳроб токча кўринишида безаклар билан безатилган.

Икки ёнида тўртта квадрат чиройли безатилган бўлиб, унда Марказий Осиёнинг деярли барча меъморчилик тажрибасида учрайдиган чархпалак

тасвирланган. Ушбу нақшни шу асргача ҳеч ким илмий таҳлил қилиб хулоса чиқара олмаганлар. Бирорта манбада ҳозирча илмий таҳлили баён қилиб берилганини учрамайди хўш, Кўкалдош биноти фасадига сақланиб қолган квадрат шаклидаги тўртта бир хил нақшли безак қандайдир ҳикматлар англатиб турибди.

Дунёда маъносиз сўз бўлмаганидек, маъносиз нақш ҳам йўқ, шу нуқтаи назардан сўз юритилаётган безаклар таҳлил этишга уриниб кўрилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Квадрат ичига назар солинса у тўққизта катакка бўлиниб, квадратда Оллоҳ, тўрт мартта Муҳаммад сўзи араб алифбосида ёзилган. Шакл жиҳатидан қарасак битта катта чархпалак соат миля кўрсаткичи йўналишида, ҳамда тўрттаси эса соат миля юришига қарама-қарши кичкина шаклда тасвирланган. Ранг жиҳатдан қаралса Оллоҳ ва Муҳаммад ёзув ранглари бир хил рангда тасвирланган. Кўпчилик Оллоҳ ва Муҳаммад сўзини ўқийди. Лекин бу сўз ва шакллар билан биргаликда қўшиб ўқий олмайдилар. Бунинг сабаби шундаки, араб имлосини билган инсон шаклларни рамзий маъносини етарли даражада билмайдилар, билсаларда иккаласини қўшиб ўқишга қийналадилар.

Авалло, нима учун безакка квадрат танланган. Квадрат - дунёнинг тўрт томони, мустаҳкамлик, оламнинг чексизлиги, қуёш фарзанди эканлиги, абадийлик, ёруғлик маъноларини, шунингдек оламнинг моддий асоси тўрт унсурдан, яъни ер, сув, ҳаво ва оловдан иборатдир. Квадрат яна симметрик, гўзаллик тенглик рамзидир. Оламдаги жамики гўзаллик квадрат шаклига асослангандир.

Ушбу квадрат нима учун 9 та катакка бўлиб, шу катаклар асосида ёзилган. Бунинг сабаби нимада. Агар рақамларни тўққизта катакка ёзиб чиқсак қуйидаги кўриниш беради. Математикада рақамлар фалсафасига мурожат қилсак, ҳар бир рақам ўзига хос мантиқий ва фалсафий маънога эга.

Нима учун квадрат тўққизта тенг катакка бўлинган?

Инсон она қорнида 9 ой, 9 кун, 9 соат, 9 дақиқада ҳомила сифатида улғаяди, соғ ва мукамал инсонда 9 муҳим аъзо етук бўлади: кўз, қулоқ, бурун, оғиз, қўл, оёқ, қорин, тиш ва тил. Қолаверса, 9 сони қадимдан муқаддас рақам ҳисобланган. У - бахт-иқбол рамзи.


Квадрат ўртасида 5 рақами ёзилган. Бу эса беш кунлик дунёни, яъни инсон бу (фоний) ўткинчи дунёда синалиш учун келади, қилган амаллари орқали баҳоланади, яъни ё жаннатга, ё дўззахга тушади деган мазмунга эга. Яна беш рақами исломни беш устунини имон, намоз, рўза, садақа ва ҳажни билдиради.

Инсоннинг асосан 5та туйғуси бўлиб, улар: эшитиш, хид ва таъм билиш, кўриш ва тана сезиши. Булардан ташқари айрим кишиларга хис қилиш ва 7-башорат қилиш туйғулари ҳам бўлади.

Рақамларни кўндалангига ёки тиккасига қўшиб чиққанда 6, 12, 18,24 рақамлар чиқади.

Фалсафий таҳлил қилинса “18 минг оламини Оллоҳ 6 кунда яратган” деб муқаддас китобда айтилган. Бунда 6 рақами ислом фалсафасида мукамаллик рамзи саналади.

Тошкент шаҳридаги кўкалдош
мадрасаси пештоқидаги
безакнинг кўриниши.



11-расм

Тошкент шахридаги Кўкалдош мадрасаси пештоқидаги безакларнинг бадий тахлили

№	РАМЗЛАР	РАМЗЛАР МАЪНОСИ
1.	Квадрат	Оламни
2.	Квадратни тўрт қирраси	Олам чексизликдан иборат эканлиги ва олам тўрт унсурдан, яъни ер, сув, ҳаво ва оловдан ташкил топган.
3.	Квадрат 9 катакка бўлинади	Инсон она қорнидан фоний дунёга 9 ой, 9 кун, 9 дақиқада дунёга келади.
4.	15 рақами	Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу, яъни кун билан тун. Ҳаёт қувонч ва ташвишдан иборатдир.
5.	Квадрат марказидаги 5 рақами	5 кунлик, яъний фоний, синов дунёси эканлигини, ҳамда Исломнинг 5 устунини, яъни иймон, намоз, закот, ҳаж. 5 маҳал намозни инсонга 5 та сезги органи борлиги хид билиш, кўриш, эшитиш таъм билиш тери сезгиси.
6.	6 рақами	Мукаммаллик рамзи.
7.	12 рақами	1 йил 12 ойдан иборат.
8.	24 рақами	1 кун 24 соатдан иборат. Ҳар дақиқадан унумли ва эзгулик йўлига сарф этилишини ишора қилинган.
9.	18 рақами	Оллоҳ 18 минг оламни яратган.
10.	Чархпалак	Дунё абадий ҳаракатдан иборатдир. Фоний дунёга инсонлар келиб-кедиб турадилар.

12 рақами 1 йилда 12 ой борлигини билдиради. 24 рақами 1 суткада 24 соат борлигини билдиради.

Квадратнинг тиккасига, кўндалангига ва диагоналига қўйилган рақамлар йиғиндиси 15 чиқяпти. Бу, ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғилигидан далолат. Яъни, олам нур ва зимистондан ташкил топган, инсон ҳаёти ҳам шундай, яъни турган битгани нотекис, норавон йўллардан иборатлигини англатади.

Квадратга тўлдириб соат мили кўрсатгичи йўналишида динамик ҳолатда чархпалак тасвирланган.

Чархпалак - абадий ҳаракат тимсоли, олам абадий ҳаракатдан иборат демакдир. (9^{-а} расм). Дунёда жамики борлиқ ҳаракатдан иборат эканлигига ишора қилади.

Ҳаракат бўлганда ҳам эзгулик ва омад, бахт-иқбол сари интилишдир.

Яна чархпалакнинг "чорунсур" ва бошқа атамалари ҳам мавжуд. Чорунсур эса олам, тупроқ, ҳаво, сув ва олов сингари тўрт унсур коришмасидан ташкил топган деган маънони ҳам англатади. Бу чархпалаксимон шакл Шарқда қарийб 1000 йилдан буён хилма-хил маънога эга бўлиб келган.

Олмон математиги Герман Вейль чархпалак ҳақида шундай деган эди: "Чархпалак инсониятнинг энг қадимий рамзлардан бири сифатида маълум бўлган".

Меъморчилик маданияти тарихи профессори Додо Нозилов чархпалак ҳақида шундай ёзган: "Чархпалак шаклидаги нақш Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан буён мавжуд. Олтинтепадаги бронза даврига оид чархпалак шаклидаги тамғалар, X-XI асрларга оид Афросиёб деворий паннолар фикримиз далилидир».

Чархпалак шаклидаги нақшлар қуёш рамзи, ўлиш ва тирилиш ҳамда абадийлик, ўлим ва ҳаёт рамзидир.

Мўғулларда мураккаблаштирилган чархпалак тасвири "Ўн минг йиллик бахт" маъносини англатган. Ўтов пештоқидаги нақш "ҳеч қачон бу уйнинг чироғи ўчмасин" деган маънони билдирган".

Чархпалакларнинг дунёда турли-туман турлари мавжуд.(9-^б расм).

Чархпалак шаклини мантиқан таҳлил қилиб кўрилса қуйидаги ҳикматлар аён бўлади. (9-^с расм).



“АС” чизиқ - тириклик рамзи.

“ДВ” чизиқ - инсон ҳаётининг қисқалиги яъни ўлим рамзи.

A1, B2, C3 ва D4 – чизиқчалар чархпалакни ҳаракатини яъни динамик кўринишга ҳамда чархпалакни соат кўрсатгичини чапдан ўнгга ёки ўнгдан чапга ҳаракатини кўрсатиб туриш учун хизмат қиладиган чизиқлардир.


Чархпалакни соат кўрсатгичини чапдан ўнгга ҳаракати ҳаёт ва ўлим доимо такрорланишини, олам эса абадий эканлигига ишора қилади. Шунинг

учун ҳам буюк мутафаккир Умар Хаём таъбири билан айтганда “Инсонларни ҳаёти бамисоли карвонсаройга ўхшайди, уни икки эшиги бўлиб, унинг бирдан кириб турсалар, иккинчисидан чиқиб турадилар” дейди. У инсонларни фоний дунёга яъни, вақтинча синов учун дунёга келишлигини уқтиради. Чархпалак шаклида ҳаёт бор жойда ўлим муқарардир, Олам эса абадийдир дейилмоқчи.




Квадрат.Оламини билдиради.
Оламнинг моддий асоси 4 унсурдан
яъни Ер,Хаво,Сув ва оловдан ташкил топди

Оллох




Квадрат тенг 9
булакка булинган



1,2,3,4 Мухаммад ва Оллох
сузи ёзилган.



Чархпалак



Чархпалакларни тескари
тасвирлари.

Оллоҳ сўзи квадратни ва чахпалакни марказида жойлаштирилган бу билан наққош бутун оламини ҳаракатга келтирувчи, кўргувчи ва билгувчи яккаю-ягона зотдир дейилмоқчи.

Бу оламнинг яратилишидан мақсад, яралишларга қараб яратганни билиш, уни севиш, англаш ва бу йўлда камолотга эришишдир.

Дунёга боққан кўзлар саноксиз юлдузлару, хайвонот оламини, табиатнинг чексиз гўзаллиги, буюк санъат билан яратилганлигига ва Оллоҳнинг илмига ҳайрон қоладилар. Ҳалқни севадилар.

Квадратнинг тўртта бурчагидаги катагига Муҳаммад ёзилган. Оллоҳ сўзини ва тўртта чеккада Муҳаммад сўзини оч ҳаво рангда ёзилган. Бир ҳил рангли ёзувларни қўшилса беш деган рақамини беради. У эзгулик элчисидир.

Квадратнинг ичидаги чархпалакнинг ички тўрт томонида соат стрелкаси ҳаракат йўналишига яъни катта чизилган чархпалакни ҳаракат йўналиш томонига қарама-қарши ҳаракат йўналиши тасвирланган.

Бу билан оламда Оллоҳга эзгуликка яъни инсонларга қарши кучлар ёвузлик йўлида юрган Оллоҳнинг бандаларини ишора қилинган, яна фоний олам эзгулик ва ёвузликдан иборатдир. Ҳаёт қарама-қаршиликдан иборат деган маънони билдиради.

Инсонлар бу фоний дунёда синовларини топшириш учун юрганликларини яна бир бор гўзал нақшлар орқалий фалсафий фикрни инсон қалбига етказишга ҳаракат қилинган. Бу ҳаёт фалсафаси ер юзидаги барча ҳалқларни эзгуликка, тинчликка ва инсонларни табиатни умуман борлиқни қадрига етиш ҳамда келгуси авлодларга покиза ҳолда етказиш деган фалсафий ғояни шиор тариқасида акс эттирилган.

Шунинг учун Шайх Саъдий Шерозий шундай деган эди:

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,

Фақат қолғуси яхши ному иши.

Истиклол туфайли тарих, миллий қадриятлар, анъаналар тобора тикланиб ҳаётда мустаҳкам ўрин олиб бормоқда.

Юртбошимиз такидлаганларидек, “Барчамизга қадрдон бўлган бу азим гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серкуёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир”.. Шундай экан таърифи улуғ шаҳарнинг тарихини чуқур ўрганиш, ёш авлодни ўтмиш билан яқиндан таништириш, уларни мустақилликнинг қадрига етиб авайлаб асраш шу маънода Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Италиялик машҳур ёзувчи Гийом Аполлинер шундай деган эди:

Жумбоқларга тўла бепаён
Ўлкани биз тадқиқ этамиз
Кимки истар сирлар ечмоқчи
Шу ёрқин сир бўлар намоён...
Бизларни ҳеч айб этмаган сиз!
Биз истиқбол ва мангуликнинг
Сарҳадида доим жангдамиз.

Аждодлар қолдирган чексиз маънавий бойликлардан бири тарихий ички ва ташқи безаклари фақат инсонларни гўзалликни кўра билишга эмас балки, гўзаллик қалбидаги фалсафани ўқий олишга ҳамда халқга етказа олишдан иборатдир.

Кўкалдош мадрасадаги безакларини илмий ўрганиш, унинг эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларини, айниқса ёш авлод қалби ва онгига сингдириш бу ёдгорликларни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга қолдириш ҳамманинг ватан олдидаги бурчидир.

Кўринадики, қадимий меъморчилиги анъаналарида юзаки қарагандагина оддий туюлган "арзимас" нақшларда ҳам оламжаҳон ҳикмат хазиналари мужассам топган.

Мазкур фалсафий даъват фақат ислом дини тарафдорларинигина эмас, балки ҳар қандай эътиқод вакилларини яхшиликка, эзгуликка даъват этади.

Бошқача айтганда, буюк аждодлар бизга қолдирган чексиз маънавий бойликлардан бўлмиш тарихий обидаларнинг ички ва ташқи безаклари кишиларни фақат гўзалликни кўра билишга эмас, балки гўзаллик қалбидаги дониш ҳикматларни ўқий олишга ҳам ўргатади, одатлантиради.

Асрлар давомида яратилган улкан маданий бойликлар, хусусан ўзбек миллий халқ амалий безак санъати кенг тарқалган турларининг ўзига хос томонлари, мактаблари, бажариш технологияси, услублари, уларни яратган усталарнинг муборак номларини йўқотишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ана шу сабаблар ноёб санъат дурдоналарни сақлаш, уларни ёшларга ўргатиш муҳим вазифамиздир.

Миллий валютамиздаги рамзийликлар. ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИК РАМЗЛАРИ — давлатнинг тимсоллари, яъни унинг суверинитетини, миллий ва иқтисодий кўрсаткичларини, сиёсий-ижтимоий тузумини, асосий мафкура ва ҳаёт қоидаларини кўрсатувчи белгилар, энг муҳим ҳужжатлар, ғоялар ва тушунчалар.

Давлат рамзи- бу мустақил давлат белгисидир. У давлат байроғи, давлат герби, давлат гимни, мамлакат миллий валютаси, мамлакат конституцияси ва муҳим қарор ва анъаналарда ўз ифодасини топади. Улар мазкур давлатнинг тузумини, халқнинг табиати-менталитетини, иқтисодий асосларини ва бошқа муҳим белгиларини англатади. Давлат рамзлари кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, миллий давлат қурилиши ва маданий ривожланиш тарихи билан боғлиқ. Масалан, Амир Темур яратган марказлашган давлат ўзининг герби – уч ҳалка шаклидаги тамғаси билан танилган. Соҳибқироннинг юришларида лашкар олдида унинг туғи, байроғи олиб юрилган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, ҳалқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўзбекистон Республикасининг Янги давлат рамзлари ўзининг ёрқин ифодасини топди. Президент И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон: миллий истиқлол , иқтисод, сиёсат, мафкура » асарида: «Давлатимиз рамзлари- байроқ , тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг

шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг кадр-қимматиغا, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир », деб аниқ таъриф берган.

Давлатимиз рамзларидан миллий валютамини олиб қарасак – мамлакат ҳудудида барча товар ва хизматлар учун нархларни ифодалаш вазифасини ўтовчи ва қонуний ҳимояланган ягона тўлов воситаси.

Ҳар бир мамлакатнинг ўз пул бирлиги мавжуд. Масалан, Ўзбекистонда – сўм, Қозоғистонда – тенге, Россияда – рубль, АҚШда эса доллар қонуний тўлов воситаси ҳисобланади. Қонун, пул бирлигининг мамлакат ҳудудида эркин айланишини таъминлаш мақсадида, унинг ягоналигини, барча тўловлар учун мажбурийлигини ва ўз номинали бўйича ишлатилишини ёқлайди. Шунинг ҳам айтиш лозимки, халқаро умум пулга эҳтиёж бўлганлиги туфайли бир қанча миллий валюталар халқаро ҳисоб-китобларни олиб боришда ишлатилмоқда ва улар «эркин алмашинувчи валюталар» деб аталади. Булар орасида энг оммавийлари АҚШ доллари, Буюк Британия фунт стерлинги ва Германия маркаси ҳисобланади.

Тарихда турли буюмлар, қимматбаҳо тошлар ва металллар пул вазифасини ўтаган. Ҳозирги пайтда муомалада фақатгина қоғоз пуллар ишлатилади ва уларнинг қиймати олтин ёки бошқа қимматбаҳо металлларга боғланмаган.

Пул бирликлари қаррали қисмларга бўлинади, кўпгина мамлакатларда бўлинишнинг унли тизими ишлатилади(1:10:100); Англияда фунт стерлинги муомалада бўлган ҳудудларда бўлиниш қуйидагича: 1:20:240, яъни 1фунт стерлинг = 20 шиллинг = 240 пенс. Ўзбекистон сўми эса қуйидаги тартибда бўлинади: 1 сум 100 тийин.

Ўзбекистон 1993 йилдан бошлаб ўзининг мустақил пул кредити сиёсатини олиб бора бошлади. Яъни ўша йил ноябрь ойида Ўзбекистонда миллий валютани киритишнинг биринчи босқичи амалга оширилди. Банкда муомалага Россия рубли билан бир қаторда Ўзбекистон Сўм –купони ҳам

киритилди. Сўм-купон 1,3,5,10,25,50,100,200,500,1000,5000,10000 номинал кийматдаги купюралардан иборат эди. Иккинчи босқич 1994 йил июль ойида амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонуннинг 11- моддаси, бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-12-сонли қарорига асосан 1994 йил 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида ягона тўлов воситаси сифатида «Сўм» киритилди. 1000 сум –купон 1 сўмга тенглаштирилди. Ҳозирги кунда бир минг сўмгача номиналдаги қоғоз, шунингдек, 50 сўмгача танга пуллар мавжуд. Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банки сўмнинг ички алмашинувини таъминлаш, тўлов қобилиятини ошириш йўлида қатор ислоҳатларни амалга оширмоқда.[27. 206, б]

Ўзбекистоннинг миллий валютасига эга бўлиши ва «сўм» тизими иқтисодийнинг барча соҳаларига киритилиши – мустақилликнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Миллий валютага бир назар ташласак ,қоғоз сўмининг кўпчилигида ва танга пулларининг ҳаммасида давлатнинг рамзини акс эттирувчи давлат герби туширилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби – мамлакат давлат мустақиллигининг рамзларидан биридир. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби думалоқ кўринишига эга бўлиб, бу шаклнинг сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан чамбарга ўралган, узокдаги тоғлар ва дарёлар манзарасида гуллаган водий узра қуёш зарин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида эса Ўзбекистон озодлиги рамзи сифатида саккизбурчак юлдуз, унинг ички қисмида эса яримой ва юлдуз, марказида бахт ва эрксеварлик рамзи - қанотларин ёзган хумо қуши тасвирланган.

Гербининг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: хумо куши ва дарёлар - кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноклари ва «Ўзбекистон» ёзуви олтин рангида; ғўза шоҳлари ва барглари, тоғлар ва водийлар - яшил рангда; чаноклардаги пахта – оқ рангда; тасма – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангида; яримой ва юлдузлар – олтин рангида тасвирланган.

Ўзбекистон сўмининг *бир сўмлиги*, Ўзбекистон республикаси марказий банки томонидан 1994 йил чиқарилган. Унинг олд томони давлат гербининг рамзи ва нақш безаклари билан безатилган. Орқа томонида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академиги катта театрининг туширилган, бу театр 1947 й. академик А.В.Шусевнинг лойиҳаси ва раҳбарлиги остида қурилган. Бино қурилишида ва унинг бадиий нақшларини яратишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги Уста Ширин Муродов халқ рассомлари С.Ахмаров, Т.Арслонқулов, халқ усталари Қ.Жамилов, Ж.Жўраев, Б.Жўраев, А.Болтаев, С.Норқўзиев ва уларнинг шогирдлари иштирок этишган..

Ўзбекистон сўмининг *уч сўмлиги*да Чашмаи Айюб мақбараси рамзий маънода акс эттирилган. Чашмаи Айюб – Бухородаги меъморий ёдгорлик (12 аср, 1380) муқаддас зиёратгоҳ биноси тўғри тўртбурчак тарҳли (19x26м) бўлиб, ғарбдан шарқга чўзилган 4 хонадан иборат, ҳар бир хона бир-бирига ўхшамаган гумбазлар билан қопланган. Дастлаб энг қадимий хона-мурабба тарҳли қудуқхона бунёд этилган. (Арслонхон томонидан Минораи Калон ва Намозгоҳ масжиди билан бир даврда қурилган деган ривоятлар сақланган), унинг икки ёнида зиёратчилар учун ўз вақтида 2 эшиги бўлган; олд томонига тоқли хона туташтирилиб қурилган, у бинога пештоқ вазифасини ўтаган, қўш гумбазли, олди пештоқли, Зиёратхона деворида Амир Темур фармойишига биноан 1379 й.да унга тақаб қулоҳий гумбазли катта хона, бурчакларида

миноралари бўлган даҳлиз қурилганлиги ёзилган. Бинонинг қадимий қисми ичкарида қолган, ривоятларга кўра Чашмаи – Қудуқ Айюб пайғамбар қадам жойидир.

Ривоят қилишларича Айюб пайғамбарлар ичида энг бадавлати бўлган. Айюб пайғамбарнинг танаси йиринглаб қуртлаб кетади. Буни кўрган қишлоқ аҳолиси Айюбни қувиб солади. Аёли унга егулик олиб келадиган бўлади. Кейинчалик қишлоқ аҳли аёлини ҳам қўйишмайди. Нима қилишини билмаган аёл иккита нонга (битта бойнинг қизи кал бўлади) сочини кесиб беради. Шунда шайтон кўрдингми аёлинг номақул ишлар қилиб сочини кесишгача борди деб айтади. Айюб пайғамбарининг танасини қурт еб тилига келади. Шунда у Оллоҳга илтижо қилади, агар тилимни қурт еса сенга шукрона айтолмайманку дейди. Шунда Оллоҳдан садо келади товонингни ерга ур, у уради ва шу ердан булоқ отилиб чиқади. Айюб булоқда ювиниб илгарги холатига келади. Шунда битта қурт сувга тушиб зулук бўлади, иккинчи қурт дарахтга тушади ва ипак куртига айланади, учинчиси учиб кетади ва асал арига айланади. Айрим маълумотларда 18 йил, айримларида 48 йил, азобда ётади дейилган.

Ўзбекистон сўмининг *беш сўмлиги* марказий банк томонидан 1994 йил чиқарилган. Олд томонида меҳроб ислимий нақши ва ислимий нақшлар билан безатилган, марказида Бухоронинг меъморий обидаларидан Минораи калон акс эттирилган, унинг тепасига давлат герби ва иккала томонида афсонавий қуш рамзий маънода тасвирланган. Афсонавий қуш, бахту-иқбол рамзи ҳисобланади. Шунинг учун Хумо тасвирини қадимдан амалий санъат турлари наққошлик, ганчкорлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилик, кулолчилик каби турларида, ҳамда меъморий безакларида рамзий ҳамда тумор сифатида фойдаланиб келганлар.

Минораи калон Арслонхон минораси (Бухоро, 1127)- пойдевори тош ва махсус қир қоришмасидан терилган асосининг диаметри 9 м, баландлиги – 50,0 м, курсисимон қиррадор, танаси цилиндрсимон бўлиб, мезана – кафасаси кўшк билан боғланган, ўзаги ва беаги чорси ғиштдан, ганчхок

лойида терилган. Безаклар орасига куфи услубида ёзувлар битилган. Безакларда ўзига хос услуб акс этган. Миноранинг ичида 104 пиллапоя айланма зинаси, мезанасида 16 та дарчаси бор. Масжиди Калон томон минорага ўтувчи кўприкча бўлган.

Миноранинг қурилиши тарихи жуда қизиқ. Ривоят қилишларича, Бухоронинг марказий минораси кулаб тушади. Муҳаммад Арслонхон ўша миноранинг ўрнида янгисини қуришга фармон беради. Янги минора баландлиги ҳам, улуғворлиги ҳам ягона бўлиш керак эди. Лекин бундай бино қуришга талабкор хадеганда топилавермайди. Нихоят, бир муҳандис-уста бу юмушни бажаришга истак билдиради. У хондан Мовароуннахрдаги барча оқ туяларнинг бир кундалик сутини ва оқ товукларнинг бир кундалик тухумини жамлаб келтиришларини сўрайди. Дархол фармон берилади ва тезда бу амр вожиб бўлади. Уста туя сутини билан тухум оқи қўшилган қоришмасида оқ харсанг тошлардан миноранинг пойдеворини тиклайди. Қурилиш тез муддат ичида тугалланади. Бу улуғвор буюк минорани хон, аъёнлар, ўша пайтда хозир бўлган хитой элчилари ҳам ҳамма бир овоздан «Боқий минора» деб атади. Арслонхон муҳандис-устага қимматбаҳо тухфалар инъом қилади ва унга Бақо деган хос лақаб беради. Шу-шу тарихчилар Арслонхон минораси меъмори исмини ўз тарихномаларида Бақо, деб ёзишади

Орқа томонида Мустақиллик даври ҳайкалтарошлик санъатининг маҳобатли турида ишланган илк тарихий асарлар сифатида пойтахтимизнинг Миллий боғида ўрнатилган улуғ шоир Алишер Навоий образига аталган ёдгорлик туширилган. Э. Алиев, Н. Банделадзе, В.Дегтяровлар томонидан 1991 йилда яратилган. Миллий боғнинг энг сўлим гўшасидан ўрин олган Алишер Навоий ёдгорлиги шарқона яратилган. У боғнинг энг баланд қисмига жойлаштирилган бўлиб, унинг атрофини миллий услубда барпо қилинган қовурғасимон гумбазли айвонча ва кўкламзор боғ ўраб туради. Бронзадан ясалган ҳайкалда фозиллик аломатлари ўз ифодасини топган. Рамзий маънода барпо этилган меъморий унсур эса, шоирнинг маҳобатли қиёфасини

янада жонлантиради. Ҳайкал ишланиш услубига кўра, умумлашма тарзда амалга оширилган. Яъни, майда деталлар ўрнини умумий яхлит қисмлар камраб олган. Ҳайкалдаги майда деталлар фақат кўкракдан тепа қисмида, либослар харакатида ва юз қиёфасида қўлланилган. Шоирнинг ўнг қўлида хасса билан тасвирланиши уйғунлашган харакатни юзага келтирган. Биргина ушбу детал орқали Ҳайкалтарош образдаги турли маъноларни очиб беришга харакат қилганлар. Бу маъноларнинг айрими узок масофага тегишли бўлиб, кексалик аломатига ифодавий воситадир. Томошабин узок массофадан туриб, шоирдаги кексалик аломатини хасса воситаси орқали идрок этади.

Навоий образини яратиш кўплаб Ҳайкалтарошларини қизиқтириб келган. Бугунги кунда ҳам Навоий образига мурожат этиш Ҳайкалтарошлик санъатида тўхтаганича йўқ.

Миллий валютанинг *10 сўмлигида* Хива наққошлик мактабига хос саккиз бурчакли нақш берилган. (саккиз қиррали юлдуз, мустаҳкамлик, “Икки дунёнинг обод бўлсин дегани”). Орқа томонида Амир Темур мақбараси, Гўри Амир – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (14 аср охири-1405 й.). Халқ орасида Гўри Амир ёки Гўри Мир (Мир Саййид Барака) деб номланиб келинади. Мақбарага темурийлар сулоласига мансуб кишилар (Амир Темур, унинг пири Мир Саййид Барака, ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ ва Шоҳрух, мирзолар набиралари Муҳаммад Султон, Улуғбек ва б.) дафн этилган. Мақбаранинг чартоқ тарҳли зиёратхонаси баланд тоқи-равоқли, тепаси ёзув ҳошиялари ва ички гумбаз билан қопланган. Ташқи гумбази 64 қовурғали. Баланд пойгумбаз (15м, бал. 12,5 м)га ўрнатилган. А.Темур саҳнасига қўйилган кўк нефрит қабртошини Улуғбек Мўғулистонга қилган юриши вақтида олиб келган. Тошдаги лавҳада Темурни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажарасига ҳамда марсиялар ўймақори ёзувларда биилган. Зиёратхонадаги қабртошларнинг ҳар бири юксак санъат асаридир. Мақбаранинг мутаносиблик нисбати,нақшлари турли безаклари катта моҳорат билан бажарилган. Ташқи пештоқ дарвозасининг тепасида меъмор уста “Муҳаммад бинни Маҳмуд ал-банно Исфажоний” номи сақланган.

Кейинчалик мақбара бир неча бор таъмирланди, гумбази қайта тикланиб, хонакоҳ ва мадраса қолдиқлари қовлаб топилди, ички ва ташқи безаклар таъмир этилди. 1941 йилда мусулмон одатига зид равишда Амир Темур ва Улуғбек қабрлари очиб текширилиб, улар руҳлари безовта этилди. Меъморий мажмуада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан 1991-1996 йилларда таъмир ишлари олиб борилди.

Ўзбекистоннинг 25 сўмлиги Марказий банк томонидан 1994 йил чиқарилган. Олд томони давлат герби ва гирих нақшлар билан безатилган. Орқа томонида Шоҳи Зинда мақбараси акс этирилган. Шоҳи зинда ансамбли (Самарқанд, XI - XX асрлар) Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралардан ҳамда, масжид, минора ва мадрасадан иборат. Уларнинг энг қадимийси Қусам Ибн Аббос мақбараси бўлиб, халқ орасида Шоҳи зинда (Тирик шоҳ) номи билан машҳур.

Тарихий манбалардан олинган маълумоларга кўра, Муҳаммад пайғамбаримиз(с.а.в.) амакиваччаси Қусам ибн Аббос арабларнинг илк кўшинлари билан бирга Ўрта Осиёга келган ва милодий 676- 677 йилда қатл этилган. Бу воқеалардан салкам тўрт аср ўтгач, Афросиёбда унга мақбара қурилади, шундан буён, мана, ўн асрдирки, бу барча мусулмонларнинг зиёратгоҳига айланган.

Қусам ибн Аббоснинг ўлими тўғрисида кўплаб ривоятлар юради. Эмишки, Қусам ибн Аббоснинг боши танасидан жудо қилингандан кейин у бошини кўлига олиб, чуқур кудуқ орқали ер ости саройига кириб кетган ва у ерда охиратгача яшар эмиш. Шунинг учун бу зиёратгоҳ «Шоҳи Зинда» яъни «Тирик Шоҳ» дейилади.

Давлатимиз сўмининг 50 сўмида Регистон ансамбли акс этирилган. 1417-1660 йилларда Самарқанднинг Регистон майдони қурилган. Меъморий ёдгорликлар мажмуаси, Улуғбек мадрасаси, Тиллакори мадрасаси, Шердор мадрасасидан иборат. Ўрта Осиё меъморчилиқ санъатининг муъжаз намунаси.

Ўзбекистон сўмининг юз сумлиги Ўзбекистон республикаси марказий банки томонидан 1994 йил чиқарилган. Сўмининг олд томонида гўзаллик рамзларидан товус нақший безакларда акс эттирилган ва Амударё хазиначиларидан бири олтин билагузук, ҳамда, давлат герби тушурилган.

Сўминимизда акс эттирилган олтин билагузук эрамиздан аввалги 5-4 асрларга таълуқли. Бу буюм аҳмодийлар даврида Ўрта Осиё санъатининг ўзига хос жиҳатлари кўринадди. Улар торевтика ва заргарлик санъатига тегишлидир.

Орқа томонида Истиклол санъат саройи расми туширилган. Тошкент шаҳридаги маданият марказларидан бири; турли тадбирлар ўтказиш, концертлар беришга мўжалланган. 1981й.да очилган(меъмори Е.Букина, С.Одилов, Е.Суханова, Ф.Турсунов, В.Шестопалов, Е.Шумов ва б.). Бино қиёфаси ва безакларида миллий меъморликка хос бўлган муқарнасга ўхшаш шакллардан фойдаланилган; бинони безашда маҳаллий хом ашёлар, Нурота ва Ғозғон мармарлари ишлатилган. Вестибюль табиий тошлардан ишланган “Халқлар дўстлиги”, “Байрам”, “Гуллаган ўлка” мозаикалари (рассом А.Бухорбоев) билан безатилган. Президиум зали гобелен(рассом Б.Жалолов), томоша зали “Санъат” мозаикаси (рассом В.Бурманин, Р.Немировский), ёғоч ўймакорлиги (уста Қ.Ҳайдаров, О.Файзуллаев), банкет зали безаклари (рассом Ж.Ҳақимов, А.Исҳамов), ён деворлари сопол лаганлар (рассом А.Кедрин) билан зийнатланган. Феруза рангли улкан кошинкори (Тошкент чинни заводида тайёрланган) девор сарой интерьерига алоҳида жозиба бахш этган.

Ўзбекистон сўмининг 200 сўми марказий банк томонидан 1997 йил чиқарилган. Олд томонида давлат герби рамзи ва ислимий нақшлар билан безатилган, яна саккиз қиррали юлдуз берилган, бу саккиз қиррали юлдуз гербда ҳам акс этган бўлиб, бу эса Ўзбекистон давлатининг озодлиги рамзидир.

Орқа томонида Шердор мадрасасининг рамзий нақши шер акс эттирилган. Шердор мадрасасини 1916 йили Ялангтўш Баҳодир қурдирган. «Ялангтўш кудратининг рамзи мадраса равоғида қараб турган икки қуёш тагида

оҳуларга ҳамла қилаётган шерлар тимсоли ифода этилган. Мадраса Самарқандлик меъмор Абдужаббор лойихаси бўйича 17 йил давомида қурилган, уни меъморий безак устаси Муҳаммад Аббос зийнатлаган». Шердор мадрасаси XVII асрнинг биринчи ярмида, яъни 1619-1636 йилларда қурилган, мадраса икки қаватлидир. Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёнига гулдаста ишланган. Пештоқ ичкарасига қошинкори безак орасида қора заминли қошинга оқ харфлар билан меъмор Абдужаббор номи ёзилган. Мадраса пештоғи симметрик қилиб рамзий нақшлар билан безатилган, қизғиш – зарҳал Шер нозик охуни қувиб кетаётгани тасвирланган. Одам қиёфали Қуёш эса зарҳал ёғду билан хошияланган. Уларнинг атрофига нақшу нигорлар чизилган. У ўз халқи учун сармоясини аямади. Ватанпарвар инсон узокни кўзлаб, халқни зиё(илм) олишга ундайди. Зиё орқали инсонларнинг рухий покликка, рухий поклик орқали комилликка эришади, деган фалсафий фикрни илгари суради. Шунинг учун меъмор Абдужаббор бўлажак мадраса пештоғига гўзалликни акс эттиришни мақсад қилиб қўяди. Чунки, атроф муҳит ҳам гўзал бўлишга ундаши керак. Иккинчидан, дейди Ялангтуш Баҳодир, бу тасвир орқали инсонларни зиёли бўлишга, учинчидан «Менинг ҳаққимда, яъни нақш тили билан яшаган давримни ҳамда менинг суратимни ва сийратимни баён этгин» деб, меъмор Абдужаббор олдига вазифа қўяди. Меъмор Ушбу вазифани етук наққошлар гуруҳи билан маслаҳатлашиб, ажойиб, мукамал композиция тузади ва ўз олдига қўйилган мақсадга эришади.

Ўзбекистон сўмининг *500 сўмлигига* бир назар ташланса Марказий банки томонидан 1999 йилда чиқарилган бўлиб, олд тамонига давлатимиз герби ва наққошлик санъатига оид геометрик ва ислимий нақшлар берилган. Ҳамда, гўзаллик рамзлари бўлмиш товус ва оҳулар акс эттирилган. Орқа тамонига эса мустақилликнинг илк ёдгорликларидан бири Тошкент марказидаги хиёбонда ўрнатилган Амир Темурнинг отда миниб турган ҳайкали туширилган. Амир Темур отда миниб турган ҳайкали 1993 йил И. Жабборов томонидан ишланган.

Реалистик услубда ишланган мазкур монументда кучли пластик харакатлар кўзга ташланади. Амир Темурнинг жўшқин ички хиссиёти отнинг бироз бадийлаштирилган кўриниши билан бирлашиб, унинг композицион тузилишини мукаммаллаштиради. Ҳайкал , шаклан бетакроп ва майда безакли унсурлар билан бойитилган. Темурнинг бу отлик ҳайкали 2.м ли таккурсига ўрнатилган бўлиб, унга “Куч адолатдадир” хикмати битилган И.Жабборов мазкур асарини, “Юртга қайтиш”, “Панд-насихат” ғоялар асосида яратилганлигини таъкидлайди. Монументда гўёки душманларни енгиб, жанг майдонидан пойтахтга кириб келган Соҳибқирон фуқароларга бундан буён давлат хавф- хатардан холи бўлгани, тинчлик ва фаровон ҳаёт бўлажagini эълон қилинаётгандек тасвирланган. Соҳибқироннинг рухий ҳолати юзида, ундаги имода яхши ифодаланган. Амир Темур даврида давлатчилик , санъат ва маданият, асосан меъморчилик мисли кўринмаган даражада юксалган эди. Мустақил давлатимизда ва маданиятга бўлган ижобий эътибор туфайли Соҳибқирон қиёфаси акс этган ҳайкаллар Самарқанд, ва Шахрисабзнинг марказий майдонларига ҳам ўрнатилган.

Ўзбекистон сўмининг *минг сўмлик пулига* назар солинса Марказий банки тамонидан 2001 йил муомилага чиқарилган. Олд томонида давлат герби ва ислимий нақшлар билан безатилган, ҳамда, Ўзбекистон озодлиги рамзида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган.

Орқа томони ҳам нақшлар билан безатилган бўлиб, асосан Темурийлар тарихи Давлат музейи олд кўриниши акс эттирилган.

Амир Темур хиёбонининг шимолий ғарбида қурилган Темурийлар тарихи Давлат музейида(1995 йил, А. Турдиев) Миллий боғдаги Алишер Навоий ҳайкали жойлашган, айвончанинг янгича талқиндаги ҳолатини кўриш мумкин. Гўри Амирнинг қовурғасимон гумбази музейда яна бир бор ўз ифодасини топган. Бинонинг гумбази ва қамраб турувчи 20 устунли айвони анчагина кенгайганлиги билан ажралиб туради. Гумбазнинг баландлиги 30 метр, диаметри 24 метрни ташкил этади. Музей гумбазининг ички қисмига Самарқанднинг Регистон майдонидаги Тилла-Қори мадрасаси

сингари кундал услубидаги мовий ва тилла рангларга бўялган ганчкор ислимий нақшлар берилган. Музей зали ва иккинчи қаватдаги галерия сайқалланган оқ ва оч-кулранг мраморлар билан қоплаб чиқилган. Музейга кираверишдаги девор саҳнида Амир Темур ва унинг давлатини улуғловчи уч қисмли миниатюра услубидаги маҳобатли деворий тасвир ишланган. Музейнинг шакл-безаклари юқори маҳорат билан бажарилган бўлиб, вилоятлардаги халқ усталарининг миллий услубда қурган иморатларини эсга солади. Мустақиллик даврининг халқ услуби шу жиҳатлари билан Темурийлар музейида ўзини тўла намоён этган (Темурийлар музейи Гиннес рекордлар китобига киритилган).

1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Шу йили Вазирлар маҳкамаси “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигининг нишонлаш тўғрисида”ги Қарор ва фармойишларини қабул қилди. Ушбу қарорларга кўра, Соҳибқироннинг она юрти Шаҳрисабзда ва марказлашган давлатнинг пойтахти Самарқанд шаҳрида унга атаб ёдгорликлар яратилди.

Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали ҳайкалтарошлар И.Жабборов ва К.Жабборов томонидан яратилган.

50 сўм тангага Шаҳрисабзда қад ростлаган ҳайкали рамзи туширилган. Ҳайкалнинг постаменти ҳажми 7 м, ёдгорлик 8 м да. Соҳибқирон, ўз тасарруфида бўлган ҳудудини ҳар галгидек назоратидан ўтказаетгандек кўринишда барпо этилган. Постаментдан ўрин олган чўққининг рамзий ифодаси орқали илғаб олиш мумкин. Ёдгорликнинг баланд пойдеворга ўрнатилиши унинг улуғворлик даражасини оширади ҳамда мавқе даражасини яққолроқ ҳис қилишга ёрдам беради.

25 сўм танга - 1999 йилда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигига бағишлаб чиқарилган. Бунда Ж.Мангуберди тасвири бўртма рельеф шаклида берилган.

Жалолиддин Мангуберди портретини 1997 йил рассом Тўра Қурязов яратган Бунда рассом Ж.Мангубердини жанговор ҳолатида тасвирлаб, уни Хоразм воҳасининг довбюрак ўғлони эканлигини орқа пландаги Хива

минораларида акс эттирган. Тарихий хотира - халқ маънавиятининг асосидир. Ана шу буюк асосда, маънавий мулкимиз учун бутун ҳаётини Ватан озодлиги, халқ бахт-саодатига бахшида этган буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди туради. Бу довурак ватан ҳимоячиси хотирасини абадийлаштириш мақсадида ҳам 1998 йилда яна бир ҳукумат Қарори қабул қилинди. Шунга асосан Хоразмда Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги барпо этилди. Юртбошимиз И.А.Каримов Жалолиддиннинг тимсоли ҳақида сўз юритиб: - “Тоғнинг устида бургутдай турсин ...” – деган эдилар. Яратилган асар бу талабга жуда мос тушади. Чингизхондек ёвуз босқинчига қарши курашда мисилсиз матонат, жасорат намуналарини кўрсатган Хоразмшоҳлар сулоласидан Жалолиддин Мангубердининг ана шундай мард қиёфасини яратиш устида ўнлаб ҳайкалтарошлар ўз лойиҳаларини яратдилар. Аммо, ҳайкалтарош И.Жабборовнинг яратган Жалолиддин образида миллий қаҳрамон сиймоси аниқроқ талқин қилинганлиги мутахассислар томонидан эътироф қилиниб, мазкур лойиҳа асосида ёдгорлик барпо этилди.

1994-1998 йил чиқарилган 1, 3, 5, 10, 20,50 тангаларда олд қисмида ўнг ва сўл томонида миллий болигимиз пахта чамбари тасвири туширилган орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби туширилган. Давлат герби 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

2000-2001 йилда чиқарилган тангаларда Ўзбекистон харитаси ва герб тасвирланган.

«ПУЛ» - вақтинча тузилган монопол бирлашма. Хўжалик мустақиллигини юзаки сақловчи «ПУЛ» иштирокчилари ҳаражат ва фойдаларни олдиндан келишилган қонун - қоидалар орқали биргаликда бўлиб олишади.

Хулоса қилиб айтганда сўмда акс этирилган рамзлар, эрамиздан аввалги 5-4 асрларда ҳам амалий безак санъати ривожланганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Наққошлик дарсларида рамзийликка оид билимларни ривожлантириш методикаси

Халқлар тарихи, қадриятлари, илм-фани, маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳимдир. Ҳозирда тарихий имконият пайдо бўлдики, буюк маданиятлар, яъни, қадимий мерослар томирларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак.

Таълим ва тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият ҳисобланиб, унда ўқитувчи-мураббий талабаларни комил инсон қилиб етиштиришда ҳар томонлама, яъни педагогик, психологик, маънавий, маърифий таъсир кўрсатиши лозим бўлади. Маълумки наққошлик, ёғоч ўймакорлик, мисгарлик ва бошқа шу каби ҳунар турларини ёшларга ўргатишда “Нақш турлари ва унинг рамзий маънолари мавзуси бор. У Олий таълим муассасаларида наққошлик бўйича талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шакиллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Бу мавзу бўйича дарсни ташкил этиш ва ўтиш методикаси қуйидагича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.”

Мавзу: Нақш турлари ва уларнинг рамзий маънолари.

Дарсинг мақсади:

1.Таълимий мақсади: Талабаларга нақш турлари ва уларнинг рамзий маъноларини ўргатиш.

2.Тарбиявий мақсади: Талабаларга нақш турлари ва уларнинг рамзий маъноларини ўргатиш орқали эстетик, ахлоқий тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи мақсади: Талабаларда миллий нақш турларини ва миллий рамзларга оид билимларини ривожлантириш ҳамда фалсафий фикрлашини шакиллантириш.

Дарсинг услуби:

1. Маъруза.
2. Савол – жавоблар.
3. Мисоллар.

4. Тест ечиш.

5. Шакллари: жамоа бўлиб ва якка тартибда.

6.Ўқув воситалари: Электрон кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар.

7. Кўникмалар: Нақш ва уни турлари ва уларни рамзий маъноларини билиш кўникмасини шакллантириш.

8. Назорат: Оғзаки (тест савол - жавоб)

9. Дарсни олиб бориш учун ўқитувчи учун керакли материаллар:

1 Меъморий обидалар ва уларни безаклари. Нақш турлари ва нақш элементларига оид видеофильм.

2 Рамзийликка оид электрон кўргазма қуроллар ва плакатлар.

10. Талаба учун: Дафтар, қалам ва ручка.

11. Фанлараро боғлиқлик:

1. Геометрия фани билан боғлиқлиги. Геометрия шаклларининг кўриниши.

2. Биология ва зоология фанлари билан боғлиқлиги. Қуш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, уларнинг тузилиши ва ранглари.

Дарс мазмуни: Нақш ва унинг тарихи. Нақш турлари ва уларнинг тузилиши. Рамзий нақш элементлар. Наққошларнинг асарларини бадий таҳлил қилишга ўргатиш.

Дарсининг бориши:

Нақшлар буюмга, деворга ёки бирор жойни безамасин ўзига хос услубига, технологиясига ва мазмунига эга бўлади.

Нақшнинг ўзи нима? Унинг қандай турлари бор? Нақш тили деганда нимани тушунасиз?

Нақш - арабча тасвир, гул деган маънони англатади. Қуш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа элементларни маълум тартибда такрорланишдан ҳосил қилинган безакдир. Ганчкорлик, кандакорлик, каштадўзликда, зардўзлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш, ёғоч ўймакорлик ва ҳоказоларда ҳар хил йўллар билан нақшлар ишланади.

Маслан: ўйиб, чизиб, чок ёрдамида, зарб билан қадаб ва бошқа усулларда нақш солинади.

Наққошликда ишлатиладиган нақшлар мазмунига кўра-ўсимликсимон, геометрик, гулли гирих, рамзий ва бошқа турларга бўлинади.

Ўсимликсимон нақш: табиатдаги барг, банд, дарахт, бута, ғунча ва бошқа нарсаларни наққош томонидан стиллаштириб олинган шаклини маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинган. (1,а-расм).

Геометрик нақш турларидан бири гирих бўлиб чигал, тугун маънони англатади. Хандасий нақш мураккаб нақш тури. Геометрик нақш мураккаб нақшдан бири бўлиб тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлардан кўпбурчаклардан иборат бўлади. Тузилиши жиҳатидан тўғри чизиқ ва аралаш чизиқлардан ташкил топган гирихга бўлинади. Геометрик нақш узлуксиз рапортлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир рапорт ўз тузилишига эга бўлади. Европада арабеска деб юритилади.

Гулли гирих: ўсимлик ва геометрик нақш элементларидан ташкил топган. Унинг элементига юқорида санаб ўтилган геометрик ва ўсимликсимон нақшлар киради.

Рамзий нақшлар: эса кабутар, шер, балиқ, давлат герби ва бошқаларни стиллаштириб тасвирланган нақш элементларидан ташкил топган.(1,б-расм)


Биноларни нақшлар билан безаш борасида қадимги фозилу фузалоларнинг айтган фикрлари, ҳунар ўрганиш борасида жуда кўп асарларида ёзиб қолдирганлар.

Масалан, XVI асрда яшаб ижод этган тарихчи Зайнуддин Восифий ўзининг “Бодом - ул вақос” асарида Алишер Навоий билан Камолиддин Беҳзод орасидаги бир қизиқ воқеани келтирган. Унда наққошнинг асарини Алишер Навоий ўз атрофидаги мулозимлари билан бирга томоша қилиб, фикр-мулоҳазаларини айтаётган парча ёритилган.


Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган нақшга боқиб, Алишер Навоий завқ-шавққа тўла кўнгилдан қуйидагиларни айтади: “Эй наққош! Сен келиб хонамизни безатдинг. Вақтинг хуш бўлсин, зероки, бизни бағоят хушнуд

этдинг.” Сўнгра Мир мажлисда ҳозир бўлганларга қараб дейди:
“Азизларнинг хотирига бир муҳим саҳифа таърифи ва тавсифи учун нималар
келди? Мир (Алишер) нинг устози ва Хуросон аҳлининг машҳур
(киши)ларидан бўлган Мавлоно Фасихиддин (бундай) дейди:

- Махмудлар! Кўз олдимдаги бу очилган раъно гулларни қўл чўзиб узсам-у,
дасторимга санчсам!?



1-расм. А) Рамзий нақш қисмлари



1-расм. Б) Рамзий нақшлар қисмлари

Мир (Алишер)нинг дўсти ва улфати Соҳиб Доро (бўлса):

- Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо, кўл чўзсам, дарахтлар устидаги кушлар хуркиб, учиб кетмасин деб андиша қилдим, - дейди..."

Айниқса Амир Темур шаҳарларни ҳар томонлама чиройли нақшлар ва улуғвор бинолар билан безашга интилган бўлиб, тош ҳамда ғиштлик йўллар,

кенг ва равон кўчалар қурдирган. Кўчаларда турли хил ҳунармандлар учун дўппичилик, мисгарлик, заргарлик, бешикчилик, пичоқчилик, бўйрачилик, саватчилик, гиламчилик расталари мавжуд бўлган. Расталарнинг ёнма-ён жойлашганлиги харидорларнинг ишларини анча енгиллаштирган.

1404 йилда Шаҳрисабздаги Темур саройида бўлган Испания қироллигининг элчиси Рюи Де Гонсалес Клавихо ўз кундаликларида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Мен подшонинг амри билан қарийб 20 йилдан бери қурилаётган катта бир саройни кўрдим. Бу саройнинг кириш жойи жуда узун бўлиб, пештоқи жуда баланд эди. Кириш жойининг ўнг ва чап томонлари турли хил нақшлар билан безатилган эшикдан силлиқ қилиб қурилган арklar қад кўтариб турибди. Кенглиги 300 қадам бўлган катта ҳовлидан сўнг, подшонинг тахти ўрнатилган залга киришдаги баланд ва катта эшик кўринади. Эшик олтин ва зангори ранглар билан безатилган, кошинлари жуда ҳам нафис ишланган. Эшикнинг устида энг ўртада қуёшда ўтирган шер тасвири туширилган, четларида ҳам худди шунақа - бу Самарқанд шаҳрининг гербидир. Бу эшикдан тўғри квадрат шаклида қурилган саломхонага кирилади. Бу хонанинг деворлари олтин ва зангори бўёқлар билан безатилган, кошинлари силлиқланган, шифти эса бутунлай зархалланган.

Ховлида жуда кўп мевали ва сояли дарахлар мавжуд. Унда кўпгина ховузлар ва боғлар бор. Бу боғни кўрганингизда, ёз пайтлари дарахтлар соясида жуда кўпчилик рохатланиб дам олиши мумкин экан, деган фикр келади.” Эсдаликларнинг давомида Рюи Де Гонсалес Клавихо шундай ёзади: “Сарой ичи жуда гўзал кошинлар билан қопланган, бундай қилинишига сабаб, подшонинг шу ерда бўлган пайтида одамларнинг ўтириши учун эди.” Клавихо мана шу гўзал кошинлар устида юрган, унинг гўзал нақш ва безакларидан завқланган ва бизга ўзининг ажойиб эсдаликларини қолдирган шахсдир. Шундан бери қарийб 500 йил ўтди, аммо бошқа ҳеч ким ҳақиқатан бу гўзал шох қасри ва унинг хоналарининг қай тарзда бўлганлигини, нозик ва нафис тилла югиртирилган эшиклар чет эллик элчини ҳайратлантирган

кошинларни кўришга муяссар бўлмади. Бунчалик нафис санъат намунасини кўрган Клавихо ҳам, энг машҳур Париж усталарининг ишидан кўра бу ишлар жуда гўзал деб тан олишга мажбур бўлган.” [20. 18,б]

Ота-боболаримиз қадимий обидаларини нафис нақшлар билан безар эканлар, улардан завқ олиш билан бир қаторда улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини, тилаklarини қўйганлар. Наққош ота-боболаримиз инсон руҳиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиб, уйларни ажойиб нақшу нигорлар билан бойитганлар. Нақшлардан уйда кишилар хотиржам, руҳий осойишталик оғушида бўлиши, узок умр кўришини донишманд боболар асрлар давомида ҳаётий тажрибалар асосида илғаганлар. Кекса усталаримиз айтишича, қадимда наққошлик санъати шунчалик ривожланган эканки, улар чизган ёки бўяган нақшлари орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олар эканлар. Наққошлик санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир унсури ва рангларнинг рамзий алифбосини билмоқ керак бўлган.

Амир Темур, Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Камолиддин Беҳзод, Маоний, Фирдавсий, Умар Хайём, Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва наққошлар бинолар кишилар ҳаёлини ўзига тортувчи, табиатнинг гўзал манзараларига монанд нақшлар билан безашга чақирганлар. Кишиларни гўзаллик билан яқин дўст, биродар бўлишга ундаганлар.

Чунончи, Самарқанднинг эски шаҳар маркази, яъни Регистонда савлат тўкиб турган Шердор мадрасасига бир назар солайлик. Унинг пештоқлари, баҳайбат гумбазлари ва чиройли миноралари, ранг-баранг сирли кошинлари ҳамда нафис, ҳашаматли, дабдабали ишланган жимжимали қопламаси кишини ҳайратга солади. Ушбу мадраса бошқа меъморий ёдгорликлар сингари ўз мазмунига ва тарихига эга.

Бухородаги Аштархонийлардан Муҳаммад Имомқулихон даврида хоннинг энг ишончли ҳамда яқин киши, яъни Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий Баҳодир ниҳоятда бойиб кетгандан сўнг, Самарқанд Мирзо

Улуғбек номидаги мадрасанинг қаршисида 1629-1636 йилларда замонасининг, мўъжизаси ҳисобланган Шердор мадрасасини қурдирган. Бу ажойиб бино шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб, барча шоиру-олиму, уламо-ю фузалолар ва шаҳар халқининг олқишига сазовор бўлади. Ялангтўшбий Баҳодир меъмор Абду Жаббор олдиға ҳеч бир нарсада ўзининг улуғ аждодларидан қолишмаслигини нақшлар орқали халққа етказиш вазифасини қўйган. Санъат калитини эгаллаган машҳур меъмор ўз олдиға қўйилган фалсафий фикрни нақш тили билан халққа унсиз овозда етказа билган. Шердор мадрасасининг бош фасади жозибали чиққан бўлиб, унинг пештоқи мутаносиб (симметрик) қилиб рамзий нақшлар билан безатилган, қизғиш зарҳал йўлбарссимон шерлар нозик охуларға қувиб етиб ташланаётган ва уларнинг ортидан қулиб турган одам қиёфали қуёш эса зарҳал ёғду билан хошияланган. Уларнинг атрофларига ислимий нақшу нигорлар ишланган.

Тасвирда эпчил, кучли, енгилмас шер рамзий маънода Ялангтўш Баҳодирға ишора қилинган, унинг муқояси қилиб кучсизлик рамзи тариқасида оху тасвирланган. Қуёш эса ўша давр ва ҳаёт рамзи тариқасида олинган. Зангори рангли кошинлар орқали коинотни ва тинчликни, нозиклик ўсимликсимон гул нақшлар орқали боғу бўстонни, табиатни акс эттирган.

Биноларни безашда қадимда одамлар нақшларнинг таъсирчанлигини кучайтириш учун Қуръони Карим, ҳадис, улуғ алломалар, халқ ҳикматларини араб ёзувида шундай тасвирлаганларки, унинг ҳам нақш, яъни безак ролини ҳамда шиор ролини ўтаганиға қойил қолади киши. Хўш наққошликда рамз нима? - у арабча “ишора қилмоқ” сўзидан олинган, табиатни, воқеликни ҳаётдан қувонч ва ташвишларни, дўст ва душманларни, яхшилик ва ёмонликни нақш элементлари, жонли чизиқлар, ранглар орқали тасвирлашдир.

Ўзбек миллий нақш тили алифбоси билан танишиб чиқамиз. Улар қуйидагилардан иборатдир:

Геометрик нақш элементларининг рамзий маънолари.

Тенг томонли учбурчак - тик турган ҳолати ҳаётни бошланиши, тескари турган ҳолати ҳаётнинг охирини билдиради.

Тенг ёнли учбурчак - яхлит бўлинган бўлак, айрилиқ.

Тенг томонли тўртбурчак - дунёнинг тўрт томони, осмон саройи, қуёш фарзанди, абадийлик.

Тўғри тўртбурчак - ишонч.

Ромб - аёл, яъни она ер рамзи, серфарзандлик.

Айлана - олам, бахт, қуёш, одамларни ёвуз ниятидан қайтариш рамзи.

Беш қиррали юлдуз - ҳаётнинг қисқалиги, беш кунли дунё.

Ярим айлана - бахт.

Ярим ой - ислом дининг ифодаси. Мусулмонлик рамзи.

Ўнг свастика - абадий ҳаракат, ўсиш, кўтарилиш.

Чап свастика - тескари ҳаракат бузилиш.

Қуёш - ҳаёт рамзи.

Булут, олов - Голиблик рамзи.

Ислимий нақш элементларининг рамзий маънолари

Бодом - бахт, иқбол.

Барг - баҳорги уйғониш

Қалампир - ҳар хил ёмонликлардан ва ёмон кўздан асраш рамзи.

Зирк гули (Гулсафар) - осойишталик ва умр узоқлиги.

Анор - эзгулик, тўқчилик, тўкин сочинлик.

Ойгул - бахт, иқбол рамзи.

Жингала - тўкин сочинлик, бойлик рамзи.

Олма - муҳаббат рамзи.

Новда - бойлик ва фарвонлик.

Япроқ - тўқчилик, баҳорги уйғониш, наврўз.

Исирик - ёмон кўздан асраш рамзи.

Атиргул - гўзаллик рамзи.

Қуш ва ҳайвонларнинг рамзий маънолари

Шер - мардлик ва жасорат ва кучлилик рамзи.

Тулки – маккорлик.

Чумоли - донолик, хоскорлик рамзи.

Булбул – садоқат.

Хумо - бахт келтирувчи куш.

Бойқуш - хушёрлик рамзи.

Сичқон - уй ҳайвонларининг кўпайиш рамзи.

Эчки - жасурлик, мардлик, покизалик рамзи.

Оқ кабутар - тинчлик.

Оху - гўзаллик, ҳимоясизлик, нозиклик.

Рангларнинг рамзий маънолари

Яшил ранг - она табиат рамзи

Кўк ранг - мовий осмон, тинчлик ва ёмон кўздан асраш рамзи.

Қизил ранг - хурсандчилик, шодлик.

Сариқ ранг - муқаддаслик.

Қора ранг - мотам.

Сариқ гул - айрилик.

Зангори - олий эътиқод.

Оқ ранг - тозалик, ёруғлик, бахт ва омад рамзи.

Аждодларимиз рангларнинг ҳамма хусусиятларини яхши билганлар. Улар атрофимизни ўраб турган табиат рангларига шайдо бўлганлари учун зангори, ложувард ва яхши рангларни айниқса кўп ишлатганлар. Биноларнинг кошин ва паргин сирларини, офтоб нурида товланишини ҳамда атрофдаги ранглар билан боғланишини ҳисобга олиб, муносиб бўёқлар танлаганлар. Паргин ва кошинларда асосан ложувард, зангори, яшил, сариқ ва оқ ранглар ишлатилган. Улар осмон, ер, терилган пишиқ ғишт ранги билан жуда яхши бошлаган. Хар бир рангнинг мазмуни ва асосланган манбаи бўлади. Кўм-кўк, яъни ҳаво ранг ота бўёқ коинотни эслатади. Яшил ранг - она бўёқ ер юзидаги ям-яшил табиат рамзидир. Улар аралашмасида ҳосил бўлган ранглардан худди оналик ва оталик меҳри келиб турганидек туюлади.

Машқ. Наққошликда қўлланиладиган ўсимликсимон нақш унсурларини чизиш.

Техника. қора қалам билан ишлаш.

Материал: қоғоз ва қалам.

Ўлчам: Катак дафтари ўлчамида ёки расм варағи.

Бажариш босқичлари:

1. Катак дафтар варағи юзасини нақш унсурларини чизиш учун катакчаларга бўлиб чиқиш.
2. ўсимликсимон нақш унсурлари қуйидаги босқичда чизилади:
 - а) баргларни чизиш (оддий ва мураккаб барглар);
 - б) баргли гулларни чизиш (оддий ва мураккаб баргли гулларни чизиш);
 - в) гулларни чизиш (оддий ва мураккаб гуллар);
 - г) банд ва марғула, сиртмоқ, шукуфта, бофта, новда ва бошқа унсурларни чизиш.

Ўсимликсимон нақш қисмларини чизиш. Ўсимликсимон нақш қисмларини ўрганиш, маълум қонун-қоидалар асосида машқ қилишдан бошланади. Бунинг учун оддий қоғоз варағи, катак дафтар ёки расм дафтар, чизғич, қора қаламлар, оқ ўчирғичлар ва бошқалар керак бўлади.

Нақш қисмларини чизиш алифбосини қуйидаги босқичда амалга оширилади.

Қаламда қоғоз варағига дастлабки оддий шаклларни текис, равон, енгил, симметрик, динамик, тоза ва чиройли чиққунча машқ қилиш.

Расмда берилган ўсимликсимон нақш қисмларини қуйидаги гуруҳларга ажратиб чизишни машқ қилиш.

Ўсимликсимон нақш унсурлари

- а) Барглар: 1,2,3,4,5 - оддий барглар, 6,7 - қўшбарг, 8,9,10,11,12 – уч барг, 13 - кўп барг, 14-15 - тўртбарг, 16,17,18,19,20,21 - шохбарг.
- б) Гуллар: 1- тўрт япроқли гул, 2 - олти япроқли гул, 3 - беш япроқли гул, 4 - тўрт япроқли ойгул, 5,13 - беш баргли ойгул, 6,7 -тўрт баргли ойгул, 8,9,14 - уч баргли гул, 10,11,12 - пахта гул, 15 - писта гул, 16,17,18 - кўп баргли гул.
- в) ўунча.
- г) марғула: 1,2 - марғула, 3 - қуш марғула, 4 - куртакли марғула
- д) Таноб ва новда: 1 - таноб, 3,4 - новда.
- е) Шукуфта.
- ё) Бофта: 1 - эгри чизиқли бофта, 2 - тўғри чизиқли бофта, 3,4 - мураккаб шаклдаги бофта.
- ж) Боғлам ва сиртмоқ: 1,2 - боғлам,3-сиртмоқ.

Бу унсурларини чизишдан аввал берилганидек катак дафтарга чизғич ёрдамида қаламни қаттиқ босмасдан, енгил юргизиб лойиҳа катаклар чизиб, шу катакларга нақш унсурларини чизиш машқ қилинади. Тўр чизиқларнинг катта ёки кичиклиги нақш унсурининг ҳажмига боғлиқ. Оддий барглар чизиладиган тўр чизиқларнинг эни ва баландлиги 25 мм бўлади. Қолган унсурларлар учун ҳам уларнинг ҳажмига қараб, тўр чизиқлар чизилади. Ҳар бир бетга битта нақш унсурлари қайта-қайта чизилиб машқ қилинади. Чизишда қаламни босмасдан бир хил йўғонликдаги, чизиқлар чизиб, симметрия ва асимметрияга¹ катта эътибор бериш ҳамда унсурларни равон, тўғри, ингичка ва тоза чизишга эътибор бериш керак. Шунинг учун ҳам Шарққа машҳур буюк Наққош Марний шундай деган эди: “...агар кимки расмдаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олар экан, у санъат калитини эгаллаган бўлади.” Ҳақиқатдан ҳам нақш чизиш қонун қоидаларига амал қилиб, нақшларни сидқидилдан, сабр тоқат билан чизсак, олдимишга қўйган мақсадимишга эришамиз.

¹ Ассиметрия композициясида симметрия ва мувозанатнинг бузилиши симметриянинг акси.

Шарққа машхур буюк наққош Маоний чизаётган нақшни ёки бирор тасвирни чизиш муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳақида бундай дейди: “Агар кимки расмдаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олар экан, у санъат калитини эгаллаган бўлади.” Демак, наққошликда, нақш унсирларини чизишда уларнинг шакли қанчалик нафис ва чиройли ишланса композиция шунчалик чиройли чиқади. Бунда қаламда ўтказиладиган чизиқлар билан чизилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда Маоний ҳақида бир ривоятни ҳикоя қилиб бериш ўринлидир.






“...Мусаввирлар хомийси машхур Маоний Самарқанд шаҳридан ўз шогирдларининг ижоди билан танишмоқчи бўлиб, сафарга чиқибди. Самарқанд мусаввирлари ўз устозларини ижод билан шарафламоққа аҳд қилишибди. Маоний шаҳар дарвозасидан кирар экан, ўз кўзларига ишонмабди. Шогирдлари шунақанги ажойиб табиат манзарасини чизишибдики, таърифлашга сўз йўқ эмиш. Тасвир кучига қойил қолган меҳмонлар ўз касбдошлари санъатига таҳсин ўқишибди. Шу пайт Маоний кўлига мўйқалам олиб, расмдаги ховуз яқинига бахайбат итнинг расмини чизиб кўйибди. Тасвир шунчалик табиий эдики, итни кўрган киши унинг жони бор деб, беихтиёр ўзини четга тортар эди. Шунда Маоний ўйга толибди. Шогирдлари ижод чўққисини, маҳорат чўққисини эгаллаб бўлишибди, энди буларга бошқа топшириқ бериш керак.

Ниҳоят Маоний бир тўхтамак келиб, шогирдларига шундай вазифа топширибди: табиатни тасвирлаш - бу санъатнинг ниҳояси эмас, агар кимки расмдаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олсагина у санъат калитини эгаллаган бўлади. Бу жуда оғир ва машаққатли вазифа эди. Ана шу вақтдан бошлаб наққошлик санъати ривожланиб, наққошлар чизиқлар тилсимини очишга бел боғлашибди. Неча-неча авлодлар ана шу изланиш йўлида тер тўка бошлабдилар. Натижада наққошлик асосини чизиқлар уйғунлигидан иборат турли орнаментлар нақшлар эгаллаб олибди.”


Наққошликда нақш тасвирида одам, ҳайвонлар, қушлар ва бошқа нарсалар ҳам тасвирланади. Улар ўзига хос чизиш геометриясига эга.




Барг турлари




Оддий баргларни босқичма-босқич чизиш.




Оддий шобаргларни чизиш




Баргларни чизиш.



Баргли гулларни чизиш.




Баргларни чизиш.




7-расм. Баргли гуллар

Баргли гуллар




8.-rasm.

Мураккаб барглар.




Баргли гулларни чизиш.




10-рasm. Ойгул ва тўп гуллар.

Ойгул ва тўп гуллар.




Ойгулларни чизиш босқичлари.




12-дасм.я. Мураккаб гуллар.


А) Мураккаб гуллар




б) Гул элементлари






в) Гул элементлари





Мураккаб гулларни чизиш.




Карнай гулларни чизиш.








Мураккаб гулларни чизиш.






17 -расм


Новда ва марғуллар



Новда ва марғулларни босқичма-босқич чизиш.




Шкуфта турлари.




Шкуфта ва бофта турлари






Шкуфта ва бофта турлари




Шкуфталарни босқичма – босқич чизиш.




Шкуфта ва бофталарни босқичма – босқич чизиш.



Нақш элементларини чизиш босқичлари.




Рамзий нақш элементлари.



Ўсимликсимон нақш




Хива наққошлик мактабида ишлатиладиган нақш унсурлар.




Хива наққошлик мактабида ишлатиладиган нақш унсурлар.




Хива наққошлик мактабида ишлатиладиган нақш унсурлар.




Хива наққошлик мактабида ишлатиладиган, барг унсурлар.



Гул элементлари



Баргли гуллар



Гул унсурлари

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Нақш

Ўсимликсимон нақш

Рамз

Стилизация

Гулли гириҳ

Гириҳ

САВОЛЛАР

1. Нақш нима ўзи?
2. Нақшнинг қандай турлари бор?
3. Нақш турлари қайси томонлари билан фарқ қилади?
4. Рамз нима ўзи?
5. Нақш тили деганда нимани тушунасиз?
6. Қайси нақш элементларининг рамзий маъноларини биласиз?
7. Чумоли, кўёш, қизил ранг нима рамзий маъноларни билдиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т., Меҳнат, 1991 53-56, 142-143 бетлар.
2. Булатов С.С. Шакрларнинг унсиз овози. Ёш куч журнали.1991, № 10
3. Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигорлари Т., Ғ.Ғулум ном Адабиёт ва санъат нашриёти 1987, 142 б.
4. Самарқанд. Кириш сўзи муаллифлари В.А.Булатова, Г.В.Шишкина Т., Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат 1986,247 бет.
5. Бухоро. Кириш сўзи муаллифлари Т.Пўлатов, Л.Ю.Маньковская Т., Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1991, 255 бет.
6. Қосимов Қ. Наққошлик. Т., Ўқитувчи 1989.7.
7. Амалий санъат қисқача луқати. Булатов С.С., Аширова М.О.Қомуслар бош таҳририяти Т., 1992, 47б.

8. Лоренц Н.Ф. орнаменты всех времен и стилей М., Изд. А.М.Даврина 1898.
9. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана Т., Гос.изд.худ.лит. 1961, 606 стр.
10. Ўзбек Совет энциклопедияси. 1 том, Т., Изд. “Фан”, 1976, 573-576 бет.

УЙГА ВАЗИФА:

1. Нақш ва унинг турларига оид адабиётларини ўқиш.
2. Рамзийликка оид қўшимча материаллар олиб келиш.
3. Рамзийликка оид тест саволларини тузиб келиш ва бошқалар.

ХУЛОСА

Ўзбек халқи ўзининг қадимий ва бой маданияти билан бутун дунёга машҳурдир. Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликлари ва тупроқ ости қисми улкан тарихий музейдир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги ҳар бир архитектура ёдгорлиги бир буюк асар, нодир қўлёмалар, халқ амалий санъати намуналари бир вақтлар ўзбек халқининг маданияти нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради, чунончи ота-боболаримиз қурган бинолар, меъморчилик безаклари, уларнинг ранг-баранглиги, геометрик ва ўсимликсимон нақшлар уларнинг композицион тасвири завқ олишга, тарбияланишга, улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини халққа изҳор этишга чорлайди. Асрлар давомида орттирилган маданий бойлигимиз, халқ амалий санъатининг айрим турлари, уларнинг ўзига хос томонлари, ҳақиқий ўзбекча номлари ишлаш технологияси ва уларни яратган усталарнинг номлари аста-секин унутилиб кетиш арафасида. Шунинг учун халқларнинг асрлар бўйи қилган ижодий меҳнати натижасида яратилган тарихий ёдгорликлар ва бошқа амалий санъатини кўз қорачиғидек сақлаш, қадрлаш ва улардан фойдаланиш ҳозирги давримизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Маданий мерос ва юксак бадиийлик миллий анъанани ривожлантиришга ундан фойдаланиш, ундаги ижодий амалит услубларини жорий этиш, табиий материал билан ишлаш, кишиларда айниқса, ёшларда кунт, чидам қатъият, халқ амалий санъатининг қизиқарли ўзига хос турларига даҳлдор этиш мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасаларида талабаларни сиёсий-ғоявий ва эстетик руҳда тарбиялашда, гўзалликни сеза билишга, санъат асарларини ўрганишга, улардан баҳра олишга, изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини оширишга, амалий санъатга бўлган қизиқишларини кучайтириш, кўникма ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Шундай экан, меъморчилиги ва ўзбек халқ амалий безак санъати ва унинг турлари бўлмиш ганчкорлик, заргарлик, кулолчилик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги дарсларда ўқитувчи барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз ишларини режали ташкил этиш ва тарбиянинг ҳамма таркибий қисмларини жамлаб амалга оширишга эришиши керак. Ўзбек халқ амалий санъати дарсларнинг самарадорлигини ошириш учун техника воситаларидан фойдаланиб видеофильм, электрон версия, электрон дарсликлардан намойиш қилиш, илмий асосланган дастурлар тузиш, ўқув методик кўргазмалар тайёрлаш, экскурсив танловлар, викториналар ўтказиш, ҳозирги замон педагогика ва психологиясининг илғор ютуқларига суянган ҳолда машғулотлар ўтказиш, ўқув моддий негизини мустаҳкамлаш, маҳаллий материаллардан фойдаланиш, кўргазмалар ташкил этиш, ўқув хоналарни замонавий жиҳозланиш, таълим-тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал этиш учун дидактик принциплар, яъни таълимни тарбияловчи принципи, илмийлик принципи, мунтазамлик тамойили ва кетма-кетлик, онглилик-активлик, кўргазмалилик, ва бошқа принципларга риоя қилиш алоҳида ахамият касб этади.

Ўзбек халқ амалий безак санъати ҳам санъат, ҳам ҳунар. У асрлар мобайнида ота-боболаримиз томонидан кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинган халқ амалий безак санъати дурдонасидир. Тарихда ва айни кунларга қадар сақланиб келаётган бу амалий санъат турлари келгусида янада қадрланади, ардоқланади. Зеро, ўйиб, чизиб, тирнаб, бўяб ишланган, такрорланмас нақшлар инсон идрокининг, одам ҳис-туйғуларини ифодасидир. Бамисоли ёғоч, суяк, қора лой, ганч ва бошқаларга жо этилган ҳаёт кўшиғидир. ҳаёт кўшиғи эса замонлардан-замонларга баралла янграйверади.

Хулоса қилиб айтганда, наққошлик санъати тили ҳамда нақшларнинг рамзий алифбоси ҳам мутлақо унутилиш арафасида.

Асрлар давомида яратилган улкан маданий бойликлар, хусусан ўзбек миллий халқ амалий санъати кенг тарқалган турларининг ўзига хос

томонлари, мактаблари, бажариш технологияси услублари, уларни яратган усталарнинг муборак номлари мангу йўқолиш бўсағасида. Ана шу сабабли бу ноёб санъат дурдоналарини сақлаш, уларни ёшларга ўргатиш муҳим вазифалардандир.

Узлуксиз таълим – тарбия тизимининг асосий бўғини ҳисобланган Олий таълим муассасаларида талабаларни рамзийликка оид билимларини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича қуйидагилар тавсия этилади.

1. Касб хунар коллежларида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда дарс самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун бадиий асарларни тўғри таҳлил қила олиш учун, миллий рамзийликка оид билимларни шакллантириб бориш лозим.
2. Ўзбекистон майдонида чексиз маънавий бойликларимиз бор. Уларни ўрганиш учун миллий рамзларни ўқиш алифбоси мезонларини ишлаб чиқиш.
3. Тажриба-синов ишлари асосида ўзбек миллий рамзийликларни илмий методик асослари ишлаб чиқилди ва таҳлил қилинди. Ўзбек миллий рамзларини Касб хунар коллежларида ўргатиш методикаси ёритилди.

Келгусидаги вазифа нафақат Касб хунар коллежларида мутахассислар тайёрлашда, балки узлуксиз таълим-тарбия тизимининг бошқа бўғинларида ҳам юқорида такидланган методлар ишлаб чиқилиши ва амалиётга қўллаш лозим.

Демак, Олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашда миллий рамзларни таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -46 б.
2. Каримов. И.А Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. -64 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 2009. -56 б.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -112 б.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 176.б.
6. Каримов.И.А.Ўзбекистоннинг сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари .–Т: Ўзбекистон, 1995 .
7. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Халқ мероси, 1993. -224
- 8.Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис II қисм. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. -607 б.
- 9.Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигорлари Т., Ғ.Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти 1987, 142 б.
10. Алексей Грицина. Идиш XII аср тақвими. Санъат журнали. 1999 № 2.
11. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т.: Мехнат, 1991. - 384.б,
расм.
12. С.С.Булатов, Ў.Мансуров. Миллий меъморчиликда амалий санъат фалсафаси. –Т.: Фан, 2005. -152 б.
13. Булатов С.С., Юлдашев Х.А., Турсуналиев Н.Ю. Кулолчилик санъати. /Қўлланма. -Т.: Низомий номли ТДПУ, 2002. -31 б.
14. Булатов С.С., Юлдашев Х.А. Касб-хунар коллежларида меъморий безак санъати йўналиши бўйича «Ганч ўймакорлиги» фанидан экспериментал

- намунавий ўқув дастури. –Т.: ЎМКХТРИ, 2003.- 15 б.
15. Булатов.С.С, Салимов.С, Мухторов.А. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами. – Т.: Талқин, 2007.
 - 16.Булатов.С.С, Толипов.Н. Гўзаллик фалсафаси (Монография). - Т., “Fan va texnologiya”, 2008, -128 б.
 - 17.Булатов С.С. Шарқларнинг унсиз овози. Ёш куч журнали.1991, № 10
 - 18.Булатов С.С., Аширова М.О. Амалий санъат қисқача луқати. Қомуслар бош таҳририяти Т., 1992, 47б.
 19. Болтаева Феруза. Янги аср авлоди. 2002.
 20. Березиков. Е. Шахрисабз нақшлари. “Совет Ўзбекистон санъати” журнали. 1980, -18 бет.
 21. Галина Дресвянская “Санъат” журнал. 2001. № 3.
 22. Зоҳидов П.Ш. Зеб ичра зийнат. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. -118 б.
 - 23.Зоҳидов П.Ш. Меъмор санъати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. - 118 б.
 - 24.Зоҳидов П.Ш. Фарғона нақши (халқ устаси Саидахмад Норқўзиев альбомидан). - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1960. -48 б.
 - 25.Имомов. К. Қуёшга қўнган қуш.//Сирли олам. 2002, № 2
 - 26.Ислом дини асослари ҳақида. Ўзбекистон. 1993
 - 27.Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат// Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева.Г.Абдураззоқова. –Т.: “Шарқ”, 2006. -528 б.
 - 28.Маллаев Қ.Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. –Т.: Ўқитувчи, 1980. -132 б.
 - 29.Маҳмудов Маҳкам. Аҳли дил: (маънавий олам сирлари). -Т.: Ўқитувчи, 1997. -312 б.

30. Мирзакалон Исмоилий. Инсон хусни. Ахлоқ-одоб мавзусидаги суҳбатлар (нашрга тайёрловчи Т.Малик) –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –256 б.
31. Мирзахмедов М.Х. Бошланғич бадиий нақш ишлаш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – 24 б.
32. Муҳаммад Содик, Муҳаммад Юсуф. Тафсили ҳилол № 29, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний бошқармаси. –Т.: 1991
33. Ниғмонов Баҳром хожи Абдувосиқ хожи ўғли. Нақш композицияларини тузиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2006. 96 б.
34. Салоҳиддиннова. М. Исломият ва илм. –Т.: Мовороуннахр, 2004.
35. Сарсенбаева Р.М. Меҳнат таълими негизида ўқув-тарбиявий тадбирлар ўтказишнинг илмий-методик асослари (халқ хунармандчилиги мисолида)
13.00.02. Пед. фан. ном. ... дисс. -Т.: ЎМКХТРИ, 2004. -127 б.
36. Самарқанд (Кириш сўзи муаллифлари В.А.Булатов, Г.В.Шишкина)-Т.: Ғ.Ғуломов номли адабиёт ва санъат нашр., 1986
37. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана Т., Гос.изд.худ.лит. 1961, 606 стр.
38. Темур тузуклари . (А.Суғуний ва Х.Караматов таржимаси. Б.Аҳмедов таҳрир) –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. -344 б.
39. Усмонов О. Комолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. –Т.: Фан, 1977. -149 б.
40. Эгамов Х. Бўёқлар билан ишлаш. -Т.: Ўқитувчи, 1981. -56 б.
41. Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. –Т.: Маънавият, 1999. -40 б.
42. Ўзбек миллий энциклопедияси. –Т.: 2000. 1- жилд. 377б.
43. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар). Таҳрир ҳайъати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиев. –Т.: “Шарқ”, 2001. 240б. –(Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланади).
44. Қосимов Қ. Наққошлик: Бадиий шакл тўғараги машғулотларининг мазмуни ва методикаси. (Тўғарак раҳбарлари учун қўлл.) -Т.: Ўқитувчи, 1982. -72 б.

45. Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар, муаллиф Аловуддин Мансур). –Т.: «Чўлпон», 1992.
- 46.Фан ва турмуш. Ў. Алимов. № 10. 1989.
- 47.Фан ва турмуш. № 5-6. 2007.
- 48.Ғуломов. К. Амалий санъат. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. -96 б.
- 49.Худайберганов. К. Ёзувларга яширинган тарих. –Хива.: Хоразм, 1996.-72 б.
50. Холматов. Б. Наққошлик. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. -64 б.
51. Халқ таълим журнали. 1992. 10-12 сон.
52. Ҳаққулов А. Таъмир санъати. -Т.: Мехнат, 1991. -100 б.

Мундарижа

Кириш	
Касб ҳунар ўқувчиларида рамзийликка оид билимларни ривожлантиришнинг назарий асослари.....	
Рамзий нақшларнинг ўзига хос томонлари.....	
Рамзий нақш элементларининг алифбоси.....	
Рамзий нақш элементларини ўрганиш орқали ўқувчиларни мантиқий фикрлашини ривожлантириш.....	
Амалий санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш орқали ўқувчиларни рамзийликка оид билимларини ривожлантириш.....	
Наққошлик дарсларида рамзийликка оид билимларни ривожлантириш методикаси.....	
Хулоса.....	
Фойдаланган адабиётлар.....	
Иловалар.....	
1-илова. Саволлар.....	
2-илова. Тест саволлари.....	
3-илова. Рамзийликка оид тестлар.....	
4-илова. Янги педагогик технология.....	
5-илова. Ривоятлар.....	
6-илова. Билетлар.....	
7-илова. Расмлар.....	

1-ИЛОВА . Саволлар

1. Барглар ичидаги энг катта барг?
2. Нақшга хусн берувчи элемент?
3. Нақш композицияга шакл берувчи элемент?
4. Стилизация нима?
5. Нақшнинг қанақа турлари бор?
6. Бодомнинг рамзий маъноси?
7. Жингала нақш элементининг рамзий маъноси?
 8. Гириҳ нақши қанақа элементларидан ташкил топади.
9. Қандай нақш турлари ислимий нақш дейилади?
10. Тенг ёнли учбурчакнинг рамзий маъноси?
11. Қуёшнинг рамзий маъноси нима?
12. Намоён нақши деган нимани тушунасиз?
13. Қандай нақш турларига гириҳ деб аталади?
14. Ҳошия нақш деганда нимани тушунасиз?
15. Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқи беагида қанақа рамзий нақш элементлари ишлатилган?
16. Ҳошия нақшнинг қанақа турлари бор?
17. Наққошшликда қандай барг элементлари ишлатилади?
18. Қайси меъморий ёдгорликларда Хумо қуши рамзий маънода қўлланилган?
19. Шукуфта элементининг композициядаги ўрни
20. Рамзий маънода қайси қуш турлари безакларда фойдаланилган?
21. Мадахил шаклидаги нақшлар қандай қўйинишга эга?
22. Қайси шакл беш кунлик дунёни билдиради?
23. Нақш турлари қайси томонлари билан фарқ қилади?
 24. Шобарг нима?
25. Нақш юзасини тақсимлашда нима учун танобдан ва гириҳлардан фойдаланилади?
26. Хоразм нақш композицияларида қайси элементлар кўп ишлатилади?
27. Хива нақшларида қайси ранг кўп ишлатилади?
28. Баргли ойгул қанақа кўйинишга эга бўлади?
29. Меҳроб нақш элементи қанақа шакл кўйинишда бўлади.
30. Нақш элементи нисбати деганда нимани тушунасиз

2-ИЛОВА. Тест саволлари

1-даражалий тест саволлари.

1. Қандай нақш турларини биласиз?

- а) мадохи, намоён, сиртмоқ.
- б) шобарг, ойгул, мехроб.
- *в) ислимий, гирих, рамзий. гулли гирих,
- г) паргори, шобарг, бофта.

2. Мадохили қандай маънони англатади?

- а) наво нақши.
- б) хандасавий нақш.
- в) доира шаклидаги нақш.
- *г) лоласимон нақш тури.

3. Стилизация сўзининг таърифи қайси қаторда тўғри келтирилган?

- а) нақшга шакл берувчи чизиқ.
- б) номутаносиблик, маром ва нисбийлик қонунлари асосида композицияси тузиш.
- *в) табиатдаги ўсимлик ва хайвонот оламини соддалаштириб, рамзий қиёслаб чизилган тасвири..
- г) нақш элементларининг такрорланиши.

4. Намоён нақши таърифи қайси банда тўғри келтирилган?

- а) геометрик (хандасавий) нақш. ислимий, хандасавий,
- б) доира шаклидаги нақш ва гулли гирих турлари мавжуд.
- в) хошия нақши. У мустақил нақш.
- *г) «Кўриниш, манзара» демакдир.

5. Бодом гули қандай нақшга киради?

- а) турунж нақшининг такрорланишидан хосил бўлган содда нақш тури.
- б) намоён содда ислимий нақш тури.
- в) гирих нақши.
- *г) бодом шакли такрорланишидан хосил бўлган содда ислимий нақш тури.

6. Шобарг нима?

- а) новда ва танобларни боғловчи нақш элементи.
- *б) ислимий нақш элементи бўлиб, барглар ичида энг каттаси.
- в) геометрик нақш.
- г) елимли бўёқ тури.

7. Шукуфта нима?

- а) новда ва танобларни боғловчи нақш элементи.
- б) барг элементи.

- в) баргли гул элементи.
- г) геометрик нақш элементи.

8. Таноб нима?

- а) нақш композициясининг тузилиши.
- б) нақшнинг рамзий маънолар номи.
- *в) нақш композициясининг асосий йўл чизиғи.
- г) шкуфта элементининг ўзгача номи.

9. Бофта нима?

- а) геометрик нақш.
- *б) тўқилган шаклдаги ислимий нақш элементи.
- в) наво нақши.
- г) ранг туси

10. Бодом гули қандай нақшга киради?

- а) турунж нақши.
- б) намоён нақши.
- в) гирих нақши.
- *г) бодом шакли такрорланишидан ҳосил бўлган ислимий нақш тури.

2-даражали тест саволлари.

1. Қандай нақш турлари ислимий нақш дейилади?

- *а) ўсимликсимон.
- б) занжира.
- в) геометрик
- г) рамзий.

2. Қандай нақш турларига гирих деб аталади?

- а) мадохил, намоён, сиртмоқ.
- б) шобарг, ойгул, мехроб.
- *в) хандасий (геометрик) нақш тури,
- г) паргори, шобарг, бофта.

3. Наққошликда қандай барг унсурлари ишлатилади?

- а) шобарг, намоён, сиртмоқ.
- б) мадохи, ойгул, мехроб, шохбарг
- в) ислимий, гирих, рамзий. гулли гирих,
- *г) Қўш ва кўп барг, шох ва чор барг.

4. Тарх нима ?

- а) геометрик нақш тури.
- *б) эскиз, режа..
- в) наво нақшининг қораламаси.

г) композициянинг ранг туси

5. Гирихкор уста деганда қанақа устани тасаввур қиласиз.

а) Гирихнинг чиройли тури

*б) Гирих тақсими сирларини очувчи уста, гирих устаси

в) Гирихни устунга ишлаган қисми

г) Ислимий нақш устаси

6. Банд нима?

А) Нақш унсури

В) Композициядаги иккинчи даражали унсур

С) Новдани боғловчи

*D) Ўсимлик банди

7 Таноб нима?

*А) Нақшга шакл берувчи чизик

В) Гирих

С) Банд

D) Бофта

8. Лола нима?

А) Наққошликда иккинчи даражали унсур

В) Шакл. унсур

*С) Лолани эслатувчи нақш унсури

D) Гулни бир тури

9. Барглар турларидаги энг катта барг?

А) Анжир барги

В) Тол барги

*С) Шобарг

D) Анор барги

10. Нақшга хусн берувчи унсури?

*А) Гул

В) Барг

С) Анжир

D) Новда

3-даражалий тест саволлари.

1. Нақш композицияга шакл берувчи унсур?

А) Бофта

В) Барг

С) Гул

*D) Таноб

2. Нақш турлари бир-биридан нималари билан фарқ қилади?

- *А) Унсурлари, тузилиши, рангдан ва ишлаш услуби билан
- В) Ранги ва тузилиши билан
- С) Кўриниши ранги ва элементи
- Д) Фақат композиция

3. Стилизация нима?

- А) Унсурларни бўрттириб кўрсатиш
- В) Қайта ишлаш
- С) Соддалаштириш
- *Д) Қуёш, балиқ, гул ва бошқа шаклларнинг, кўринишини нақшга мослаштириб ҳамда умумлаштириб олиниши

4. Сиртмоқ қанақа нақш унсури?

- А) Бофта
- В) Шкуфтани бир кўриниши
- *С) Бофтанинг бир тури
- Д) Новда

5. Анор гул деганда нимани тушунаси?

- *А) Анор кўринишидаги ислимий нақш тури
- В) Нақш унсури
- С) Бофтали нақш
- Д) Анор унсури

6. Нақшни қанақа турлари бор?

- А) Геометрик ва ўсимликсимон
- *В) Ислимий, геометрик, рамзий, ёзувли, жониворсимон ва бошқалар
- С) Ислимий ва геометрик
- Д) Ўсимликсимон ва гулли гирих

7. Бодомнинг рамзий маъноси?

- а) Истикбол, муҳаббат
- б) Эзгулик
- в) Муҳаббат
- *г) Бахт иқбол

8. Жингалак нақш элементининг рамзий маъноси?

- а) Ёмон кўздан асраш рамзи
- б) Муҳаббат
- *в) Тўкин сочинлик, бойлик рамзи
- г) Бойлик ва муҳаббат

9. Атиргулнинг рамзий маъноси?

- *а) Муҳаббат, гўзаллик
- б) Садоқат
- в) Бойлик
- г) Эзгулик

10. Чумолининг рамзий маъноси?

- а) Ёвузлик
- *б) Донишмандлик
- в) Секинлик
- г) Тинчлик

3-ИЛОВА. Рамзийликка оид тестлар.

1. Регистон майдонидаги Шердор мадрасаси пештоғида қайси хайвонлар рамзий маънода ифодаланган?

- а) Сичқон, бургут.
- *б) Йўлбарс, Шер, оху.
- в) Кабутар, йўлбарс.
- г) Товус, айиқ

2. Хумо қуши қандай рамзий маънога эга?

- *а) Бахт қуши.
- б) Бахтсизлик.
- в) Саҳийлик.
- г) Гўзаллик.

3. Ҳушёрлик ва ҳалол лукма рамзи қайси сувда яшовчи жаниворга мансуб?

- а) Саккиз оёқ.
- б) Денгиз юлдузи.
- *в) Балиқ.
- г) Денгиз оти.

4. Қайси ранг поклик рамзи ҳисобланади?

- *а) Оқ.
- б) Қора.
- в) Кул ранг.
- г) Хова ранг.

5. Шердор манзарасидан оху ниманинг рамзий маъносида тасвирланган?

- *а) Руҳий полик.
- б) Маънавий поклик.
- в) Етуклик.
- г) Эзгулик.

6. Атиргулнинг рамзий маъноси нима?

- *а) Муҳаббат ва гўзаллик.
- б) Вафодорлик.
- в) Садоқат.
- г) Самимийлик.

7. Анор гулининг рамзий маъноси?

- а) Сокинлик.
- б) Эзгулик ва вафодорлик.
- в) Кўпайиш.
- *г) Вафодорлик.

8. Чархпалак ниманинг рамзи?

- *а) Ҳаётнинг тинимсиз ҳаракатда экани.
- б) Кун билан туннинг алмашуви.
- в) Ой билан кўёш.
- г) Йилнинг аср билан алмашуви.

9. Янги ой ниманинг рамзий тимсоли?

- а) Ҳаёт, ёруғлик.
- *б) Ислом динининг рамзий ифодаси.
- в) Тиббиёт илмининг рамзий ифодаси.
- г) Барча жавоблар тўғри.

10. Қуёш ниманинг рамзий ифодаси?

- *а) Ёруғлик, илиқлик.
- б) Зиё, илм, донишмандлик.
- в) Голиблик, улуғворлик.
- г) Мусулмонлик.

11. Чинни гулнинг рамзий маъноси?

- *а) Ҳаёт рамзи.
- б) Садоқад.
- в) Ёлғизлик.

г) Ҳиёнат.

12. Булбулнинг рамзий маъноси?

*а) Садоқад.

б) Бахт қуши.

в) Ҳушёрлик.

г) Ҳалоллик.

13. Қалампирнинг рамзий маъноси?

*а) Ёмон кўз ва балолардан асраш.

б) Тўкин-сочинлик.

в) Аччиқ қисмат.

г) Бахт, иқбол.

14. Лола қайси фаслнинг рамзий белгиси?

а) Қиш.

б) Ёз.

в) Куз.

*г) Баҳор.

15. Айлана ниманинг рамзи?

*а) Олам, мукамаллик, бахт, хаёт.

б) Қуёш, ой, чилдирма, нон.

в) Дунёнинг тўрт томони.

г) Голиблик, улуғборлик.







4-ИЛОВА.Янги педагогик технология.


Сўроқнома (ақлий ҳужум)

Янги педагогик технология.

1. Барглар ичидаги энг катта барг?
2. Нақшга ҳусн берувчи элемент?
3. Нақш композицияга шакл берувчи элемент?
4. Стилизация нима?
5. Нақшнинг қанақа турлари бор?
6. Бодомнинг рамзий маъноси?
7. Жингала нақш элементининг рамзий маъноси?
8. Гириҳ нақши қанақа элементларидан ташкил топади.
9. Қандай нақш турлари ислимий нақш дейилади?
10. Тенг ёнли учбурчакнинг рамзий маъноси?
11. Қуёшнинг рамзий маъноси нима?
12. Намоён нақши деган нимани тушунаси?
13. Қандай нақш турларига гириҳ деб аталади?
14. Ҳошия нақш деганда нимани тушунаси?
15. Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқи беагида қанақа рамзий нақш элементлари ишлатилган?
16. Ҳошия нақшнинг қанақа турлари бор?
17. Наққошликда қандай барг элементлари ишлатилади?
18. Қайси меъморий ёдгорликларда Хумо қуши рамзий маънода қўлланилган?
19. Шукуфта элементининг композицияда ўрни
20. Рамзий маънода қайси қуш турлари безакларда фойдаланилган?
21. Мадахил шаклидаги нақшлар қандай кўринишга эга?
22. Қайси шакл беш кунлик дунёни билдиради?
23. Нақш турлари қайси томонлари билан фарқ қилади?
24. Шобарг нима?
25. Нақш юзасини тақсимлашда нима учун танобдан ва гириҳлардан фойдаланилади?
26. Хоразм нақш композицияларида қайси элементлар кўп ишлатилади?
27. Хива нақшларида қайси ранг кўп ишлатилади?
28. Баргли ойгул қанақа кўринишга эга бўлади?
29. Меҳроб нақш элементи қанақа шакл кўринишда бўлади.
30. Нақш элементи нисбати деганда нимани тушунаси?


ЧАХПАЛАК

№	Қисмлар гуруҳи	Барг	Новда	Гул	Бофта	Баргли гул	шобарг	Шкифта	Марғула
1									
2									
3									
4									
5									
6									



Кроссворд 1

1. “Олий эътиқод” мазмунини билдирувчи ранг
2. “Ёмон кўздан асраш” мазмунини билдирувчи белги
3. “Хушрўйлик” рамзини билдирувчи куш
4. Мусаффолик, тозалик, ёруғлик ва бахт рамзини билдирувчи ранг
5. “Ғолиблик” рамзини билдирувчи ранг
6. Она табиатни, ифода этувчи ранг
7. “Мухаббат” белгиси
8. Айёрлик, маккорлик рамзи
9. Мовий осмон, тинчлик рамзини билдирувчи ранг



Жавоблари :

1. Зангори, 2. Қалампир (шакли), 3. Бойқуш (расм), 4. Оқ, 5. Олов (рамзи). 6. Яшил, 7. Олма (шакли), 8. Тулки (расм), 9. Кўк (ҳаво ранг).

Кроссвордлар № 2

1. Ким нақшлар чизади?
2. Усмонов Тошкент наққошлик мактабининг намоёндаларидан бири.
3. Наққошлик марказларидан бирининг номи.
4. Лойдан идиш-товоқлар, ўйинчоқлар ясовчи уста деб аталади.
5. Фарғона нақш мактабининг машхур усталаридан бири – уста
Ҳайдаровдир.
6. ... мусулмонлик рамзи ҳисобланади
7. Амалий безак санъати турларидан бирининг номини топинг.
8. Каштачилик санъати жанрларидан бири.
9. Тўкин, сочинлик, тўкчилик рамзи.
10. Хива наққошлик мактабининг намоёндаларидан бири уста ...
Полвоновдир.
11. Айёрлик ва маккорлик рамзи.

		1	А					
2			М					
3			А					
	4		Л					
5			И					
		6	Й					
	7		С					
8			А					
		9	Н					
	10		А					
		11.	Т					

ЖАВОБЛАР: 1. Наққош, 2. Махмуд, 3. Хива, 4. Кулол, 5. Қодиржон, 6. Ой,
7. Кашта, 8. Сўзана. 9. Анор, 10. Ота. 11. Тулки.

Кроссвордлар № 3

1. Наққошликда ишлатиладиган квадратнинг арабча атамаси.
2. Абадийлик ва ёруғлик маъносини англатувчи геометрик шакл.
3. Она ер рамзини билдирувчи шакл.
4. Дунёнинг ўткинчилигини билдирувчи шакл
5. Бахт, инсонларни ёзув ниятлардан қойтарувчи маъносини билдирувчи шакл.
6. Нақшларда ишлатиладиган тенг, томонли мунтазам учбурчак қандай маънони англатади.
7. Ишонч маъносини англатувчи геометрик шакл.

			1		Р								
			2		А								
			3		М								
4					З								
			5		Л								
	6				А								
			7		Р								

ЖАВОБЛАР: 1.Мурабба, 2.Квадрат, 3.Ромб, 4.Юлдуз, 5.Айлана, 6.Мустаҳкамлик, 7. Тўртбурчак.

Кроссвордлар № 4


1. Мардлик ва жасорат рамзи бўлган ҳайвон.
2. Ҳушёрлик рамзи бўлган ҳайвон.
3. Бахт ва иқбол рамзи бўлган афсонавий қуш.
4. Нақшлардаги оҳу рамзи қандай маънони англатади.
5. Садоқат рамзини англатувчи қуш.
6. Тинчлик рамзи бўлган қуш.
7. Бахт рамзи бўлган афсонавий қуш.

1		Р						
	2	А						
3		М						
4		З						
5		Л						
	6	А						
7		Р						

ЖАВОБЛАР: 1. Шер 2. Балиқ 3. Ҳумо 4. Гўзаллик 5. Булбул 6. Кабутар 7. Семруғ

Кроссвордлар № 5

1. Баҳорги уйғониш маъносини билдиради?
2. Ёмон кўздан асраш маъносини билдирувчи шакл
3. Бахт-иқбол рамзи бўлган шакл
4. Осойишталик ва умрибоқийлик рамзи гул
5. Муҳаббат рамзи бўлган мева
6. Байлик ва фаровонлик рамзи шаклли
7. Эзгулик тўқлик тўкин сочинлик рамзи бўлган мева шакли



ЖАВОБЛАР: 1. Барг. 2. Қалампир. 3. Бодом. 4. Зирк гули. 5. Олма. 6. Новда.
7. Анор

Кроссвордлар № 7

1. Нақш фани нима дейилади.
2. Нақш устаси
3. Устанинг раҳбарлигида ҳунар ўрганувчи шахс
4. Давра шаклдаги ислимий ёки гириҳ нақш яратиш
5. Лола шаклидаги занжира тури
6. Қушё, балиқ, барг, гул ва шу кабиларнинг шаклини кўринишини нақшга мослаштириб ҳамда умумлаштириб олиш.
7. Ганчнинг олий нави.
8. Тўрсимон гириҳ нақш тури.

1										6		
		7										
2												
3		8										
			4								5	

АНКЕТА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбек халқ амалий санъатига оид терминлар

№	Терминлар	Амалий санъат тури		
		Нақш элементлари	Зардўзлик элементлари	Ганчкорлик элементлари
1	Арба			
2	Новда			
3	Гипс			
4	Симдўз			
5	Кантрас			
6	Қолип			
7	Гули барглар			
8	Ироки			
9	Шобарг			
10	Нақш			
11	Бофта			
12	Сидди			
13	Бахя			
14	Шкуфта			
15	Барг			
16	Гул			

5-ИЛОВА.Ривоятлар.

Биринчи ғишт

Бобилда ибодатхона марказида санам ўрнатилган хона пойдевори ғишдан терилган ва унинг биринчи ғишти «қадр ғишти» деб тушунилган.

Марғилондаги ҳаммом қурилиши ҳақида халқ орасида қизиқ ривоятлар бордир. Айтишларича, усталар бошга шаҳардан келишган бўлиб, бош уста маҳаллий халққа : «иморат пойдевори биринчи ғиштини ўрнатиш учун ёши каттароқ, уйланмаган, покдомон йигит майдонга чиқсин» деб мурожаат қилади. Майдонга ҳеч ким чиқмайди. Шунда уста: «Ичларингизда яна ўзим покроғ эканман-да», - деб ғишт ўрнатмоқчи бўлаётганида, майдонга уйланмаган, марғилонлик йигит Олмат хожи отилиб чиққан экан.

Шунга ўхшаш ривоят Ўратепадаги Кўк гумбаз масжидига ҳам тегишли. Нақл қилишларича, Кўк гумбаз масжиди қурилишини бошлашдан олдин Самарқанд ҳокими Абдулатиф чолларни йиғиб : «Ораларингда 12 ёшдан бу ёғида гуноҳ қилмоқон одам бўлса чиқи, бирламчи ғиштни қўйсин» – дейди. ўзининг беғуноҳлигига тўлиқ ишончи бўлмаганлиги сабабли бўлса керак, ҳеч ким майдонга чиқишга журъат этмайди. Шунда Абдулатиф: «Бирламчи ғиштни фақат ўзим ўрнатмоқим мумкин, чунки мен ҳамма вақт шариат қоидаларига тўлиқ итоат қилиб келганмен», - дейди.

Халқда ҳамма иморатнинг яхши, шинам, кўркам, мустаҳкам, яхшиликка хизмат қилишига ишонч билан иш бошлаш одатга кирган. Шунинг учун ҳам иморат биринчи ғиштини беғуноҳ, иймонли, серфарзанд одам қўйишига мойиллик билдиришган.

Сурат тили

"Алишер Навоийнинг замондоши тарихчи Зайниддин Васифий "Бадойи ул вақое" асарида қизи ходисани ёзиб қолдирган. Машхур мусаввир Бехзод янги суратни Амир Алишер мажлисига келтирган. "Сувратда тасвирланишича, ораста боғча турли-туман дарахтлар... хуш уврат қўшлар. Ҳар тарафда ариқчалар... Очилган зангори гул туплари ва унинг орасида Мир (Алишер) нинг ёқимли хушсуврати. У асога таянган... Ёнида сопқи учун зар тўла табақларни қўйган. Ҳазрати Мир у сувратни мушоҳада ва мулоҳаза қилди: ул нафис саҳифа - боғлар ичра латиф ва шодлик гуллари, хаёлий ҳовузлар атрофи ғузал ва ҳузур (бағишловчи) дарахтлар билан безалган...

Сўнгра Навоий мажлисда ҳозир бўлганларга қараб деди:

-Азизларнинг хотирига бу муҳим саҳифа таърифи учун нималар келди?

Мирнинг устози ва Хуросон аҳлининг машхурларидан бўлган мавлоно Фасиҳиддин деди:

-Махдумлар! Кўз олдимдаги бу очилган раъно гулларни қўл чўзиб узсаму, дасторимга санчсам!

Мирнинг улфати ва дўсти Соҳиб Доро:

-Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо кўл чўзсам, дарахтлар устидаги кўшлар хуркиб, учиб кетмасин, деб андиша қилдим,- дейди.

Хуросоннинг хуштабиат аҳлидан ва пешволаридан бўлган ҳамда Мир билан доимо тегишиб, қочирим сўзлар айтиб юрадиган мавлоно Бурҳон:

-Мен мулоҳаза билан қўлимни тортиб, тилимни тиймоқчимаг; агар сўз қотсам, мабодо ҳазрат Мир аразлайдилар ва юзларини буриштириб, кошларини чимирадилар,- дейди.

Қиёфа илми

Хикоят: Келтиришларича, қадим замон ҳақимларидан бири ўз замонидаги одамларнинг ёмонлигидан кўнгли оғрибди ва бу донолик соҳиби бўлган зот шаҳардан чиқиб кетиб, тоғнинг устига чиқиб яшай бошлабди. Аммо эшиги олдига бир моҳир рассомни тайин қилиб қўйибди. Шаҳар халқидан кимки бу файласуф олимни зиёрат қилиш учун келса, мазкур рассом у кишининг суратини қоғозга чизиб, ҳақимга олиб кириб кўрсатар экан. Ҳақим суратни "Илми қиёфа" бўйича диққат билан кузатиб, агар қиёфасида яхши кишининг белгиларини топса, ичкарига рўхсат берар ва у билан суҳбат қилар экан. Борди-ю, башарасидан хийнаткорлик белгиси намоён бўлса, дарвозадан қайтариб юборар экан.

Кунлардан бир кун бир киши уни зиёрат қилиш учун келди. Рассом ўз одати бўйича у кишининг расмини чизиб, ҳақимга киритди. Ҳақим расмни диққат билан кузатиб, бу кишининг ёмон ва кўнгли қора эканлигидан хабар топиб, ичкарига киришга рўхсат бермай, дарвозадан қайтариб юборишга ишорат қилди. Бу киши эса Ҳақимга: "Эй ҳақим, қиёфамга қараб, менинг ёмон фахлли киши эканимдан хабар топдинг. Ҳа бу рост ҳақиқатдир. Лекин мен риёзат ва меҳнат сабабли барча ёмон хислатлардан ўзимни тозалаб, энг яхши сифатлар билан безанганман. Мендан бирорта зарар юз беради, деб ўйлама ва файз таратувчи суҳбатингдан маҳрум қилиб қайтарма!" деган хабарни киритди. Шундан сўнг ҳақим ўз ҳузурига йўл берди... У ҳақим билан ўзаро суҳбатлашиб, сунг манзилига қайтди.

Демак, бу илмнинг фойдаси ҳар икки томонга ам таъсир этади. Биринчи фойдаси шуки, бу илмнинг йўлланмаси билан киши ўзининг айбу нуқсонларидан огоҳ бўлиб, ёмон хислатларидан қутилади. Иккинчи фойдаси шуки, бошқа кишиларнинг айбларидан хабар топиб, уларнинг зин-захматидан саломат бўлади.¹

Моҳир гиламдўз

Қадим замонда бир подшоҳ қабулхонсига тўшалган гилам ўртасига ўт тушиб куяди. Подшоҳ дарҳол гиламни тўқиган устани

¹ Қиёфат ул-башир (Қиёфага қараб аниқлаш)/ Масъул муҳаррир М.Ҳақимжон.- Тошкент: Фафун Фулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.- 8-9 б.

чакиртириб, гиламнинг куйган ўрнини қисқа муддатда ямашни буюради.

Уста гиламни уйига элтиб, уни асл ҳолатидек ямайди ва эртасига ўрнига келтириб тўшайди. Гиламга ҳарчанд синчиклаб караган хукмрон ва сарой аҳли унинг куйган ўрнини топа олмай устадан сўрашга мажбур бўлишипти. Уста гиламнинг орқа томонини ағдариб озроқ билиниб турган ямок ўрнини кўрсатибди.

Шунда подшоҳ ва унинг атрофидагилар устанинг санъатига офариндар айтишибди.

6-ИЛОВА. Билетлар.

1-билет

1. Қандай нақш турлари бор?
2. Оддий барг турларини чизиб беринг ?

2-билет

1. Гириҳ нақши қанақа элементларидан ташкил топади?
2. Мураккаб барг турларини чизиб беринг.

3-билет

1. Қандай нақш турлари ислимий нақш дейилади?
2. Баргли гулларни турларни чизиб беринг.

4-билет

1. Яшил рангнинг рамзий маъноси нимани англатади?
2. Гул турларни чизиб беринг.

5-билет

1. Намоён нақши деган нимани тушунаси?
2. Шукуфта турларини чизиб беринг.

6-билет

1. Тенг ёнли учбурчакнинг рамзий маъноси нима?
2. Боғлан ва сиртмоқ элементларни чизиб беринг.

7-билет

1. Қандай нақш турларига гириҳ деб аталади?
2. Бофта турларни чизиб беринг.

8-билет

1. Наққошшликда қандай барг элементлари ишлатилади?
2. Рамзий нақш элементларни чизиб беринг.

9-билет

1. Шукуфта элементининг композицияда ўрни
2. Қушларни стилизация усулида чизиб беринг.

10-билет

1. Гириҳ нақш устарларидан кимларни биласиз.
2. Геометрик нақш элементларни чизиб беринг.

11-билет

1. Амалий санъат турларида ишлатилган нақш элементлар қайси томнолари билан бир-бириндан фарқлари нимадан.
2. Темурийлар музейидаги безакларидаги рамзий нақш элементларни чизиб беринг.

12-билет

1. Мадохили қандай маънони англатади?
2. Шобарнг турларини чизиб беринг.

13-билет

1. Стилизация сўзининг таърифи қайси каторда тўғри келтирилган?
2. Таноб турларини чизиб беринг

14-билет

1. Гуллигирих нақшларда қанақа нақш элементлари ишлатилади.
2. Гирих элементларини чизиб беринг.

15-билет

1. Қуёш, тулки, олма, анор рамзий маъноларни айтиб беринг.
2. Лола турларини чизиб беринг.

16-билет

1. Қнадай нақш турларини ислимий нақш деилади.
2. Нақш элементлари қанақа гуруҳларга ажратилиб чизилади.

17-билет

1. Ўсимликсимон нақш ишлатиладиган нақш элементлари.
2. Рамзий нақш элементларни чизиб беринг (қушлар).

18-билет

1. Гулли гирих нақшларида қанақа нақш элементлари ишлатилади.
2. Рамзий нақш элементларни чизиб беринг (рангларни)

19-билет

1. Гирих билан гули гирих фарқи нимада.
2. Рамзий нақш элементларни чизиб беринг (ҳайвонларни)

20-билет

1. Рамзий нақш элементларини қайси бирларини биласиз
2. Рамзий нақш элементларни чизиб беринг (меваларни)

21-билет

1. Нақш нима маънони англатади.

2. Рамзий нақш элементларни чизиб беринг (гулларни)

22-билет

1. Таноб деганда нима тушунасиз
2. Рамзий нақш элементларни чизиб беринг (шаклларни)

23-билет

1. Бофта композицияда нима вазифани бажаради.
2. Нақш элементларни гуруҳларга бўлиб чизиб беринг.

24-билет

1. Банд элементи композицияда нима вазифани бажаради.
2. Шукуфта турларини чизиб беринг.

25-билет

1. Сиртмоқ қанақа нақш элементи?
2. Бодом гулларини чизиб беринг


Нодир девонбеги мадрасаси



Хўжа Аҳрор ҳаётлик кезларида катта ер – мулк ҳуқуқи, сон-соноқсиз подалар ва улкан хазинага эга бўлган. Бу эса унга ўнлаб масжид ва мадрасалар қуриш, шунингдек, сўфийлар жамоасини моддий жиҳатдан қўллаб – қувватлаш имконини беради. Шайбонийхон Мовароуннаҳрни босиб олиш баробарида “Нақшбандия” тариқатига ҳам кучли зарба берган эди. Хўжа Аҳрор оиласининг мол-мулки мусодара қилинади. Бироқ Шайбонийхоннинг кичик укаси Маҳмуд Султон “нақшбандия” ни қабул қилади. Унинг ўғли, шайбонийларнинг бўлғуси давлат ҳуқумдори Убайдуллохон (1533-1539) сўфийлик анъаналари руҳида тарбияланади. XVI аср ўрталарида “нақшбандия” тариқати тепасида Жуйбор шайхлари туришади. Улар таъсири остида Шайбоний ва аштархонийлар саройида Хўжа Аҳрорга бўлган эҳтиром қайтадан тикланади. 1630-1631 йилларда юқори мартаба эгаси Нодир Муҳаммад Девонбеги Хўжа Аҳрор мақбараси ёнида масжид ва мадраса қурилади. Бунинг мазмун-моҳиятида XVII асрдаги “нақшбандия” нинг ўрни ва улуғ шайхга бўлган эҳтиром мужассам эди. Янги мадраса пештоқининг олд томонида худди Шердор мадрасасидаги каби йўлбарс ифодаси акс эттирилган.

Бухоро нақши “Анор”

Тураржой уйларнинг ички деворларидаги безаклардан парчалар. Бухоро, Самарқанд. XIX асрнинг иккинчи ярми, Ўзбек уйларининг марказий қисми бўлиб меҳмонхона хизмат қилади. Мазкур хонани жиҳозлаш ва жиллолашда



меъмор, дурадгор уста ва наққошалоҳида меҳр ва иштиёқ билан меҳнат қилади. Гулдор ганчдан тикланган девор юзаси, бўрдан қилинган шарафалар ва жим-жимадор ёғоч қуббалар бир текис териб чиқилган нақшин тўсин ва вассажуфтлар билан биргаликда ажойиб, кўзни қувонтирадиган манзара юзага келтиради. Кўпинча геометрик ва ислимий нақшлар бирон-бир жонли манзара акс эттирилган миллий нақшлар билан қоришиб

1-расм

кетганининг шоҳиди бўламиз.



2-расм

Тураржой биноти деворидаги нақши

Бухоро нақши



52

3-расм


М.Рахимов. “Афросиёб кулолчилиги, XI-XII аср”.

АФРОСИЁБ КУЛОЛЧИЛИГИ



Афросиёбдаги турли йилларда қазилмалар чоғида Сомонийлар ва Қорохонийлар маданиятига тегишли IX-XII асрларга оид кулолчиликларни бир неча намуналари топилди. Буларни катта қисмини гул солинган ва сирланган кулолчилик идишлар ва кўзлар ташкил этади. Уларни безашда ҳам Афросиёб йўлакларидаги ранг-баранг композицияларда кўп нусхада фойдаланилган тасвирлар ишлатилган. Афросиёб кулолчилигида “бахт тугуни”, учи қайрилган хоч, “симлик хочи”, “мойчечак” ва бошқа кулолчилик рамзлари кўп учрайди. Кулолчилик

буюмлари ва ганч йўлаклар учун умумий орнамент чегараси “улаш” принциpidан фойдаланиши ҳисобланади. Орнамент шакллари бир-бири билан пишиқ мустаҳкамланган ва уни ҳақиқатан ҳам ясаган бўлса, буюмни бўлиб бўлмайди. Бу йирик чизманинг асосий қисмлари – тирик Табиат, Қуёш, Ер бирлиги ғоясининг ифодасидир.



Бундай “бутпарастлик” орнаментациясининг умумий ғояси – коинот кучларини енгишнинг бирлашган прокламациясидир. Фольклор анъаналари ҳар бир одамга шундай тасвирий “сиғиниш” ёрдам бериши керак деган



этиқодни сақлаб қолди. Бизгача етиб келган барча маълумотлар қадимий Самарқанд табиатнинг кучига сиғиниш одат бўлганини билдиради. Афросиёб X-XI асрда исломнинг муқаддас жойлари билан боғлиқ, лекин чуқур тарихий илдизга эга бўлган учга сиғинадиган жой борлиги гапимизга исбот бўлади. Булар “ўлмас шоҳ” афсонаси билан боғлиқ Шоҳи-Зинда мемориали, тириклик сувини ичган ўлмас нуроний Хўжаи Хизр билан боғлиқ

масжид ва қабрда катта бўлган Хўжа Дониёр билан боғлиқ муқаддас масжиддир. Орнаментлаштиришда Афросиёбнинг кулолчилик буюмларидан бошлаб, “будпарастлик” рамзларидан ташқари, шу мақсадда мусулмонча яхши ниятдан ҳам фойдала бошланди. Ўрта асрларнинг сўнгигача геометрик ва ўсимлақлар орнаментининг сеҳри сифати муқаддас ислом матнларини ифодаланган ҳолда, амалда ислом маданиятининг асосий жиҳати бўлиб қолади.






**Афросиёб. Девор
нақшларида акс
эттирилган ғозлар
таъsvири.**



**Афросиёб. Кийим
нақшларидаги товус таъsvири**



**Афросиёб.
Кийим безагидаги қаноатли шерлар таъвири.**



**Кийим нақшларида
акс эттирилган
қанотли отлар
таъсири.**

**Кийим
нақшларида
акс этирилган
қанотли
эчкилар
таъсири.**

